

R 496



Guliston
2010/1



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKAS' PREZIDENTI
O'RHOLI KUCHLAR OLIY BOSH
QO'NDONI ISLOM KARIMOVNING
1991 YIL 6-SENTABRDAKI FARMONI BILAN
ЎZBEKISTON RESPUBLIKASIDA JOYLASGAN
HARBIY TUZILMALAR ASSOSIDA
ЎZBEKISTON O'RHOLI KUCHLARI TASHKIL
OLINDI VA ЎZBEKISTON RESPUBLIKASINING
1993 YIL 29 DEKABRDAKI QONUNIGA
MUVOFIQ 14 YANVAR SANASI VATAN
HIMOIYACHILARI KUNI DEB BELGILANDI

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли Ватан ҳимоячилари — аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимоячиси деган олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг ўн саккиз йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва кўламига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Шу давр ичида амалга оширилган ишларни баҳолаётган эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Қуролли Кучларимиз олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш масаласи биздан Ватанимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ва тобора кучайиб бораётган ана шундай талабларни ҳисобга олган ҳолда, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган стратегия ҳамда устувор йўналишларни бажариш юзасидан бошлаган ишларимизни янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги**

Тахририят:

бош муҳаррир

Азим СУЮН

бош муҳаррир ўринбосари

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

мастул котиб

Комил ЖОНТОВ

саҳифалаш ва дизайн

Нигина ҚОДИРОВА

Иномжон ЎСАРОВ

набатчи муҳаррир

Манзура ШАМС

Жамоатчилик кенгаши:

Ўткир ЖЎРАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлиги бош директорининг

биринчи ўринбосари

Сувон НАЖБИДИНОВ

«Матбуот тарқатувчи» АК

бош директори

Абдуваҳоб НУРМАТОВ

Андижон вилояти ҳокимлиги

мастул ходими

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари

вазирининг биринчи ўринбосари

Азиз ТЎРАЕВ

Тошкент Давлат Маданият

институтининг ректори

Абдусалом УМАРОВ

Ялшир Навоий номидаги Ўзбекистон

миллий кутубхонасининг директори

Азамат ҲАЙДАРОВ

«Ўзбекнаво» эстрада

бирлашмаси бош директори

Ушбу сонда:

Лайло АБДУЛЛАЕВА
Муҳаннийнома

Шермурод СУБҲОН
Шоҳ ва шоир

Қосимжон СОДИКОВ
Қут ва саодатга етакловчи китоб

Мансур ТЕНГЛАШЕВ
Мен ҳақиқатни севардим

Комил ЖОНТОВ
Олтин ваевасаси

Муқоламизда:

1-бет: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Боир Холмирзаев

4-бет: Хонанда Гулнора Оллоберганова

Босишга 2010 йил 04 февралда топширилди. Оффсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8.

Ҳажми 6,0. Адади: 4357 Буюртма № 7

Тахририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 233-25-66

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

«Nilol Media» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри,

Учтепа тумани, 21-мавзе, Фарҳод кўчаси, 1-«А».

e-mail: AzimSUYUNNUR@mail.ru

ВАТАН ВА ОИЛА ҲИМОЯСИ

Соғлом оила — барқарор ва салоҳиятли жамият негизи бўлиб, ижтимоий ҳаёт тараққиётига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Ҳар бир оила ўз аъзоларининг касбий йўналишига кўра бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ҳарбий хизматчилар оиласи ҳам бундан истисно эмас.

Ҳарбий хизмат ва оила-аъзоларининг бир-бирига таъсири қатор сабаблар билан белгиланади. Булар ҳарбий хизматчининг ватан ҳимояси йўлида танлаган ҳарбий касбининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Шахснинг у ёки бу ҳарбий қисмга тегишлилиги, хизмат вазифаси юзасидан унинг кўчиб юриши, унинг сафарбарлиги ва жанговар шайлиги сингари омиллар оилавий муносабатлар, яъни эрхотин ҳамда фарзандлар ва отоналар ёки хизмат муносабатларининг бирор-бир жиҳатига таъсир кўрсатади.

Ҳарбийлар оиласи бошқа оилалар каби бир қатор ижтимоий вазифаларни бажариш билан бирга махсус ҳарбий хизмат таъсирида бўлади ва бу таъсирлар ижтимоий-психологик функцияларда ўз ифодасини топадики, уларни қуйидагича кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

— Қуролли Кучлар тарафидан ҳарбий хизматчи шахсига қўйиладиган хизмат вазифаларини бажаришда унинг оиласи тақдирини ва ҳаётини алоҳида инobatга олиш;

— Ҳарбий хизматчи ва унинг оила аъзолари янги хизмат жойига кўчиб ўтгани табиий-иқлимий, маиший, ижтимоий шароитга мослашиш жараёнида психологик ва жис-

моний омилларни эътиборга олиш;

— Ҳарбий хизматчи хотини ишга, фарзандларини болалар боғчасига ёки ўқишга жойлаштириш каби жиҳатларни инobatга олиш;

— Ҳарбий хизматчи оиласининг маънавий жиҳатдан соғлом, аҳил, тотув яшаши, болалар тарбияси, бўш вақтни кўнгилли ўтказиши учун етарли даражада ёрдам кўрсатиш.

Ҳарбий оиласининг барқарорлиги учун укта омил муҳим ҳисобланади:

— Биринчидан, эр ва хотиннинг шахсияти, яъни уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва оилада олган тарбияси;

— Иккинчидан, оила қуришгача улар ўртасидаги танишлик муддатининг давомийлиги;

— Учинчидан, биргаликда ҳаёт кечиришда юзага келадиган оилавий ҳаётни шакллантириш, манфаатлар, истак-хоҳишлар, мақсадларнинг мослиги, бир-бирининг фикрини

қабул қила олиши, муросяо мадора ва оилавий фаолиятнинг бошқа кўрсаткичлари.

Ҳарбийлар оиласининг шаклланишида ота уйдаги урф-одатлар ҳам катта таъсир кучига эгадир. Агарда фарзандлар хўжалик ишларининг отоналари ўртасида ҳаққоний бўлинганини кўрсалар, ушбу тартибни ўзларининг оилаларига ҳам кўчирадилар. Бу эса оилавий ҳаёт сабоғини олишда катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда оилаларнинг соғлом ва барқарорлиги, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу бевосита ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳам тааллуқли бўлиб, уларнинг ватан ҳимояси йўлидаги сафарбарлиги, жанговар шайлигини оширишда бундан сўнг ҳам муҳим омил бўлиб қолаверади.

Ш. АБДУМАННОНОВ





«Муғаннийнома»нинг кичик лирик жанр эканлиги, унда муаллиф ўз аҳволи, руҳияти, чеккан изтироблари, армон-ўкинчларини ид-рок қилиши ва мусиқадан, куй-қўшиқлардан дилидаги тугёнларига осудалик топмоқчи бўлганлиги борасида адабиётшунос олима Суюма Фаниева ўзининг «Шарқ мумтоз адабиётида муғаннийномалар» мақоласида батафсил баён этган.

Шу нарса аён бўладики, муғаннийнома бошқа нома жанрларидан фарқли ўлароқ муаллифнинг ички туйғу ва изтироблари хусусида ёзилади ҳамда муғаннийдан ўз ҳолига ҳамдардлик, руҳий ёрдам сўрайди.

Муғанний ўзи ким? Шоир нима учун ундан кўмак кутган? «Муғанний» сўзи арабча сўз бўлиб, маъноси куйламоқ, куйловчи демакдир. Шарқ мумтоз адабиётида муғаннийнома жанрининг асосчиси ҳисобланган Низомий Ганжавий «Хамса»сининг охириги достони «Искандарнома»нинг 1-қисми — «Шарафнома»да соқийномалар, 2-қисми — «Иқболнома»да эса муғаннийномаларнинг учраши ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Ҳазрат Алишер Навоий «Хамса»сининг «Садди Искандарий» достонида бу жанр кенг кўламда ўз ифодасини топганини кўриш мумкин. Достонда муғаннийномаларнинг сони 26 тадир. Муғаннийномалар достондаги фасл-қисмларни англашга ёрдам бериши билан бирга, шоирнинг армон, дард, ҳис-туйғулари ҳақида ҳам маълумот беради. Навоий, асосан, ҳар бир фасл якунида адабиёт анъанасида мавжуд бўлган уч жанрни уйғунликда зикр этган, яъни улар соқийнома, муғанний-

Муғаннийнома

нома ва мақтаъ байтлари.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир жанр ўзига хослик нуқтаи назаридан алоҳида бўлиши билан бирга, бутун фаслнинг таркибий қисмлари яхлитлигини таъминлаб беради. Бундан ташқари, жанрлар бир-бирига боғланган, бир-бирини бойитган. Навоий бу жанрлар вазифасини — Шашмақомдаги супоришларга ўхшатиб белгилаган.

Супориш — топшириш деган маънони бил-



Лайло АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси
талабаси

дириб, Шашмақом ашула бўлимидаги бир шўъба ашула ҳаракатини иккинчи шўъбага топширади, яъни «Садди Искандарий»даги Навоий муғаннийномалари бир қисмдан бошқа қисмга ўтиш вазифасини бажаргани сингари супоришлар ҳам бир шўъбадан бошқа шўъбага, Сарахбор тароналаридан Талқинларга, Талқин тароналаридан Насрларга ва улардан Уфорларга ўтувчи восита ўрнини эгаллайди. Шунингдек, Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар» илмий-назарий тадқиқотида супоришларнинг хулосалаш вазифаси ҳам кўрсатилган. Бирор шўъба тароналарининг охирида келувчи супоришлар мусиқа мавзусига хулоса ясайди.

Фаслда баён этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда муғаннийга мурожаат этилиши «Садди Искандарий»да шоир муғаннийномалардан ўринли ва жуда чиройли фойдаланганлигини намоён этади.

Муғанний, бу шоҳларки чектим тироз,
Алар ёдига нағма чек дилнавоз —
Ки, нағманг била бир қадаҳ нўш этай,
Даме нуктадин тилни нохуш этай.

Муғанний, мен тасвирлаган шоҳларни ёд этиб, бир дилнавоз нағма куйла. Ўша нағманг билан бир қадаҳ кўтарай-да, бир нафас сўзлашдан тилмни тияй. Мазкур бобда Навоий шоҳлар ҳақида ёзганлиги боис, хулосада муғаннийдан шу шоҳларни ёд этишини сўрайди.

Муғанний, бугун нағмаи чанг туз,
Вале навҳа соз айлаб оҳанг туз,
Ки дардимга тортиб фиғон йиғлайин,
Даме, ўйлаким, шиша қон йиғлайин.

Муғанний, бугун чанг оҳангини чал. Лекин бу куйингга йиғини жўр эт. Мен ўз дардимга фиғон тортиб йиғлайин.

Чанг чолғуси Навоий асарларида келтирилган мусиқий чолғуларнинг етакчиси экани муболаға эмас. Хусусан, «Маҳбуб ул-қулуб»да «чанг зорлиғ била бўғзин тортар» деб чанг-

нинг оҳангини зорланиш ноласига менгзайди. Навоий мазкур муғаннийномада ҳам чангдан таралган навога йиғини жўр қилмоқчи.

Муғанний суруде чек андоқ баланд,
Ки тушсун сипехр аҳлига дилписанд!
Унинг савтини олий овоза эт,
Сўз овозасин кўнглума тоза эт!

Маъноси: Эй муғанний, шундай баланд авж билан куйлагинки, бу куйдан осмон фаришталари ҳам қувонсин. Куйингнинг савти ҳам шундай авжда бўлсинки, қўшиқларинг сўзлари юрагимга жойланиб қолсин.

Бу муғаннийномада авжга урғу берилади. Савтнинг ҳам шундай авжда куйланиши сўралади. Бизга маълум бўлган авжи турк ва зебо пари авжлари савтларда ҳам келади. Савтлар Шашмақом ашула йўлининг 2-гурух шўъбаларига тегишли бўлса-да, XV асрда бу атама кўпроқ мусиқий товуш маъносида қўлланилган.

Муғаннийномаларни ўзида мужассам этган газаллар ҳам бўлиб, уларнинг бир неча намуналарини Навоий «Хазойин ул-маоний»сида мутолаа қилиш мумкин. Улар чордевоннинг илк девонида 3 та, «Наводир уш-шабоб» ва «Бадоеъ ул-васат»да 4 та, «Фавойид ул-кибар»да 7 та бўлиб, бошқа девонлар «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя»да ҳам учратиш мумкин бўлган намуналар шу жумладандир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Муғаннийномаларда мусиқий иборалар, хусусан мусиқий жанрлар, бастакорлик амаллари, мақомот ва чолғулар номи, улардан таралган куй-оҳанглар жилоси маҳорат билан таърифланади. Бу шоирнинг мусиқа илмини теран англаганлигини билдиради. Муғаннийномаларнинг умумий жиҳатларидан яна бири уларда мусиқага оид атама ва ибораларнинг қўлланганлигидир.

Муғаннийнома жанри ранг-баранг лирик-шеърий жанрлар орасида ҳаётга яқинлиги, воқеа-ҳодисаларни ёрқин акс эттириши ва энг асосийси, инсоннинг ички туйғулари билан боғлиқлиги учун ҳам бошқа жанрлардан фарқланади. Муғаннийномалар орқали ўша давр мусиқа тили, моҳияти, ижролари, бастакорлик амалларию мусиқий жанрлар ва чолғулари ҳақида илмий хулосаларга эга бўлиш мумкин.



Бугунги кунда туризм бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларида тезкорлик билан ривожланаётган тармоққа айланиб бормоқда.

Туризм — иқтисодиётнинг алоҳида ва муҳим тармоғигина эмас, балки ташқи муносабатларнинг ҳар томонлама ривожланишига, яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилишига, халқлар маданияти, анъаналари, кўникмалари ҳамда урф-одатлари билан кенг қўламда танишишга қўмаклашади.

Шунингдек, туризм жаҳондаги энг кўп фойда келтирувчи бизнес тармоқларидан ҳисобланади. Сўнгги йилларда унинг улушига жаҳондаги товарлар ва хизматлар савдосининг 10 % тўғри келмоқдаки, нефт, нефт маҳсулотлари ва автомобиль экспортдан кейинги учинчи ўринни эгалламоқда.

Ўзбекистон — халқаро ва минтақавий туризмни ривожлантириш учун зарур барча ресурсларга, салоҳиятга ва улкан имкониятларга эга. Бундай салоҳиятни юзага чиқариш, ундан оқилона фойдаланиш истиқлол йилларида Президентимиз бошчилигида олиб борилган ислоҳотлар, ўзгаришлар марказида турди. Аввало, юртимизнинг бетакрор табиати, тарихий меросини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш чоралари кўрилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон, Тошкент шаҳарларининг юбилей-саналари кенг нишонланди, тамаддун тараққий-

сига мислсиз ҳисса қўшган кўплаб алломаларимиз номлари тикланди.


Миллатимиз туризм индустриясини ривожлантириш жуда ҳам муҳимлигини инobatга олиб, Президент Ислом Каримов жуда муҳим ҳужжатларни, жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Буюк Ипак йўлини қайта тиклашдаги иштирокини фаоллаштириш, республикада халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмаси яратиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини имзолади. 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Туризм тўғрисида»ги Қонун бугун мамлакатимизда туризмни тубдан ислоҳ қилиш, соҳага замонавий бозор тенденцияларини жалб этиш, кадрлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосини таъминлади. Бу Қонун республикада зарур инфратузилманинг кенг тармоғига эга бўлган қудратли туризм индустриясини вужудга келтиришда янги истиқбол ва имкониятларни яратди.

Республикада туризм ҳақида гап кетганда, энг аввало, бутун жаҳонни ҳайратга солувчи осори-атиқалар жамланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари тарихий ва меъморий ёдгорликларга бой қадимий шаҳарлар кўз ўнгимизга келади. Бироқ Навой вилоятининг халқаро туризм индустриясини ривожлантиришдаги имкониятлари ҳам мазкур та-

рихий шаҳарларимизниқидан қолишмаслигини қуйидагиларда кўришимиз мумкин.

Биринчидан, Навоий вилоятининг яқин-узоқ жойларида тарихий ва маданий ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари кўп. Навоий вилоятида 339 археология, архитектура ва санъат ёдгорликлари рўйхатга олинган. Шулардан 38 таси Республика ёдгорликлари рўйхатига киритилган, 30 таси маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ёдгорликлардир. Жумладан, Навоий шаҳридан 40 чақирим нарида Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой табиий тарихий ёдгорлигидир. 1958 йили А.Муҳаммаджонов томонидан топилган бўлиб, 1966 йилдан ҳозиргача дастлаб, М.Қосимов, Т.Мирсоатов, Н.Тошкентбоев, кейинроқ Ж.Кабиров, 1993 йилдан ҳозирга қадар М.Хўжаназаров раҳбарлигидаги гуруҳ ўрганмоқда ва асосий натижаларнинг махсус асарлар сифатида нашр қилинишига эришдилар. Сармишсой дараси қоятошларига 4 мингга яқин расмлар ишланган бўлиб, қадимги аجدодларимиз яратиб қолдирган ажойиб, бетакрор санъат, маънавий маданият ёдгорлиги ҳисобланади. Бугун «Зангори осмон остидаги музей» таърифини олган Сармишсой табиий тарихий ёдгорлиги сайёҳларнинг сеvimли масканига айланган.

Иккинчидан, Навоий вилоятининг мамлакатимиз харитасида жойлашуви ҳам ўзига хосдир. У Ўзбекистон худудининг қоқ ўртасида, марказий қисмида жойлашган. Вилоятнинг катта қисмини Қизилқум эгаллаган. Қадимдан бу воҳа жонсиз ва жазирама чўллар ўртасида Аллоҳ яратган йўлак бўлиб, Шарқ ва Ғарбнинг мулоқоти, халқлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, уларнинг маънавий-ғоявий узвийлигини боғлаш учун хизмат қилган. Ўтмишда бу воҳадан Буюк Ипак йўли ўтган. Бу йўлда Шарқнинг энг гўзал шаҳарлари Бухоро ва Самарқанд жойлашган. Кармана бу икки мафтункор шаҳарларни боғловчи вазифани бажарган. Буюк Ипак йўли шаҳарнинг жануби-шарқий томонидан бошланиб, унинг жануби-ғарбий томонидан ўтиб кетган. Шу-



нинг учун ҳам, Кармана ўша давр йирик савдо марказларидан бири бўлган. ЮНЕСКОнинг қарори билан юздан ортиқ мамлакат вакиллари иштирокида 1990 йил сентябрь ойида қадимги Ипак йўли бўйича ўтказилган туристик маршрутга Кармана шаҳри ҳам киритилиб, тадбир қатнашчилари Карманда бўлиб, унинг тарихи билан танишишган. Карманда Мир Саид Баҳром мақбараси (XI аср), Работи Малик карвонсаройи ва сардобаси (XI аср), Қосим Шайх мажмуаси (XVI аср) каби меъморий ёдгорликлар мавжуд. Работи Малик Марказий Осиёдаги энг қадимги монументал архитектура ёдгорлиги ҳисобланади. Работи Малик карвонсаройи Карманадан 18 км. ғарбда жойлашган бўлиб, карвонсаройдан ташқари, атроф ва чегарани кўриқлаш истехкоми вазифаларини ҳам бажарган. Шунингдек, Кармана ва Тавоис ўртасида Буюк Ипак йўлидан ўтувчи йўловчилар учун муҳим ва зарурий қўналга хизматини адо этган. Ушбу карвонсаройни 1069-1079 йиллар орасида Бухорода ҳукмронлик қилган султонлардан Тамғачхон Иброҳимнинг ўғли Шамсулмулк Носир ибн Иброҳим қурдирган. Мир Саид Баҳром мақбараси Кармананинг марказига яқин жойлашган. Мақбара X-XI асрга хос бўлиб, Бухорога хос услубда қурилган. Ўзбекистондаги энг нодир қурилиш иншоотларидан бири Қосим Шайх меъморчилик мажмуасидир. Унинг таркибига Қосим Шайх хонақоси, дахма, зиёратхона ва Бухоро амири Абдулаҳадхон қабри киради.

Учинчидан, Навоий вилоятидаги энг катта сув ҳавзаси Ҳайдаркўлдир.


Ўзининг бетакрор табиати, шаффоф суви, ўсимлик, ҳайвонот ва ортафаунаси Ҳайдаркўл Қизилқумнинг гўзал «жавоҳири» номини олишига тўла асос бўла олади. Ҳайдаркўл табиати туризми (экотуризм) ривожлантириш учун жуда қулайдир.

Тўртинчидан, табиатнинг такрорланмас мўъжизаси, тарихимизнинг ёдгорлиги — Чашма суви, унинг балиқлари, Чашма атрофидаги меъморий обидалар бу ерга келган кишиларни қизиқтириб келмоқда. Нуротага кела-



ётган зиёратчиларнинг энг кўп ташриф буюрадиган жойи «Чашма» меъморий мажмуаси бўлиб, кўп асрлик тарихга эга улуғвор маскан. Олимларимиздан Я.Фуломов ва А.Асқаровларнинг ёзишларича, «Чашма» соҳилидаги маданий қатлам ёши 40 минг йилга тенг. Илмий изланишлар натижасида «Чашма» сувининг таркибида хлор, сульфат, калий, кальций, магний, кремний, карбонат ангидрид каби шифобахш моддалар ҳамда қатор микроэлементлар мавжудлиги аниқланган. Нурота «Чашма» булоғидан секундига 360-400 литр сифимда сув чиқади. «Чашма» суви тиниқ, тозалиги, шифобахш микроэлементларга бойлиги, ҳароратнинг қишин-ёзин +19⁰ даража бўлиши ва сувнинг жуда юмшоқлиги билан жаҳонда ягонадир. Чашма сувида, асосан, ширмоҳи — илмий тилда маринка балигининг яшаши ҳам сувнинг ўта тозалигидан далолатдир.

Бешинчидан, мамлакатимизда дунёга машҳур ва хорижий саёҳатчиларни жалб қилувчи қадимий шаҳарлар, тарихий ёдгорликлари билан бир қаторда экотуризм учун лозим бетакрор гўзал табиат, ландшафт мавжуд. Қизилқум битмас-туганмас ер ости ва ер усти бойликларига эга. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Менделеев жадвалидаги барча элементлар бу ерда мавжуд.



Қизилқумнинг ёввойи табиати, чўл гўзаллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси сайёҳларнинг қизиқишларига сабаб бўлмоқда.

Олтинчидан, миллий урф-одатлар, фольклор қўшиқлари, кўпқари ўйинлар каби маданий мероснинг бойлиги туризмни ривожлантиришга омил бўла олади.

Еттинчидан, замонавий шаҳарсозлик намунаси бўлган Навоий шаҳри кўҳна Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари оралиғида жойлашганлиги ва булар каби бошқа (Синтоп, Сангжумон, Лангар тоғи ва ҳ.к.) ажойиб, диқ-

қатга сазовор жойлари борлиги Навоий вилоятида туризмни ривожлантириш имкониятлари юқори эканлигидан далолатдир.

Бугун Республикаимизнинг бу ҳудудида туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Навоий вилоятида вилоят саёҳат ва экскурсиялар бюроси ва «Янгиғазгон» хусусий фирмаси ҳамда «Спутник-Навоий» қўшма корхонаси туризм соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда туризмни ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга ошириляпти. 16 хил туристик маршрут 3 турда ишлаб чиқилиб, республикадаги барча туристик ташкилотларга тарқатилган. Вилоят туристик харитаси тузилган. Интернет имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Туристтик маршрутлар, тарихий обидалар интернетга киритилган. Мазкур жойлар ҳақида яратилган фильмлар, видеокассеталар, дисклар мавжуд.

Ҳайдарқўл яқинидаги Янгиғазгон ва Дўнғалак қишлоқларида 3 та туристик база мавжуд бўлиб, ҳар бири бир йўла 50 нафар сайёҳ қабул қилиш имконига эга.

Конимех тумани «Сарибел» ширкат хўжалигидаги вилоят саёҳат ва экскурсиялар бюросига қарашли «Сафари» туристик базаси, «Янгиғазгон», «Спутник-Навоий» туристик базаларида урф-одатлар, фольклор қўшиқлари намойиши ташкил этилган. Ҳар йили Конимех, Кармана, Нурота туманларида туристларни жалб этган кўпқари халқ ўйинлари ўтказилади.

Вилоятда маҳаллий туризмни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, сайёҳларнинг республикаимизнинг Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларига саёҳат қилишлари кенг йўлга қўйилган.

Аммо вилоятда мавжуд ресурслардан ҳар доим ҳам самарали фойдаланишга эришиляпти деб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини инобатга олиб, тегишли инфратузилма барпо этиш масаласига жиддий ёндашиш лозим. Чунки Навоий вилояти туризм учун ҳақиқий манба. Шу маънода туризм инфратузилмасини шакллантириш, соҳа кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, вилоятдаги тарихий обидалар жойлашган туманларда, экотуризм учун аҳамиятга эга бўлган ҳудудларда замонавий кемпинглар барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Умид НАЗРУЛЛАЕВ,
НавДПИ аспиранти

САЛОМЛАШИШ

ОДОБИ

*Салом Аллоҳнинг исмларидан биридир.
Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар.
Ўрталарингизда саломни ёйингиз.
(ҳадис)*

Маълумки, кишилар ўртасидаги ҳар қандай мулоқот, энг аввало, саломлашишдан бошланади. “Ассалому алайкум” арабча сўз бўлиб, “Сизга саломатлик, хотиржамлик тилайман” деган маънони англатади. Саломни қабул қилувчи “Ва алайкум ас-салом” — “Сизга ҳам саломатлик, хотиржамлик тилайман” деб жавоб қайтаради. “Салом” парвардигори Оламнинг исмларидан биридир. Демак, саломлашишнинг аҳамияти ниҳоятда улуг.

Биз ўзбекларда саломлашишнинг ўзига хос усули, яъни ўнг қўлни чап кўксига теккизиб, сал тавозе билан бироз гавдани эгиб хўшлашиш одат, аниқроғи одат эди...

Хўш энди-чи?

Ҳозирги пайтда саломлашиш, кўришишнинг миллатимиз маънавияти, урф-одатимиз талабларига мос келмайдиган турлари “бемаза қовуннинг уруғи” дан ҳам кўпайиб кетди.

Эсимда, бир йили “Муштум” журналида академик шоиримиз Фафур Фулом салом беришнинг миллатимиз учун турли номақ-

бул кўринишларини ҳажв остига олган, ул зотнинг мақоласида келтирилган саломлашишнинг турли кўринишларига мўйқалам устаси Л.Абдуллаев ҳажвий суратлар чизганди. Фафур Фулом саломнинг “кўкрак салом”, “қорин салом”, “кўричак салом” каби турлари пайдо бўлганини ҳажв қилганди.

Кўпгина миллатлар, жумладан, ўзбекларда ҳам урф бўлган қўл бериб саломлашиш XVI асрда Англияда пайдо бўлгани ҳақида қараш мавжуд. Унга кўра, инсоният тарихида кишилар қабила-қабила бўлиб яшар ҳаёт учун мунтазам жангу жадаллар ичра бўлганлари боис қўлларида доимо қурол бўлган. Бироқ кейинроқ кишилар ўртасида янги муносабатларнинг ўрнатилиши натижасида бир-бирларининг ҳузурига яхши ният билан келганликларини билдириш учун қўлида қуроли йўқлигини кўрсатиб, қулочларини катта ёзиш усулини ўйлаб топганлар. Бу ҳол кейинчалик саломлашиш, кўришишнинг усули сифатида қабул қилинган.

Шуни қайд этиш лозимки, қўл бериб саломлашиш одати XVI асрда Англияда эмас, бундан минг йиллар аввал Шарқда пайдо бўлганлигига муборак ҳадислар гувоҳлик беради: “Бир-бирингизга хайр-эҳсонли, меҳроқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғулу-ғашлик кетади”.

Бизнинг она диёримиз Ўзбекистонда саломлашиш, кўришишнинг баъзи кўринишлари маънавиятимиз, урф-одатларимиз талабларига мос келмаслигига қарамай, халқимиз ўртасида кенг ёйилиб кетгани афсусланарлидир.

Агар журналхонларимизнинг ёдларида бўлса, тоталитар тузум даврида “Ассалому алайкум” ибораси диний маънодаги ибора сифатида эътироф этилиб, “брак” қилинган ва оммавий аҳборот воситаларида унинг ўрнига “Салом” сўзи қўлланилиб, радио ва телевидениеда суҳандонлар “Салом, ҳурматли радиотингловчилар, телетомошабинлар” дейишса, газета ва бошқа ёзма аҳборот воситаларида “Са-

лом, 1 Май” қабилидаги иборалар ишлатилар эди.

XX асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларига келиб, турмушимизга саломлашишнинг биз ўзбеклар учун ёт бўлган шакли — ўпишиб кўришиш кириб келди ва тезлик билан халқимиз орасида урфга айланиб кетди.

Бу юқумли, зарарли, шахсий гигиена талабларига зид бўлган одат ўтган асрнинг 80 — 90-йилларида янада авж олди. Аввал катта ёшдаги эркаклар эркаклар билан, аёллар аёллар билан кўча-кўйда, транспортда ва меҳмондорчиликда ўпишиб саломлашадиган бўлдилар. Дастлаб, бир жинсдагилар, “маданийлаша” борганимиз сари турли жинсдагилар ҳам дуч келган жойда тўртинмасдан, ўпишиб кўришадиган, ўпиб табриклайдиган бўлдилар. Бу ҳам зарурий одат тусига кириб қолди ва у ҳеч кимни ташвишга солмади.

Кейинги йилларда қайнона ва куёв, қайнота ва келин орасида ҳам шарқона шарм-ҳаёдан йироқ, ибосиз ва зарарли одат — ўпишиб кўришиш тарқалиб бораётганига журналхонлар эътиборини жалб қилмоқчи эдик.

Маълумки, ёшлар катталарга тақлид қиладилар. Ўпишиб кўришиш ёшлар ўртасида ҳам расм бўлди. Таажжубланарли жойи шундаки, ёшлар нима учун ўпишиб кўришаётганликларининг маъносига тушуниб ҳам етмайдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кеча бир синф ёки аудиторияда 6-8 соат сабоқ олиб хайрлашган фарзандларимиз эртаси куни бир-бирлари билан қучоқлашиб, ўпишиб саломлашадилар. Гўё куни кеча қандайдир фожеа содир бўлгану улар тасодифан омон қолиб яна юз кўришиб тури-

шибди?! Ўпишиб кўришганда ҳам насроний динининг одати бўйича уч мартадан ўпишиб, саломлашадилар. Кейинги уч-тўрт йил мобайнида ёшларимиз, айниқса, ўқувчи-талабалар саломлашишнинг “янги тури, усули”ни “кашф” этиб, барчани лол қолдирмоқда. Гап шундаки, энди улар саломлашаётганларида худди жангга ҳозирланаётган қўчқорлардек бошини бошига уч мартадан тўқнаштириб, саломлашадилар. Бунинг маъносини ёшлар ҳам, катталар ҳам билишмайди. Саломлашишнинг ёшларимиз “кашф” этган бу “усули”дан ташқари, нафақат қўл, балки оёқларни, елкаларни ҳам уриштириб кўришишдек бизнинг на урф-одатимиз, на маданиятимизга сингмайдиган бегона, бачкана қилиқлар ҳам кўзга ташланиб бораётир.

Саломлашишнинг турли кўринишлари тўғрисида фикр юритар эканмиз, бу борада яна шундай ҳолни ҳам кўп учратганимизни айтиб ўтмоқчимиз. Одатда бирор меҳмондорчилик, гап-гаштакка кечикиб келган киши меҳмонлар ўтирган жойга кириб, узр сўраб, андиша билан “кўрганимиз-кўришганимиз” дегувчи эди. Энди эса, кечикиб келган киши ўтирганларнинг барчаси билан қучоқлашиб, ўпишиб чиқади. Бу пайтда кимдир луқма олаётган, ичаётган бўлсачи? Баъзан тўғридан-тўғри дастурхон устидан қучоқлашиб кўришганларни ҳам учратасиз.

Ўпишиб кўришишнинг маданий-ахлоқий томонидан ташқари, унинг гигиеник, саломатликка зид жиҳати борлигига жамоатчиликнинг, айниқса, ёшларимизнинг эътиборини жалб қилишимиз лозим. Токи, бемор одам ўпишиб кўриша туриб, ўзи-

даги губорни ўзгаларга юқтирмасин!

Ҳозирги кунда ўпишиб кўришиш гўё яқинлик, қадрдонликнинг белгиси, мезонига айланиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Гўё биров билан ўпишиб кўришсангиз, унинг энг яқин кишисисиз. Бир пайтлар “қўл учиди кўришди” деган тушунча бўлар эди. Энди бу тушунча “ўпишиб кўришмади”, деган маънога тенглаштириб қўйилди. Ўйлаймизки, бу борада кенг жамоатчилик ҳушёр ўйлаб кўрадиган вақт етиб келди.

Яна бир мулоҳаза. Кишилари-миз қанчалик билимли бўлиб, маданийлашиб боргани сари аҳолининг айнан шу қатлами орасида ўпишиб кўришадиганлар сони тобора ортиб бормоқда.

Шу ўринда яна бир гап: хориждан мамлакатимизга келаётган ватандошларимизни Тошкент халқаро аэропортида кутиб олиш маросимларини кўп кузатганмиз. Мавқеидан қатъи назар, келган меҳмонлар кутиб олиш учун истиқболга чиққан мезбонлар билан ўпишиб кўришмайдилар. Ҳатто неча йиллик айриликдан кейин ҳам улар юзларини мезбонларнинг юзларига сал теккизиб, тавозе билан саломлашадилар. Шундан ҳам маълум бўладики, биз ўзбеклар орасида азал-азалдан ўпишиб кўришиш расм бўлмаган.

Қиссадан ҳисса, бошқа миллат вакилларида “қарзга” олган ўпишиб кўришишдек зарарли одатни эгаларига қайтариб, ўзимизнинг ўзбекона, ҳаёли саломлашиш, кўришиш шаклига ўтишимиз лозим.

Сиз қандай фикрдасиз, азиз журналхон?

Шавкат ЁҚУБОВ

Журналимизнинг бу галги меҳмони театр, кино, умуман, санъат оламида ўз ўрни, қиёфаси, борингки, «овоз»ига эга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Боир Холмирзаевдир. Тўғриси, аввалида суҳбатимиз қандай кечаркин деган ўй йўқ эмас эди. Бироқ, кейин маълум бўлдики, Боир акадаги ҳақиқий санъаткорларга хос камтарлигу самимият гурунгимизга файз кўшди.

Дарҳақиқат, анчадан бери кенг жамоатчилик назарига тушган ҳамда кейинги пайтларда талайгина ютуқларга эришяётган мазкур санъаткоримиз билан кечган ана шу суҳбатни қуйида Сиз, азиз журналхонларимиз эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

САНЪАТДА ТОБЛАНГАН ИСТЕЪДОД

— *Боир ака, таржимаи ҳолингизга эътибор берилса, ҳеч иккиланмай санъат йўлини танлаган экансиз. Бунинг муайян сабаблари бўлса керак?*

— Ҳа, албатта. Серфарзанд, катта оилада туғилганман, яъни ўнта фарзанд бўлганмиз. Энамиз раҳматли Ёдгор бахши эртақ айтиб берардилар. Айниқса, кечки пайт ётишдан олдин «Тоҳир ва Зухра», «Ёрилтош», «Алпомиш»ларни образга кириб, ёд айтиб берардилар. Кўз ўнгимизда жонли қаҳрамонни гавдалантирардилар. Биз ўнта бола ўзимизча қаҳрамон бўлиб кетардик. Ижобий қаҳрамонга ҳавас қилардик, салбий қаҳрамонга нисбатан нафрат уйғонарди. Ўқиган китобларимдан кўра, энамнинг айтган эртақлари туфайли менда санъатга нисбатан меҳр пайдо бўлган десам, хато бўлмайди.

Шунингдек, қишлоқ табиати ҳам кишига шоирона туйғулар бағишлайди. Қўй боқиб юриб, тоғда қўшиқ куйлаганимизда жаранглаган овоз кишини илҳомлантириб, эҳтиросини жўштирарди. Хуллас, оиламизда азалдан мавжуд бўлган санъаткорона муҳит авлоддан авлодга ўтиб, менда зуҳур этган бўлса, ажаб эмас.

Кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

1978 йилда Фармонқўрғон қишлоғининг Ҳамза номидаги 11-мактабини битириб, Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти «Муסיқали драма



ва комедия» факултетига ўқишга кирганман. Профессор ҳамда Ўзбекистон халқ артистлари Саттор Ярашов, Асад Исмаилов, Саидазим Муродхонов, Сасон Биняминов каби санъат даргаларидан сабоқ олганмиз.

Курс раҳбаримиз Профессор Абдураҳим Сайфидинов домланинг қўлларида ўқидик. Раҳматли домла бизни ўз фарзандларидек кўрардилар. Шунинг учун ҳам баъзан ачитиб, «Яхши актёр бўлсанг, режиссёрга чой ташимайсан, бўлсанг Шукур Бурҳоновдек бўл», — дердилар. Бизни чин санъаткор бўлишга ундаган, қолаверса, ҳаётимизда туб бурилиш ясаган ушбу домламиздан бир умр миннатдор-миз.

1983 йил институтни битириш арафасида Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров сахнадаги чиқишларимни кўриб, «Сен менинг бош қаҳрамонимсан» деб ўзлари раҳбарлик қилаётган Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрга ишга олганлар.

Театрда Ўзбекистон халқ артисти марҳум Ҳамза Умаровнинг назарига тушганман. «Энг кенжа шогирдимсан» дердилар. Раҳматлик устозим Ҳамза Умаровдан кўп нарсаларни ўрганганман.

Шунингдек, Муқимий театрининг пойдевори-ни ўрнатган асосчилардан бири, «Тоҳир ва Зухра» мусиқали драмасида Тоҳир, «Алпомиш»да Алпомиш ролини ўйнаган Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд-жон Фафуровнинг дуоларини олганман.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтсам. Дубляж санъатида устозим Ҳамза Умаровга шогирд тушиб, койисалар ҳам ҳоли-жонларига қўймай, кўп нарсаларни ўрганганман. Маълумки, Ҳамза Умаров дубляж санъатида «Қирол» деган ном олганлар. Бугун санъатда нимага эришган бўлсам, устозларимдан олган сабоқларим туфайли эришганман. Ота-онамдан бошлаб, устозларимгача бўлган инсонларнинг дуосини олганман.

Муқимий театрида ишлаб юрган кунларимнинг бирида профессор Рустам Усмонов келиб қолдилар. Суҳбатимиз давомида катта домла кичик актёр-каминага «Институтга келинг, ассистент бўлиб дарс берасиз» дедилар. «Мен актёрман, кўпроқ амалиётда фаолият кўрсатадиган, ўқитувчи эмасман» десам ҳам қўймай, домла мени институтга, дарс беришга олиб бордилар. Мана 15 йилдан бери Ўзбекистон Давлат санъат

институтида ишлаб келмоқдаман. Мусиқали драма бўйича доцент лавозимида актёрлик маҳоратидан дарс бераман.

— *Театрда «Олтин даврим» мусиқали драматикада Кўчқор, «Мангулик»да Уммат, «Бобуршоҳ»да Бобур, «На малакман, на фаришта»да Маҳмуджон, шунингдек, «Алпомиш»да Алпомиш, «Занжир», «Пари момо» каби қатор фильмларда бош ролни ўйнагансиз, қайси ролингиз сизни кўпроқ қониқтирган?*

— Бугунги кундан ортга қараганда, 10-20 йил олдин ўйнаган ролларимни меъёрига етказолмай ўйнаганман, деган фикрга келганман. Билмадим, тажриба ошган сари балки шундай туйилаётгандир менга. Театрда «Давлат болалари» спектаклидаги етим бола ролим эсимда қолган. Сахнада эканман, томошабинлар орасида бойнинг ўғлидек сипо кийинган бир болага кўзим тушди. Спектакл давомида йиғлаганини кўриб, ҳайрон қолдим. Спектакл тугагач, ёнимга келиб, «Боир ака, сахнада сиз менинг ҳаётимни ўйнаяпсиз», деди. Суҳбатимиздан аён бўлдики, йигит ота-онаси ким эканлигини ҳам билмайди. Қаҳрамоним ҳам худди шундай тақдир эгаси. Спектакл монологидан бир парчани ёддан айтиб берди. Монологда ота-онамнинг қошу кўзи, юзи қанақа экан деб, одамларга ўхшатишга ҳаракат қилинади. Шу нарса менга қаттиқ таъсир қилган.

Яқинда телевизорда намоиш этилган «Куёвлар конкурси» супер комедиясида Қоплонхон, яъни сартарош ролини ўйнадим. Ушбу ролим ўзимга ҳам ёққан.

Ўтқир Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак» спектаклида комик рол ўйнаганман. У ҳам ўзимнинг характеримдаги қаҳрамон. «Бобуршоҳ»да ўйнаган ролим Бобур Мирзонинг ҳам характеридagi кўпгина жиҳатларни ўзимга яқин кўраман.



«Чавандоз» бадий филмидаги Тошмуродпол-вон қалбимдан чуқур жой олган ролим ҳисобланади. Сценарийни Фафур Шермуҳаммедов ҳақиқий ўзбекона дард билан ёзган.

«Занжир» видеофильмида ҳам Баҳром образи орқали таъбимдаги ролни ижро этганман.

— *Санъатингизда энига, бўйига томон тадрижий ўсиш бор, яъни кўп қирралик кўзга ташланади. Театр ҳамда кинода рол ижро этиш, режиссёрлик, радио, дубляжда овоз бериш, бу орада, Ўзбекистон Давлат санъат институтида талабаларга актёрлик маҳоратидан дарс бериш дегандай. Бу ички эҳтиёжми ёки давр талабими?*

— Буни ҳам ички эҳтиёж, ҳам давр талаби десак бўлади. Профессинал актёр ҳамма нарсага улгуриши керак. Масалан, театрда ҳамма вақт ҳам рол ижро этишга тўғри келавермайди. Театрдан кўнглим тўлмаган пайтларда бунинг пайини кинодан оламан. Кинодан кўнглим тўлмаганида дубляж санъатидан завқ оламан. Ундан ҳам кўнглим тўлмаса, радиода ҳикоя ўқийман.

— *Қаерда бўлмай, ижод билан бандман демокчисизда?*

— Ҳа, асосийси ижод. Ранг-баранглик ижодкорнинг билим ва малакасини оширади, ижодини бойитади.

— *Том маънода ўзингизнинг кўнглингиздаги ролни ўйнадим, деб айта оласизми?*


— Йўқ, том маънода миллийликни маромига етказиб ижро этган, ўзбекнинг ҳақиқий характери, қаҳрамонлигини акс эттирган ролимни ҳали ўйнаганим йўқ. Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Темурмалик каби боболаримизнинг ҳақиқий қиёфасини акс эттирган, бўрттирмасдан ютуқлари билан бирга камчиликлари кўрсатилган асарлар яратилиши керак деб ўйлайман.

Санъатда, яъни театр асарларида илгари романтик руҳга кўпроқ эътибор берилган. Эндиликда реализм — давр талаби. Ҳаёт ҳақиқатини безаб-бежашдан кўра қандай бўлса, шундайлигича акс эттириш керак. Ўзимизнинг қаҳрамонлар — Алпомишлар Голливуддаги кинолардан қолишмайди. Фарб кино ташкилотлари ташкилий жиҳатдан, тарғибот ва техник эффектлар эвазига ютуқларга эришмоқдалар. Молиявий жиҳатдан ҳам катта имкониятларга эга...

— *Санъатга анча олдин кириб келганингизни эътиборга олиб сўраяпман, илгариги ва кейинги давр*

театр ҳамда кино соҳасида қандай ўхшаш ёки тафовутли жиҳатлар бор деб ўйлайсиз?

— Илгари уч ой, олти ой меҳнат қилиб, битта спектакл саҳналаштирилган бўлса, ҳозирда ўн беш кун ёки бир ойда саҳнага чиқаришга тўғри келади. Ҳозирги замоннинг зайли бошқа. Кўздан ёшингиз



келиб турган бўлса ҳам, томошабин ишонмайдиган давр бўлди. Бугун қандайдир замонавий эффектлар, техниканинг кучини биринчи планга чиқариш керак, операторнинг маҳоратини ошириш керак деган қарашлар мавжуд. Тўғри, кунимиз талабини эътиборга олмай илож йўқ. Бироқ илгариги тамали бақувват санъатни ҳам унутмаслик керак.

Ҳозирда актёр бўлмаганлар ҳам рол ўйнапти. Актёр бўлмаганлар операторнинг маҳорати билан баъзи натижаларга эришиши мумкин, лекин санъат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳақиқий актёрнинг ижроси бўлакча. Унинг ижросида ҳам ички, ҳам ташқи дунёси акс этади. Ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул. Айтишади-ку «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деб.

Миллий кино ва театрда изланишлар бўлаяпти. Бугун яхши кинолар билан бирга, афсуски, бўшлар ҳам йўқ эмас. Яхши актёрлар молиявий шартлар қўйишади. Режиссёрларимиз қарични кенгроқ олишлари керакка ўхшайди. Ноўрин молиявий тежамкорликни ўйлаб, актёрликдан хабари бўлмаганларни кинога чақиришдан воз кечиш керак. Ёш режиссёрлар Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддиновларнинг олиб бораётган фаолиятларини бу борада ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

— *Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат. Сизга ижодий зафарлар, яхши роллар тилаймиз!*

Суҳбатдош Шермурод СУБҲОН

НАВОИЙ ДАВРИ ЛИБОСЛАРИ

Миниатюра санъати асосида



XV асрда Ҳиротда Ўрта аср Шарқи либослари русумлари яратилди ва унинг таъсири кейинги асрларда ҳам Эрон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва Туркияда сақланиб қолди.

Навоий даврида Ҳирот зодагонлари кийимларини очиқ, ранг-баранг ипаклар билан нақшлаш, қимматбаҳо тошлар, кашталар билан безатиш одат эди. Улар орасида ички кўйлак-иштонлар ўшандай кийимлар сирасига кирган. Кўйлак устидан чапдан ўнгга ўраладиган «каба» деб аталган кийим кийилган. Уни қимматбаҳо матолардан, шойи ва парчалардан тикишган. Кабада бўртма шакллар, олтин суви юритилган зарҳал тикишлар бўлган.

Каба устидан жун, ипак ё газламадан тайёрланган тўн, чакмон кийишган. Унинг елка, орқа ва олдида ўша ҳажмга мос кашталар тикилган. Ўша даврда бош кийимларга алоҳида эътибор берилган.

Чунки бош кийим шахснинг билими, мавқеи, тақводорлиги ва амалдорлигини ҳам билдирган. Газламалардан тикилиб, ҳошияси теридан бўлган кулоҳ, тақя каби бош кийимлар, шунингдек, ҳар хил ўрам, ҳажмдаги ва рангдаги саллалар ўралган. Оддий саллалар пахталик газламалардан, шойи аралашган бўз, ҳам сурплардан тайёрланган. Мартаба, унвон қанчалик юқори бўлса, салла ҳам шунчалик катта ва серҳашам бўлган. Хон ёки Давлат раҳбарларига тантанали равишда олтин тож кийдириш маросимлари бўлган. Махсус боғлагич ва камарбанд билан ишланган алоҳида кийимлар кучлилик ва етукликнинг рамзи бўлган.

Камарбанд — тилла ранг тасма асосан забаржад, лаъл, ёқут ёки феруза каби қимматбаҳо зийнатлар билан безатилган. Шахс мавқеини билдирадиган кийимлар махсус шаҳарлардан келтирилиб, қимматбаҳо газламалардан тайёрланган. Улар жуда юқори — камида 50 тангага баҳоланган. Ўша даврда бу катта миқдордаги пул ҳисобланган.

Ҳиротнинг машҳур мусаввири Маҳмуд Музаҳҳид миниатюрасида Навоийнинг тиззасидан пастга тушиб турган узун чакмони, унинг этагидан чиқиб турган безакдор кабаси тасвирланган. У ўша пайтда одатига кўра, унча катта бўлмаган тўрт ўрамли салла кийган.

Навоийнинг устози, мураббийси Абдураҳмон Жомий Ҳирот жамоаси олдида юқори обрў-эътиборга эга бўлса-да, жуда оддий кийинар эди. Восифийнинг сўзига кўра, у қишин-ёзин кўйлаги устидан юз артадиган белбоғ боғлаган, «ҳожа қалпоғ»и устидан эски бир саллани ўраб юрган. Шунинг учун ҳам айримлар уларга бир хизматкор сифатида қараганлар.

Ҳирот ҳукмдори Султон Ҳусайн кийимга эътиборсиз бўлган, аммо ярашиқли кийинган. Бобур ҳаёт тарихидан маълумки, қизил ва яшил рангдаги ёшларбоп кийимларни яхши кўрган. Беҳзод ми-

ниатюраларида у ҳар доим Пайғамбар алайҳиссалом авлодлари — саййидлар киядиган яшил рангли кўйлак ёки ридода тасвирланган. Бобурнинг ёзишича, ҳайит кунлари у уч бор ўралиб, қуш пати қистирилган саллада ибодатга борган.


Беҳзоднинг машҳур портрет-миниатюрасида Султон Ҳусайн ҳукмдорларга хос чиройли кийимларда, башанг тасвирланган. Ўша давр одадига биноан мусаввирларга ҳукмдорни муносиб бўлмаган кўринишда тасвирлаш ҳуқуқи берилмаган. Бобур Мирзо сўзига кўра, Умар Шайх кийинишда эҳтиёт бўлмас, калта иштон кияр, қорнини ичкарига тортиб юрмаса, иштон боғи узилиб кетарди. У мўғуллар бош кийимида юришни хуш кўрар, фақат тантаналардагина махсус салла ўрар эди. Салла ўраш мураккаб санъат бўлиб, кўпчилик ҳиротликлар уни мухатассис — дасторбандларга ўратиб олардилар.

Ўша даврларда Ҳиротдаги шайх ва пирлар уламолар кийимини кийишар, яъни қора гуллари, энгларининг кенглиги, досторларининг катталиги билан фарқ қилардилар. Шайхлар салласи албатта оқ ва катта бўлиб, у исломга бўлган кучли эътиқод ва поклик рамзи саналган. Салланинг печи елкага ёки ияк остидан ўтказилиб орқага ташлаб қўйилган. Улар кийган тўнлар сидирга бўлган ёки дарахтларнинг қуруқ шоҳлари сингари рамзий тикилган. Тўнлар ранглари кўпинча қорамтир, тўқ кўк гулли, жигарранг, тўқ сариқ, баъзида оҳак ранг бўлган. Сўфий шайхлари кийимининг яна бир фарқи шуки, елкадан ўтказилган шарф (тайласан) кўкракка ўтказилган қисми ип билан боғланган, этаги эса эркин ташлаб қўйилган. Этик ўрнига улар ёғоч сандал кийишган.

Дарвешлар кўпинча маросимлар вақтида берилган хос хирқа кўйлақлар кийиб юришган. Хирқа — сўфийларнинг маросимларида киядиган энгсиз, йиртиқ лаҳтақларидан тикилган махсус кийимидир.

Ўша даврларда аёллар тоза шойи кийимлар билан безаниб, гўзал нигоҳлари билан бошқаларни ўзига ром қилган. Аёллар ҳам эркаклар сингари ички кўйлак, иштон кийишган. Каба (камзул) ва устки кийимларига олтин тугмачалар қадалган. Кўл ва оёқ билан узуклари, ҳалқалар, нозик ишланган турфа сирғалар билан безалган. Ҳовлида уй кийими — камзулларда юришган. Кўчага чиқсалар баргдек энгил, кумуш ранг матолардан тикилган ёпинғичларни бошларига ташлаганлар.

Турмушга чиқмаган қизлар бошларига нозик



тасма — пешонабанд боғлаганлар, ёш аёллар эса тепаси капалак қаноти мисол ҳарир рўмолчалардан тикилган қалқопчалар кийиб юришган. Оёқларида жажжи ва қимматбаҳо этик ёки энгил оёқ кийими бўлган. Аёллар кийими ҳақиқатан ҳам, катта бисот — мулк ҳисобланган.

Ўша давр миниатюраларида ҳунармандлар, усталар, чўпонлар, курашчи полвонлар каби оддий кишиларнинг кийимларини ҳам кўриш мумкин. Британия кутубхонасида сақланаётган Низомий «Хамса»сига Беҳзод ишлаган «Ҳаварнак қалъаси қурилиши» миниатюрасида оддий халқнинг барча кийимлари деярли тўлиқ акс эттирилган.

Ўрта аср шоир ва мусаввирлари ўзи яшаган давр санъати талаблари ва қоидаларини тўлиқ кўрсатиб бера олмаган бўлсалар-да, Навоий, Беҳзод, Бобур каби буюк санъаткорларнинг бадиий асарлари ва тасвирлари, айниқса, улардаги бадиий образлар — ҳар хил тоифадаги инсонлар кийимлари орқали ўша давр ҳаёти билан танишишимизга имкон яратган. Афсуски, ўтмишдаги ҳақиқий маиший турмушимизни етарли даражада билмаслик оқибатида баъзи бир теле кўрсатув ва кинофильмларда ўтмишимиз тарихи мавзусини ёритишда ва ўша давр кишилари кийимларини яратишда кўпол хатоларга йўл қўйилаётганини айтиб ўтишимиз зарур. Бу соҳа мутахассислари тарихий қадриятларимиз, жумладан, либосларимиз ҳақидаги адабиёт ва санъат асарларини синчиклаб ўрганганларида, бундай хато ва камчиликларнинг олди олинган бўлур эди.

Зухра РАҲИМОВА,
Санъатшунос олима



СОҲИР СОЗ УСТАСИ

(Бухоро вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази қошидаги “Тилло нохун” номли мусиқа асбоблари ясовчи ва таъмирловчи халқ студияси бадий раҳбари Каромат Муқимов ҳақида)

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср охирида Бухоро амирлигини бошқарган Амир Аҳадхон “Ожиз” тахаллуси билан газаллар ёзиб ижод қилган. Амир дутор чолғусининг моҳир ижрочиси ҳам бўлган. Амир саройда шоирларни йиғиб мушоиралар уюштирар, ўша даврдаги машҳур хонанда ва созандалар ўртасида беллашувлар уюштириб, ғолибларга совғалар тўхфа қилар, энг моҳир созандага эса тилла нохун ҳада этар экан.

Солномаларда ёзилишича, минтақамиз халқларининг турмуш тарзи ва урф-одатларида миллий созлар алоҳида ўрин тутган.

Дарҳақиқат, миллий мусиқа асбобларимизнинг кўпгина турлари жуда қадимдан шаклланиб, халқ оғзаки ижоди анъаналарини ривожлантириб, бизгача етиб келган. Маълумки созлар орқали ижрочи мусиқий асарга ҳаёт бахш этади. Унинг қўлидаги мусиқа асбоби ижодкор ва тингловчи ўртасида воситачи вазифасини ўтайди. Ижрочи мусиқа асарига жон бағишлаш билан бирга, мазкур мусиқа асбобини яратувчи устани ҳам ҳамиша шарафлайди.

XX аср бошларида кўқонлик усталар Мўминбек ва Ҳайдар, тошкентлик усталар Умарали, Тошбой Султонов, самарқандлик Охунд Бўри, хоразмлик уста, созанда Матюсуф Харратов, тошкентлик хонанда Шораҳим Шоумаров, бухоролик ота-бола уста Маҳмуд ва уста Тоҳирлар томонидан яратилган тор, рубоб, най, доира, танбур ва гижжаклардан ҳозир ҳам ижрочиларнинг мусиқа асбоблари сафида самарали фойдаланилмоқда.

Айни кунда юқорида номлари зикр этилган усталар ишининг фидойи давомчиларидан бири Бухоро вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази қошида фаолият кўрсатаётган “Тилло нохун” номли мусиқа асбобларини ясовчи ва таъмирловчи халқ студияси бадий раҳбари Каромат Муқимовдир.

Каромат Муқимов асли бухоролик бўлиб, 1945 йили Кунжи Қалъа худудидаги Навмаган қишлоғида дурдгор оиласида дунёга келган.

Ёш Каромат мактабда ўқиб юрган кезларида Обид Убайдов номли жамоа хўжалиги клуби қошидаги мусиқа тўғарагига қатнай бошлайди.

Ўрта мактабни тугатгандан сўнг, Каромат Муқимов мазкур жамоа хўжалиги қишлоқ клуби қошида янги ташкил этилган мусиқа тўғарагида раҳбар бўлиб ишлаб бошлади.

1962 йилда Бухоро шаҳридаги мусиқа билим юртига ўқишга кирди. Бу санъат масканида унга афғон рубоби ўқитувчиси Ҳамид Абдуллаев устозлик қилди. 1964–1967 йилларда Армияда хизматда бўлди. Хизматдан сўнг ўқишни давом эттириб, 1970 йилда имтиёзли диплом билан билим юртини тамомлади. Шу йили Тошкент Давлат Консерваториясининг халқ чолғу асбоблари бўлимига ўқишга кирди.

Изланувчан Каромат Муқимов ўқиш билан бирга консерватория қошидаги халқ чолғу асбобларини қайта таъмирлайдиган тажриба лабораторияси усталарига шогирд тушди. Унга лаборатория мудири Ашот Петросян шу ерда қолиб ишлаб, тажриба орттиришни тавсия этади. Ғамхўр устознинг таклифини маъқуллаган лабораториядаги усталар Абдунаби Абдуғафуров ва Хирождин Муҳиддиновлар ёш Кароматга мусиқа асбоблари яшашнинг нозик сирларини қунт билан ўргатдилар.

Мусиқа асбобларини ҳар томонлама таъмирлаш ва яшашнинг тир-асрорини ўрганиб, тажриба тўплаган Каромат Муқимов 1976 йили Бухоро шаҳрига келиб маданият коллежида ёшларга мусиқадан сабоқ бера бошлади.

1980–1983 йиллари Бухоро давлат педагогика институтининг мусиқа факультетида, 1983–1992 йиллари педагогика билим юртида, 1983 йилдан Мухтор Ашрафий номидаги санъат коллежида мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлаб келди.

Албатта, ҳар бир уста ўз касбининг йўқолиб кетмаслиги учун шогирд тайёрлаб қолдиришга ҳаракат қилади. Каромат ака ҳам кўплаб иқтидорли ёшларга устозлик қилганлар. Умаржон, Комилжон, Нуриддинжон, Азимжон, фарзандлари Улугбек ва Отабеклар шулар жумласидандир. Уста Каромат Муқимовнинг шогирдларлари томонидан мустақил равишда тайёрланган ва таъмирланган мусиқа чолғулари мижозлар ва мутахассислар томонидан яхши баҳоланмоқда.

Ҳар бир уста ясайдиган чолғу асбобининг жарангдорлиги ва сифатини ошириш учун бор билими ҳамда кучини ишга солади. Соз яратиш учун хилма-хил ёғочлар, турли-туман хом ашёлар излаб топади.

Лекин бу ишларнинг барчасини амалга ошириш осон эмас. Бунга сабр-тоқат, ирода ҳамда фидойилик керак. Бу фазилятлар устада му-

жассамлигидан бўлса керак, амалга ошираётган ишлари ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Айни пайтда Каромат ака бошқараётган мусиқий чолгуларни ясаш ва таъмирлаш халқ студиясида дутор, тор, рубоб, афгон рубоби, танбур, сато, гижжак каби чолгу асбоблари ясалади ва қайта таъмирланиб, вилоятнинг барча туманларидаги маданият муассасаларига берилади.

Миллий чолгуларни таъмирловчи ва ясовчи уста Каромат Муқимов маданиятимиз равнақи йўлида тинмай меҳнат қилаётган заҳматкашлардандир.

Маълумки, қадимдан мусиқа асбобларини тайёрлашда диёримизда ўсадиган мевали дарахтлардан фойдаланиб келинган. Масалан, ўрик, тут, ёнғоқ каби дарахтлар асосий хом ашё ҳисобланган.

Ўрик дарахти ёғочидан – сурнай даста, бўғиз, илгак, қулоқ ва харрақлар ясалади.

Ёнғоқ дарахти ёғочидан – ўйма

рубоб, танбур, чанг, сурнай, косахона, даста, харрак тайёрлаш мумкин.

Тут дарахти ёғочидан – дутор, танбур, сурнай, косахона, қопқоқ, қулоқ ва харрак тайёрланади.

Каромат Муқимов устахонаси билан танишганимизда унинг иш жовонларида эллик, олтмиш йиллик ўрик, ёнғоқ ва тут дарахтларининг қуритилган бўлаклари тахлаб қўйилган эди.

Янги тайёрланган дутор, тор, рубоб, афгон рубоби, гижжак ва танбурлар қаторида қайта таъмирлаш учун қўйилган мусиқа асбоблари ичида юз йиллик тарихга эга қадимий дутор ҳам бор эди. Уста Каромат ака бу қадимий дутор чолғусини вилоятнинг энг чекка қишлоқларига қилинган илмий экспедиция жараёнида кекса бир отахондан харид этганлигини ва бу чолғуни қайта таъмирлаб, кўргазмага қўйиш ниятида эканлигини айтди.

Уста Каромат Муқимов шо-

гирдлари билан биргаликда тарихий анъаналарни давом эттирган ҳолда самарали ишларни амалга оширмоқдалар. У киши ясаётган мусиқий чолгулар созандалар томонидан ижро этилаётган асарларнинг юқори бадиий савияда намойиш этилишида муҳим омил бўлмоқда. Бу эса уста учун олий бир бахт десак, муболага бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам у кишини таниганлар «Уста Каромат ака» деб мурожаат қиладилар.

Уста Каромат Муқимовнинг миллий мусиқа асбобсозлиги борасидаги кўпқиррали, бой тажрибасини унинг шогирдлари, фарзандлари ва набиралари давом эттирмоқдалар. Биз эса устага мустақкам соғлиқ, ижодий ишларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ,
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази бўлим мудири

Шахсейт фикир

ЖОНЛИ ИЖРО ОҲАНРАБОСИ

Халқ оғзаки ижодиёти инсонларнинг дилидаги гаплардан бунёд бўлган ажойиб санъатки, шу боис ҳам элимиз жуда кўп йиллардан буён уни асраб, ардоқлаб келмоқда. Айниқса, табиатан куй-қўшиққа шинанавда юртимиз одамларининг жонли ижрога бўлган муҳаббати жуда кучли. «Ўзбекистон» телерадиоканали томонидан эфирга узатилаётган «Оҳанрабо» кўрсатуви ҳам жонли ижро, миллий куй-қўшиқларимизни тарғиб қилишда улкан ҳисса қўшяпти. Айни пайтда ушбу кўрсатувни халқимизнинг сеvimли санъаткорлари ҳамда санъат оламига эндигина қадам қўйиб келаётган умидли хонандалар ижросидаги халқ куй-қўшиқларидан, олтин меросимиздан баҳраманд қилишда ҳормай-толмай хизмат қилаётган дастур десак адашмаймиз.

Кўрсатув 2000 йилдан бери «Ўзбекистон» телерадиоканали орқали мунтазам равишда ҳар ҳафтанинг якшанба куни 45 дақиқа давомида эфирга узатилиб келинапти. Кўрсатув бошловчиси ва муаллифи Маглуба Сафарова, режиссёр Ифтихор Раҳимжонов дастурнинг ранг-баранг тарзда, қизиқарли чиқиш рейтинг ҳозир «Оҳанрабо» кўрсатувининг тутган ўрни анча юқори. Бу кўрсатувнинг ютуғи шундаки, у бой меросимиз билан йўғрилган миллийликни ўзида акс эттиради. Дастур тасвирга тушириладиган студия ҳам миллийликни ўзида мужассам этган. Дизайн тузилиши бўйича паллақлар, сўзаналар ва қадимий кўза, жом ва обдста ҳам ўзбекона. Ҳатто студиядаги катта мониторинг экранда ҳам чиройли тасвирларда ўз аксини топади. Бал-

ки шу боис ҳам телетомошабинни 45 дақиқа ичида зериктириб қўймайди, аксинча, ўзига оҳанрабодек тортиб туради.

Киши қандай вазиятда бўлмасин табиийликка интилади. Сир эмаски, кейинги пайтларда фонограммага бўлган эҳтиёж камайиб, жонли овозда ижро этадиган санъаткорларимизга мухлисларнинг ихлоси ошиб бормоқда. Бундай ҳолат нафақат бизнинг халқимизни, балки ўзга миллат ва элат вакиллари ҳам мафтун қилмоқда. Жонли ижро санъатнинг энг сара намуналаридан биридир. Зеро, уни ижро этувчи киши жуда катта маҳорат ва тўғма истеъдодга эга бўлиши керак. Халқимиз олтин меросимиз фонотекасида ўрин олган марҳум санъаткорларимиз Таваккал Қодиров, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Баратов, Отажон Худойшукуров ва Муҳаммаджон Каримов каби жонли ижро соҳиблари томонидан айтилган куй-қўшиқларни ҳанузгача севиб тинглашларининг асл сабаби ҳам шунда.

Зеро, «олтин зангламас, асл айнимас», дейди доно халқимиз. Бугун телеэкранларимизда ёмғирдан кейинги қўзиқорин каби санъат оламига адашиб кириб қолган «хонанда»ларимиз ҳам бисёр. Шундай бир вақтда «Оҳанрабо» кўрсатуви ўзининг миллийлиги, бетакрорлиги билан бошқа дастурлардан ажралиб туради, десак хато бўлмайди.

Дилдора РИЗАЕВА

БАДР ОТА МАНОҚИБИ



Юртимиз азал-азалдан азиз авлиёлар, пиру муршидлар яшаган муборак макондир. Унинг тарихини ўрганар эканмиз, не-не буюк зотлар бу юртда камол топиб илдииз отганлигининг гувоҳи бўламиз.

Тариқат илмининг султони Аҳмад Яссавийнинг издошлари диёримизнинг ҳар бир гўшасида бўлиб, халқ ичида унинг тариқатини тарғиб қилиб, ишларини давом эттирганлар.

Яссавий тариқатининг йирик вакили Занги Отанинг тўрт халифаси ислом оламида маълум ва машҳур бўлиб, улар ҳақида турли манбаларда турлича талқин қилинади. Жумладан, ривоятлардан бирида айтилишича, Сайид ота, Узун Ҳасан ота, Садр ота ва Бадр оталар Бухорои шарифга боришиб, йигирма йил илм таҳсилига машғул бўлганлар. Сўнгра, тўртовлон ўзларига пири комил ахтариб Занги ота ҳузурига борганлар. Занги отадан илми ҳол ва илми қолни ўргангач, у кишининг кўрсатмалари билан сафарга отланганлар. Занги ота уларнинг ҳар бирига биттадан кулоҳ ва асо тутқазганлар. У кишининг кўрсатмаларига асосан қўлларидagi асони ерга урганларида шу асо

қаерда дарахт бўлиб кўкарса, ўша ерни обод қилишлари керак бўлади. Ана шундай ривоятлар замирида яширинган бир ҳақиқат, бу Бадр ота тарихидир.

Бадр ота Занги отанинг тўртинчи халифасидир. Унинг қачон ва қаерда туғилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Тахминларга кўра Бадр ота ҳижрий 681 йилда вафот этган. Бадр ота ҳақидаги маълумотлар бир қанча тарихий манбаларда қайд этилган. Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифийнинг «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» асарида Бадр ота ҳақида шундай маълумот берилади: «Ҳазрати Бадр ота алайҳи роҳмининг баёнидур. Бадр ота ҳазрати Занги ота алайҳи раҳимнинг тўртинчи халифаси эрди. Чунончи, ушбу байт хабар берур. «Боз нисбат туро Занги би хато йофти шудо азиз вақт Бадр ато». Ушбу манбадаги маълумотларга қараганда у кишининг асл исмлари Мавлоно Бадриддиндир. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Насойим ул муҳаббат», Муҳаммад Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи Тоҳир Эшон», «Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома», каби бир қанча асарларда у киши ҳақида маълумотлар берилиб, ўнлаб ривоятлар келтирилган.

Ҳозиргача бизга маълум манбаларнинг деярли барчасида Бадр отанинг қабрлари Тошкент вилоятининг Зангиота туманида Зангиота зиёратгоҳи яқинида, деб кўрсатилган. Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи Тоҳир Эшон» тазкирасидаги «Бадр отанинг муборак қабрлари Миёнкол оролининг Парохин қишлоғидадир. Камина аввал ҳазратнинг қабрларини зиёрат қилдим. Қорача аҳли хўжалари анинг авлодларидир», деган жумла Бадр отанинг қабрлари Зангиота туманида эмас, Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Қорача қишлоғида эканлигидан далолат беради. Ана шу маълумотнинг ҳақиқатга яқинлигини кўрсатувчи яна бир манба бу Абдураззоқ хўжа ибн Абуваҳҳобхўжа томонидан 1861—62 йилларда ёзилган «Китоби байъа» асаридир.

Бадр ота номи билан боғлиқ қабр шу қишлоқдаги Қорача қабристонидея жойлашган. Мақбарага ўрнатилган қабр тошида у зотнинг вафот саналари ҳижрий 681 йил кўрсатилган ва қуйидаги сўзлар битилган: «Бу қабр гуноҳлари кечирилган марҳум — тариқат султони, ҳақиқат бурҳони, сўфийлар улуги, авлиёлар қутби, пайғамбар авлоди, тавозелилар қаймоғи Ҳазрати мавлоно Бадриддин Муҳаммад ал машҳур Бадр ато ва у кишининг оталари Маҳмуд отанинг қабрларидир».

Бадр ота ёдгорлиги кичик мақбара кўринишига эга. Қабр тоши 1929 ва 1979 йилларда таъмирланган. Қабрнинг устига қурилган мақбаранинг ҳозирги кўриниши эса мустақилликдан кейин қайта таъмирланган. Бу ерда катта масжид мавжуд бўлиб, масжиддаги устунлардан биридаги ёзувларнинг гувоҳлигига кўра, унинг қурилиши 1870 йилларнинг сўнгига бориб тақалади. Масжидда Бадр ота номи билан боғлиқ ривоятларда келтирилган Занги ота томонидан Бадр отага инъом этилган асо ҳам сақланади. Асо ёғочдан ясалган бўлиб, унда чорённинг исмлари битилган.

Мақбара ғишт билан таъмирланган. Унинг асл кўриниши сақланмай, фақат қабр тоши ўзининг дастлабки кўринишини сақлаб қолган. Қабр тоши мраммрдан ишланган бўлиб, ундаги ёзув араб ёзуви ва тилида битилган.

Бадр ота масжидида у билан боғлиқ бир қанча ирим-сирим ва маросимлар мавжуд. Ёдгорлик ҳудудида ривоятларда қайд этилган Айнинбу булоғи мавжуд бўлиб, унинг суви шифобахш ҳисобланган. 1964 йилда қабристонни сув босганлиги сабабли булоқ кўмиб ташланган. Бу ерда яна кўк тош мавжуд бўлиб, кўк йўтал касаллигига чалинган болалар ва катталарга шу тошнинг ичига сув солиб, чайиб ичирилган ва улар шифо топишган. Бадр отага Занги ота томонидан берилган асодан ҳам даволовчи восита сифатида фойдаланилган. Бефарзанд аёллар, бели оғриган, юролма қолган кишилар асо воситасида ўз дард-



ларига шифо топишган, деган тушунчалар мавжуд.

Ёдгорлик бугунги кунда қайта таъмирдан чиқарилган. Шифобахш Айнинбу булоғини ҳам қайта таъмирлаш ишлари бошланган.

Бадр ота авлодларидан бири халифа Абдураззоқ хўжа бинни Абдулваҳҳобхўжа қаламига мансуб XIX асрнинг иккинчи ярмида таржима қилинган «Китоби байъа» асари ҳозир Қорача қишлоғидаги Бадр ота масжиди имоми Абдунаим бобо кўлида сақланмоқда. XX асрнинг йирик адабиётшуносларидан бири Абдурауф Фитратнинг Аҳмад Яссавий ҳақидаги мақолаларидан бирида Занги ота муридлари ҳам Яссавий услубида ҳикматлар битган бўлиши мумкин, аммо улар бизгача етиб келмаган деб тахмин қилади ва бу номлар орасида Бадр отани ҳам санаб ўтади.

Ўйлаймизки, азиз авлиёларимиз ҳақидаги янгидан-янги маълумотлар келажакда ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Гулноза САТТОРОВА,
Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти
катта илмий ходими

Мана, неча асрдирким шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур, нафақат “дилбар шахс”ияти, нафис шеърляти билан ҳам дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Қолаверса, саркардалиқдаги улкан салоҳияти қадар шеърлятда ҳам юксак истеъдод соҳибби бўлиши мазкур нодир шахс шоирлигини шоҳлигидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Аксинча, бири иккинчисини тўлдиреди, бойитади.

Бутун ҳаёти жангу жадал майдонларида кечган, гоҳ от устида шамшир ўйнатиб, турфа мамлакатларни забт этган, гоҳ соҳир қалами билан кўнгилларни ишғол этган шоҳ ва шоирни ягона мақсад – буюк бир муддао бирлаштириб турарди. “Юз қирқ йилга ёвуқ Самарқанд пойтахти бизнинг хонаводада эди” дея ҳукмдор теурий аждодлари билан ҳақли равишда фаҳрланган Мирзо Бо-

бурнинг бу буюк муддаоси ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, аввало, “горат ва торож топган” ҳамда “илиқдин кетган мулк” – бобомерос Мовароуннаҳр ва Хуросон салтанатини қайта тиклаб, сўнгра, бир пайтлар бобоқалони соҳибқирон Амир Теумур орзулаган, аммо умри вафо қилмай, армон бўлиб қолган шарқий ҳудудлар эвазига кенгайтириши эди. Бироқ тақдир Мирзо Бобурга иккинчисини, “Ҳинд сори черик тортиши”ни насиб этганди...

Ҳўи, Мирзо Бобур шеърлятининг оҳанрабодек кишини ўзига ром этиб, хотирада бир умр муҳрланиб қолишининг мафтункор сеҳру жозиба сирини мадада? Бизнингча, бунинг бир неча сабаблари бор. Булардан баъзиларига тўхталадиган бўлсак, Мирзо Бобур шеърлятда асосий эътиборни, бошқа бир қатор мумтоз шоирлардан фарқли ўлароқ, имкон қадар, соф туркий тилга қаратади. Шунинг учун ҳам шоирнинг шеърлари худди бугун битилгандек, ўқувчида

ҲАЗАЛЛАР

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдим?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдим?*

*Мени хор эттию қилди муддаийга парварши,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдим?*

*Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,
Энди тиргузмоқ учун меҳри вафоси қолдим?*

*Ошиқ ўлгач кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдим?*

*Эй кўнгул, гар Бобир ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдим?*

*Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.*

*Бу замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.*

*Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимга ҳеч оромижондин яхшилиғ.*

*Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,
Энди кўз тутмоқ не яъни ҳар ямондин яхшилиғ?!*

*Бори элга яхшилиқ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.*

*Яхшилиқ аҳли жаҳонда истама Бобир киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.*

*Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур.
Сенинг бирла чиқишмоқлик доғи бисёр мушкулдур.*

*Мизожинг нозикун сен тунд, мен бир беадаб телба,
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушкулдур.*

*Не осиф нолау фарёд хоб олуд бахтимдин,
Бу унлар бирла чун қилмоқ ани бедор мушкулдур.*

*Манга осондурур бўлса, агар юз минг туман душман,
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушкулдур.*

*Висолинким тиларсен нозини хуш тортқил, Бобир,
Ки олам боғида топмоқ гули бехор мушкулдур.*

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

*Жонимдек ўзга жони дилафгор кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтдор топмадим.*

*Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.*

*Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.*


*Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.*

*Бобир, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.*

илиқ таассурот қолдиради. Шунингдек, адибнинг юксак бадиий маҳоратини инкор этмаган ҳолда, айтиш мумкинки, мазкур шеърлар реал ҳаётини воқеликка асосланади, бошқача айтганда, “ёруғ диёрдин айри” тушган шоирнинг “ўтлуғ” қалб арзи ҳоли — нолаю фиғонларини акс эттиради. Зеро, шоир айтмоқчи:

*Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни.*

Куйида Мирзо Бобур шеърятидан баъзи ижод намуналари ҳавола этилмоқда.



ШОҲ ВА ШОИР

РУБОУЙЛАР

*Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.*

*Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

ТУЮҚЛАР

*Улки ҳар кўзи ғазоли Чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур.
Чунки кўп ёлғон айтти ул манга,
Гар десам ёлғончи они чиндурур.*

*Қадимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум ғаму андуҳ ўтига ёқилди.
Ҳолимни сабога айтиб эрдим, эй гул,
Билмон санга шарҳ қилмади, ё қилди.*

ҚИТЪАЛАР

*Даврон ғами била ситамини унуттурар
Ул сабз чехра ёр хаёли алад-давом.
Ҳижрониди хаёл эта олмон бу турфақим,
Васлида ҳам хаёл агар бўлса барча хом.*

*Муяссар ўлса агар ёр васли гурбатта,
Ватанни не қилаю ўз диёр нега керак?
Йиборди ёр манга ёдгор деб хатини,
Манга ҳабиб керак, ёдгор нега керак?*

ФАРДЛАР

*Хуш ул бурунқи замонларки ўттию борди,
Хуш ул кишики, замонни яхши ўтқарди.*

*Дўстлуқни гар тиларсен, айласанг исбот,
Сухбатингга асру кўп муштоқдурмен бот,
кел,
кел...*

*Сендин айру найлагаймен айшу саҳбо
хушлугин,
Ки сенинг учун тилармен барча дунё
хушлугин.*

*Ул пари рухсори ҳаргиз нотавонлиқ
кўрмасун,
Яхшидур яхши киши, ҳаргиз ямонлиқ
кўрмасун.*

Шермурод СУБҲОН тайёрлади

ИЛМУ АМАЛ ЙЎЛИДА

Бу дунёда бирор кишини билан дейишдан ишончсизроқ гап йўқ. Кўпинча инсон умри давомида биров тугул ўзини ҳам тузукроқ билолмай ўтиб кетади. Шунинг учун ҳам «Мен фалончини яхши биланман», — дейишдан сақланган маъқул. Лекин ҳар бир одамнинг шундай жиҳатлари бўладики, уларга таяниб, унинг табиатидаги етакчи хусусиятларни белгилаш мумкин. Шу маънода мен бугунда қутлуғ ёшини нишонлаётган Пирмат оғанинг табиатида айрим етакчи жиҳатларни бир қадар биланман дея олам.

Гапни оғамизнинг адабиётшунос олим сифатидаги ўзига хослигидан бошлаш тўғри бўлса керак. Мен адабиётшунос Пирмат Шермухаммедовнинг асарларини ўқиб улғайган авлодга мансубман. Биз эндигина адабиётнинг муаммолари билан қизиқа бошлаган кезларимизда Пирмат акалар танқид жабҳасида жавлон ураётган пайтлар эди. Ҳафтада бўлмаса ҳам, ойда бирикки мақоласи чиқиб турар ва биз уларни ютоқиб ўқирдик. Муаллифнинг дадил ва ўзига хос қарашларига, фикр қамровининг кенглигига ҳавас қилардик. Негаки, Пирмат Шермухаммедов ўша вақтлардаги мақолаларида ҳар қандай миллий адабий ҳодисани халқаро бадий контекстда текширар, унинг илмий хулосалари компаративистик қиёслардан келиб чиққан бўларди. Шу тариқа мен ҳали Пирмат оғани Сирдарёда яшаб ва ишлаб турган вақтимдан асарлари орқали таниганман.

Пирмат Шермухаммедов адабиётимиздаги эътиборга лойиқ ҳар бир асар юзасидан фикрини ўз вақтида ва дадил

айта оладиган олимлардан эди. У кишининг тадқиқотларида бадий тасвирнинг табиийлигини таъминлаш, ифодада сунъийликка йўл қўймаслик ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги қайд этиларди. Асқад Мухторнинг «Чинор» романи муносабати билан олим: **«Очил бува дастлаб неварасининг ҳасратларини тинглаётганида инсон сифатида гавдаланган эди. Аммо ёзувчи ундан идеал хислатлар излай бошлаши билан инсоний сифатлари йўқола бошлайди ва у ёзувчининг жарчисига айланиб қолади»**, — деб ёзади. Бу ҳаққоний гапни Пирмат ака шунчаки даъво сифатида айтмайди, балки ўз қарашларини романнинг атрофлича таҳлили ёрдамида асослаб беради. Чинданда, асардаги ўзбек оқсоқолининг табиатидан келиб чиқмайдиган тасвирлар унинг таъсир кучи камайишига сабаб бўлган. Ёзувчининг етовида юрган қахрамонда табиийлик бўлмайди, албатта.

Ёзувчи У.Назаровнинг кўтарилган муаммоси билан ўз даврида кўп шов-шувга сабаб бўлган бир асари ҳақида олим: **«...кишида табиий бир савол туғилади, агар қахрамонлар орасидаги муносабат чиндан ҳам ҳақиқий муҳаббат бўлса, айни муаммоларнинг нима ҳожати бор? Аксинча, шу муаммолар рост бўлса, у ҳолда ҳеч қандай муҳаббат йўқ ва «Кунлар» қиссасининг нима учун ёзилгани ҳам маълум эмас»**, — деган қарашни билдиради ва бадий асарнинг қиммати унда қайси ҳаётий муаммо тасвирлангани билан эмас, балки инсон шахсига доир жиҳатлар қандай акс эттирилгани билан белгилашни лозимлигини кўрсатиб беради. Бу қараш қўл урилмаган му-

аммони тасвирлаш адабиётнинг асосий вазифаси тарзидаги ўша вақтда анча кенг тарқалган тушунчаларга тамомила зид экани билан диққатга моликдир. Олим бу қараш билан адабиёт учун муаммо эмас, одам бирламчи эканини таъкидлайди. Айни вақтда муҳаббатдай муқаддас ва ички туйғуга дахлдор масалалар оммавий муҳокама орқали универсал йўсинда эмас, балки ҳар бир ошиқ-маъшуканинг табиатидан келиб чиққан ҳолда ҳал бўлиши кераклигини Пирмат ака жуда нозик илғайди.

Расмий адабиётшунослик миллий адабиётнинг асосий юмуши типик образлар яратишдан иборатлигини тарғиб этаётган бир вақтда П. Шермухаммедов дадиллик билан: **«Ҳақиқий санъаткор ижодидаги шахс тип ва шу билан бирга тўла шаклланган шахс ҳамдир»**, — деган қарашни илгари суради. Олим бадий асарда индивидуал хусусиятларга эга йўсинда тасвирланмаган адабий образ ҳеч қандай аҳамият касб этмаслигини таъкидлайди. Пирмат ака илмий мақолаларида миллий адабиётимиздаги бадий тимсолларни нозик ҳис қиладиган мутахассис сифатида намоён бўлади. Ёзувчи З.Аъламининг «Айиқча» ҳикоясидаги ҳиссиз бир персонажнинг тутуми ҳақида **«Бу болалигида бола бўлиб яшамаган одамнинг муомаласидир»**, — дея ўта куюнчаклик билан билдирган кўламли фикрида матнни нозик тушуниши, инсон руҳиятини пухта билиши кўзга ташланади.

Кейинги йилларда П. Шермухаммедов ҳужжат билан бадийят қоришиқ келган қатор тарихий асарлар яратаётганлиги кўпчи-

ликни ҳайрон қолдирди. Ҳолбуки, бундай йўналишнинг илди-зи неча ўн йиллар олдин олимнинг адабиётшуносликка доир чиқишларида кўзга ташланган эди. Пирмат ака XX асрнинг 70-йилларида ёзган «**Тарихчи ва ижодкор нигоҳи**» асарида: «**Тарихий мавзуга қўл урган ҳар бир адиб тарихий фактларга суянган ҳолда бадий ҳақиқат яратиш лозимлигини унутмаслиги керак**», — деганлиги эътиборга олинса, унинг тарихий мавзуда қалам тебратишга тайёргарлиги анча аввал бошланганлиги маълум бўлади. Пирмат Шермухаммедовнинг тарихга бағишланган асарлари адабиётимизда тобора камчил бўлиб бораётган ҳужжатли насрнинг қайта тирилишига катта ҳисса қўшаётганлиги билан диққатга сазовордир.

Олим адабий-танқидий мақолаларида ижодкорнинг таланти, бадий диди масаласига алоҳида эътибор беради. У Ё.Шукуровнинг «Капитан» ҳикоясидаги сунъийлик ва зўракилик муносабати билан «**Дидсизлик илди-з отган жойда маҳорат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас**», — деб ёзади. П.Шермухаммедов шу тариқа, адабий ҳалтура кўпинча дидсизлик туфайли юзага келишини ҳеч бир юзхотир қилиб ўтирмай, очик айтади. Олим бадий дид адабий истеъдоднинг дастлабки белгиси эканини назик ифода этади.

Пирмат ака олим сифатида ўз касбдошлари бўлмиш танқидчилар олдига ҳам жиддий талаблар қўяди. У миллий танқидчилик даражаси фаоллик ва ҳозиржавоблик билангина белгиланишига қўшилмайди. Шунинг учун ҳам «...**танқидчининг фаоллиги унинг ўзига хос овози, услуби бўлишини ҳам тақозо қилади. Ваҳоланки, эълон қилинаётган мақола ва тақризлар икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаб қолмоқда**», — деб ёзади. Бундай кескин фикрларни айт-

ганда, Пирмат ака ўттиз бешга ҳам кирмаган йигит эди.

Илмий, публицистик ва бадий асарларида П.Шермухаммедов тегишли мазмунни муносиб шаклда ифода этишга моҳир ижодкор эканлигини кўрсатади. Кўпчилик асарларининг сарлавҳасидаёқ битикларнинг моҳияти намоён бўлади. «Ишонил қийин», «Жонсиз расмлар», «Кичкинтойларнинг катта дунёси», «Ижод дарди», «Рухий олам сеҳргари», «Илмий фаразгина эмас, санъат асари ҳам», «Ёнмасак, рўшнолик қайдадир» каби сарлавҳаларнинг ўзи муаллиф позицияси ва кўтарилган масала моҳиятини ёрқин акс эттириши жиҳатидан характерлидир.



Мана, ўн йилча бўлиб қолди машҳур адиб Муҳаммад Али, таниқли олим Бегали Қосимов сабабли Пирмат ака билан танишибгина қолмай, яқинлашиб, давradoш ҳам бўлиб кетдим. Шу вақт ичидаги бевосита кузатишларим орқасида келган илқинчи тўхтагим шу бўлдики, Пирмат ака бир умр адоқсиз ҳайрат ичида яшайдиган одам экан. У киши кимларнингдир назарида жўн бўлиб туюладиган нарсалардан ҳам астойдил ҳайратлана олади. Ўйимча, айна шу хислат сабаб оғамиз жисмининг бардамлиги, кўнглининг ёшлиги ва ижодга тинимсиз рағбат туйғуларини сақлаб келаётир. Яна бир жиҳати борки, П.Шермухаммедов ҳайратланиш билангина чегараланиб қолмайди. У ўз ҳайратларини бошқалар билан бўлишгиси келади. Ва бу бўлишиш истаги Пирмат ака қаламидан чиққан илмий ёки публицистик мақола, ҳужжатли битик ёхуд соф бадий асар сифатида дунё юзини кўради.

Киши ёнида юрган, тез-тез кўришиб турадиган одамидаги фавқуллода жиҳатларни деярли кўра олмайди. Биз ҳам — шу. Пирмат аканинг сиймосида эз-

гулик йўлида ҳаётини гаровга қўйган ўзбекнинг эр йигитини кўриш ҳаёлимизга ҳам келмайди. Чунки, сиртдан қараганда, у киши ҳам ўзимиз қатори бир одам. Бошқачароқ экани тўғрисида ўзгалар тугул ўзи ҳам ўйлаб кўрмайди. Ҳолбуки, 90-йилларда Пирмат оғамизнинг бошидан машъум воқеа ўтганини биламиз. Унинг адабиётшунослик илмидан бир қадар узоқлашиб кетиши ҳам ўша бахтсизликка боғлиқлигидан хабаримиз бор. Биламиз-у, шундай бўлиши керакдай, унчалик эътибор қилмаймиз. Ана шу эътиборсизлик фидойиликни ҳам, қаҳрамонликни ҳам бир қадар қадрсизлантиради, хиралаштиради. Шу боис П.Шермухаммедовнинг Орол денгизини сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатларига бугун шунчаки бесамар популистик бир юмушдай қарайдиганлар топилиб қолмоқда. Ҳолбуки, Пирмат ака учун Орол атрофидаги ҳаракат ҳаёт-мамот масаласи, фарзандлик бурчи эди. Табиатга меҳр кўргазил, уни асрашга уриниш олимнинг 80-йиллардаги ижоди учун доимий сифат бўлганди. Унинг Тошкент ариқларининг тозаллигини сақлаш борасидаги чуқур илмий таҳлилларга бой ўтли мақолалари кейинги ижтимоий фаолиятига ўзига хос тайёргарлик бўлиши билан биргаликда, бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Асл одам табиатни оёқ ости қилмайди. Чунки табиат — она. Онасини асрамаган боланинг чин фарзандлиги шубҳали. Пирмат ака бир умр ота юрт табиатини асрашга интилиб яшади. Бу йўлда сўзнинг асл маъносида жонини тиккан ҳолатлар ҳам бўлган. Оғанинг ўзи бу ҳақда сира «тиш ёрмайди». Мустақилликнинг илк йилларида муваққат парокандаликдан фойдаланган қандайдир ёвуз кимсалар Орол бўйидаги сайғоқларни аёвсиз қириб ташлаётгани, минглаб жонлиқларни



(Давоми 31-32 бетларда)



Ўзбекистон спорти

23

Жаҳон футбол
майдонларида
тўн сураётган
устўдодли
ёш спортчилмиз
Саҳоб Жўраев



Миллион йилларки, курраи замин чархпалак каби айлангани-айланган. Фасларни фаслар қувиб йиллар ортда қолаётир, асрлар асрларга кўприк вазифасини ўтаётир. Мудом такрорланаётган шу вақт мобайнида жонбахи, ҳаётбахи қуёш ўз тафтини сочиб, тўхтамасдан ҳароратга, меҳрмуҳаббатга ташна она тунроқ бағрига чўғ солаверади. Бу ёруғ оламда мудраб ётган ҳужайраларни жунбушга келтириб «жон» ато этади. Қараб-сизки, офтоб нуруни «эмиб», тириклик манбаи — сувга қонган гийёҳ борки, яшашга интилади. Ана шу тугёнлараро ҳаёт давом этаверади.

Инсон ҳам яшар экан, ўзидан маълум из қолдиришни ҳаминша орзу қилди. Маҳмуд Саксоновнинг қарийб бир асрлик умри давомида амалга оширган улкан ишлари, бунёдкорлик меҳнатлари, Ватан учун курашган жанговар йиллари дoston бўлгулик.

Зеро, мустақиллик йилларимизга етиб, унга шукроналар айтаётган кексаларимиз Республикамизда жуда кўп топилади. Маҳмуд отанинг ҳам бугунги кунларимиздан шукроналари чексиз.

70з билан

ЎЗБЕК ЧАМАНИДА БИР «ГУЛИСТОН»

Кечикиб бўлса ҳам яқинда севимли журналимиз «Гулистон»нинг дастлабки 1-сони қўлимга тегиб қолди. Энг ноёб ўйинчоғини қайта топиб олган гўдак мисол қувониб уни варақлай бошладим. Саҳифадан саҳифага бир-биридан кўпроқ маъно-мазмунга йўғрилган варақлар кучоқ очаверди. Журналдаги ҳамма мавзулар долзарб, ҳозиржавоб унга ижтимоий ҳаёт, адабиёт, санъат, чет эл адабиёти ва санъати жилваси мунчоқдай терилиб турибди. Айниқса, лавҳа, мақолалар, сувратлар шундай ихчам, ўрни ўрнида жойлаштирилганки, ўқувчига дид бахш этади. «Гулистон»нинг ўтган аср олтмишинчи йилларидан хасос муштарийси бўлганим учун ниҳоят қувондим.

Мавзулар, лавҳа, мақолаларни бирма-бир санаб ўтиш ниятим йўқ. Ҳаммаси завқ-шавқ билан

ўқиб чиқилди ва қалбда ижодкор укаларимизга бадиий ижодиёт йўлидан яна дадил олға қадам ташлайверинг, дегим келиб қолди. Яна узоқдан ўзимни ўйлантириб келаётган она қишлоқ ҳақидаги афсонамамо лавҳамни кўшиб жўнатиш истаги туғилди.

МАНОҚ

Бизнинг қадрдон иссиқ гўшамиз тарихий манбаларда Анвар Маноқ қишлоғи деб аталади. Қишлоқ номининг келиб чиқиши ҳам узоқ ва қизиқ тарих.

... Қадим қадимда бир онанинг ёлғиз фарзанди деҳқончилик қилиб кун кечирар экан. Баҳор кунларининг бирида даласига шоли уруғи сепмоқчи бўлибди-ю ярим тунгача далада ушланиб қолибди. Аввал далани яхшилаб текислабди, челларини баландлаб маҳкамлабди. Далага сув қўйиб маданий ўғит ўрнига бўян кўкатларини ўриб, оёқлари билан уларни босқилаб чиқибди. Ой ўроғи тик тепага келганда ҳориб-чарчаб уйига қайтибди.



Суратда: биринчи қатор ўртада Маҳмуд Саксонов укалари билан

юзлашганлар

Онаси ловияли овқат — чункилдак пишириб қўйган экан, уни чакида (куюқ айрон) билан аралаштириб қорнини тўйғизгач, юмшоқ тўшакка чўзилибди.

Тонг саҳар унинг оёғига тепиб турғизибдилар.

— Тур ўрнингдан. Қишлоқдан мол ўғирланган, қиз олиб қочилган. Ярим оқшом палласи сени қишлоқ йўлида кўрган гувоҳлар бор. Тун ярмида қишлоқ йўлида нима қилиб юрган эдинг?

— Ўлимдан хабарим бор, аммо бу кўнгилсизликлардан мутлақо хабарим йўқ. Тўғри, даламга шоли уруғи қадаб, ярим оқшомда қишлоқ йўлидан уйимга қайтганман, — дея зорланибди йигит.

Нозирлар гап-сўзга қулоқ солмабдилар.

— Туш олдимизга, можарони қози калон ойдинлаштиради, — деб йигитни от олдиға солиб Хива томон йўл олибдилар.

Қози калон олдида ҳам йигит ўзини йўқотмабди. — Ўлимдан хабарим бор, аммо бу кўнгилсизликлардан хабарим йўқ. Ман оқман, ман ҳақман.

Орадан кунлар ўтибди. Мол ўғриси, қиз олиб қочган кимсалар ушланибди. Қози калон мулозимларига юзланибди. — Зиндонбанд қилинган Анварни чақиринглар.

Мулозимлар қайси Анвар дея ҳайрон қолибдилар. Шунда қози калон Ман оқ, ман ҳақ Анварни дебди.

Зиндондан чиқарилган афтодаҳол йигит яна дебди: — Мени отасизларми, осасизларми ихтиёрларингиз. Аммо мен худо олдида ҳам, сизнинг олдингизда ҳам оқман, мен ҳақман.

Шунда воқеани кузатиб ўтирган хон Феруз воқеага аралашибди, — Ман оқ, ман ҳақни бошдан оёқ сарупо билан уйига юборинглар!

Шу-шу бегуноҳ йигит оқланибди, Маноқ деган атама шундан қолибди.

Биз учун ниҳоят қадрдон гўша бўлмиш Маноқ Хоразм вилояти Шовот туманининг шимолий чеккаси Чўқли, Қангли, Ижтимоият, Ўзбекистон қишлоқларини ўз-тизимиға олган катта худудир.

Нурмат РАЖАБОВ, журналист

Ёзувчининг маҳорати, энг аввало, образ яратишда яққол намён бўлади. Шундай бадиий асарларни ўқиганмизки, тафсилотлари қизиқ туюлса-да образлар қиёфасини бир-биридан ажратиш қийинчилик туғдиради. Гоҳида эса персонажлар номи тез унутилади. Бинобарин, асар қийматини персонажларнинг акс эттирилган қиёфалари белгилаб берар экан.

Мана, саксон йилдан ошиқ вақт ўтибдики, Абдулла Қодирий қаламига мансуб «Ўткан кунлар» романи ҳеч қадрини йўқотмай, авлодлардан авлодларга мерос бўлиб келмоқда. Бунинг асл сабаби нимада ўзи?

Менимча, асардаги ҳар бир образ ўз характерига, ўз дунёқарашига, ўзининг вазифасига эгаллиги билан эътиборли. Шунингдек, ҳар бир инсон қиёфаси асарда етакчидек, муҳимдек, асар қаҳрамонидек тўлақонли очиб берилганки, ўрни келганда хожасидан рухсатсиз Отабекнинг уйланишига бош-қош бўлган Ҳасаналини ҳам, кундошини заҳарлаган Зайнабни ҳам, чўрткесар, ўктам, иккифёлли Ўзбек оймни ҳам ўқувчи оқлашга, ёқлашга тайёр. Адиб Ўзбек ойм образига таъриф беришни мухтасар қилса-да, асарни ўқиш давомида Ўзбек оймни тўла кашф қила борамиз.

Ўзбек ойм ёзувчи таърифи-ча «... чала-думбул табиатлик бир хотин бўлса ҳам, аммо эрига ўткирлиги билан машҳур эди». У эрини ҳурмат қилади, унинг мавқеидан фахрланади. Қудаси Офтоб ойм билан бўлган суҳбатда бу туйғу янада очилади. Уч йилдан бери уларни йўқлаб келмаганидан оғринади. Гап орасида: «... Ахир маним ҳам ўзимга яраша обрўм бор. Тошкандда кимсан, Юсуфбек ҳожи деган-

ЎЗБЕК ОЙМНИНГ ҒУРУРИ

нинг кўчиман. Худоёрхон ҳам бир кун кечаси келиб бизга меҳмон бўлдилар... Кушбегининг уй ичлари бўлса, бир ишни маним кенгашимсиз қилмайдирлар... Шунча обрў кўрган бир киши келиб-келиб наҳотки ўз қудасидан ва келинидан мунчалик обрўсизлик кўрса...», — дейди.

Бу гаплар шунчаки айтилмаган эди, балки Ўзбек оймнинг ғурури нақадар баланд эканини тасдиқлар эди. Айнан ўша ғурур «марғилонлиқ» келини ўзига душман ҳисоблаб, Зайнабни Юсуфбек ҳожи хонадонига келин сифатида олиб келган эди.

Хонадон бекаси ўгли Отабекни Тошкентнинг гўзал қизларидан бири, ўн етти яшарлик Зайнабга уйлантиради. Бироқ Отабек Марғилонга ошиқишни шунда ҳам канда қилмайди. Ўзбек ойм ўйлай-ўйлай, ўғлимни марғилонликлар сеҳр-жоду қилишган, қабилидаги фикрга келади. Тоқати тоқ бўлиб, Ҳасаналини суҳбатга тортади. Бу суҳбат мобайнида Ўзбек ойм қиёфасининг ноаён қирралари очилади. «... Зайнаб ўша марғилонлиқча бўлмаяпти, дегин?».

Ўзбек ойм, ахир Зайнаб ҳам аёлку, наҳотки Отабекни маҳ-

лиё қилолмаган бўлса, демоқчи бўлади. Инсоннинг руҳий дунёси уни заррача қизиқтирмайди. Кумушни мақтаганида Ҳасаналидан хафа бўлади. Эътирозлари ҳам ғалати: «Гапирма-гапирма, — деди Ўзбек ойм, — бошда шу марғилонлиқ балосига ўзинг сабабчи бўлганмисан, ҳали ҳам ўшанинг томонини олиб сўзлайсан. Сендек соқоли узун, ақли қисқадан кенгаш сўраб ўлтурган мен ҳам аҳмоқ».

Ўзбек ойм ҳаммадан ўзини ақлли ҳисоблайди. Уни гап билан енгиб бўлмайди. Ҳатто баъзида Юсуфбек ҳожига қарши «хужум»га ўтади. Бир гал «Сиз қариб эсингизни еб қолибсиз, ўғлингизни марғилонлиққа топшириб қўйиб, яна эл ичида бошингизни кўтариб юрмакчи бўласизми?» дейди. Бундай гапларга Юсуфбек ҳожи ҳеч нарса демасдан илжайиб қўяверади. Шунингдек, Отабек ҳам онасининг таъналарига парво қилмайди. Чунки улар Ўзбек оймнинг тергашларига кўникиб қолишганди.

Шунча қаҳру ғазабига қарамасдан Ўзбек ойм кўнглида кек сақламайдиган, ичидаги гапни дарров тилига чиқариб совийдиган, юпанадиган аёл эди. Ёзувчи



Ўзбек ойим руҳиятининг туб-тубларида ҳам гурур туйғуси бекиниб ётганини реал тасвирлайди.

Нафақат Тошкент беклигида, балки, Қўқон хонлигида ҳам уста сиёсатчи сифатида танилган Юсуфбек ҳожи хотинининг гурурига таъсир этиш йўллари билар эди. Шунинг учун ҳам қудаларни Тошкентга келиш масаласини тилга чиқариши асносида хотинига ёлгон гапириб гурурини қитиқлайди. «...Отабекни койиб тўхтатқанимдан сўнг сенга кенгаш олмасданоқ қудаларингга бир хат ёзган ва келин болани Тошкентга олиб келишларини сўраган эдим. Ҳайтовур сўзимни ерда қолдирмаган ўхшайдирлар, бу кун қудадан битта жавоб хати олдим. Ақлли кишиларнинг садагаси кетсанг ҳам арзийдир: «Шу чоққача сизларга айттирмасданоқ зиёратларингизга боришимиз керак эди. Хатингизни ўқуб ниҳоятда хижолат чекдик, айниқса, келин болангиз бек ойимга қайси юз билан қарайин, деб юзини юлди. Бу адабсизлигини боргандан сўнг албатта юзига солмаслар, деб ишонамиз», дейдир...» дейди.

Бу гапларни эшитиб Ўзбек ойим анграйиб қолади. «Ҳақи-

қатан ҳам ҳожининг усталиги ўзбек ойимдек думбул табиатлик хотинларни гангитарлик эди» деб ёзади асар муаллифи.

Юсуфбек ҳожи сўзлари нишонга аниқ текканини сезади. Шу боис гапига жавоб кутиб ўтирмасдан «Қайси уйни бўшатдирсак экан?» деб сўрайди.

Абдулла Қодирий Ўзбек ойим характериға хос жиҳатларни моҳирона тасвирлайди: «... уч йиллик адоватлар ва кина-кудуратлар барчаси ҳам аллақаяёққа қараб учиб кетдилар ва уларнинг ўрнини «икки келинлик бўлиш» масаласи келиб олди. Узоқ-яқин хотинларнинг «Ҳой, Ўзбек ойимнинг марғилонлик келини ҳам келибдур, худди тўтининг боласи эмиш. Юринглар, бир кўрайлик», деган сўзлари эшитилгандек бўлди. Шу чоққача Зайнабга ялиниб, ялпоғланиб кун кўриб келган бўлса, мундан сўнг қўша келинни ўзининг оёғлари остида ялиниб юрган ҳолда кўрди».

Ширин хаёллар Ўзбек ойимнинг ақлини банд қилди. Отабек билан юзланганида томдан тараша тушгандай: «Иккаласига ҳам бир пардан кўйлақлик ол — бирини паст, бирини баланд

қилма, бу хотининг бўлганда ул ҳам кўз очиб кўрганинг...», — дейди. Бу гаплар Ўзбек ойим хаёлларининг бевосита давоми эди.

Ўзбек ойим хаёл кўзи билан эрта-индин туғиладиган бир этак невараларини кўрди. Хаёл суриб лаззатланди. Шу боис ҳазил-ҳузил қилиб енгил тортди. Жумладан, у Офтоб ойимга: «Олинг куда, сиз ёшларни қўя беринг, буларни йигит асраса, сиз билан мени томоқ асрайдир» деб даврадагиларни кулдиради.

Кумуш билан Зайнаб ўзларини асрайдиган йигитни бўлишишни истамас эдилар. Шу сабабдан ўзаро кураш авж олади. Кумуш сўз ўйини қилиб Зайнабни «Зайнаб гумбаз» (семизлигига ишора) дейди. Шу зайлда илк кунларданоқ икки кундош зимдан «жанг»га киришадилар. «Жанг» ниҳояси эса фожиали эди: Кумуш ўғил туққан куни Зайнаб берган заҳар туфайли ёруғ дунёни тарк этади. Уйдан ҳайдалган Зайнаб ақлдан озади.

Абдулла Қодирий роман марказига Ўзбек ойим образини қўйган. Эҳтимол, шунинг учундир бу образ бошқа образлардан мукамалроқ чиққан.

Ўтган йиллар мобайнида «Ўткан кунлар» романи ҳақида кўп мақолалар битилди. Адибнинг ашаддий мухлислари орасида бу асарни романтик роман деювчилар кам эмас. Бизнингча, асарда «шафқатсиз реализм» унсурларини ҳам кўриш мумкин. Хуллас, не бўлганда ҳам «Ўтган кунлар»нинг кашф этилмаган қирралари ҳали талайгина бўлиб, улар қодирийшунослар томонидан ўз ечимини кутмоқдадир.

Феруза ҲАМРОЕВА,
Бухоро солиқ коллежи
ўқитувчиси

БАҲОР

Тоғдан оқаётган жилғалар мисол,
Умрим косасида яна бир баҳор.
Кўкламнинг тотига пайваста хаёл,
Қалбимда баҳорнинг соғинчлари бор.

Сарғайган барғларда кузнинг сурати
Сарғайган кўзларга умид бағишлар.
Тўрт фасл борлиқнинг буюк неъматини,
Баҳордан бу кўркем ҳаёт бошланар.

Умрдан қирқ баҳор ўтган бўлса ҳам,
Ҳамон йўлларида кўзларим бедор.
Майсадан ясаган сепларинг билан,
Қалбимга келиндай кирдингми, баҳор?

Йиғлатиб, кулдириб келган дўстмисан,
Қандай меҳрсан айт, қандай сеҳрсан?
Кувончдан қалқиган кўзда ёшмисан,
Ёки сен шоирга қариндошмисан?

Мен сени кутганман кўзларим тиниб,
Изғирин қишлардан сўраган эдим.
Аччиқ қамчиларга кўксимни тутиб,
Мен ахир баҳорни соғиндим, дедим.

Кўз юмган киприкнинг соғинчи бўлиб,
Хуштакли тонгларда тушларга кирдинг.
Ўлкамнинг ранг-баранг гулларин териб,
Ушбу дам, баҳорим, қўлингга тутдим.

Турналар тизгинин юртимга ҳайдаб,
Гулларга безаниб келган баҳорим.
Қаҳратон аёзни қайгадир қулаб,
Илиқлик нафасин берган баҳорим.

Сенинг таърифингга қаламим ожиз,
Сенинг куйларингдан шодланар дутор.
Ўзбекнинг баҳори Заминда ёлғиз,
Фасллар нафиси ўзингсан, баҳор!


СОҒИНЧ

(Қизим Адолатхонга)

Ёз ўтиб куз келди, ташвишлар ила,
Қалбимга соғинчни тоғ билан тенглаб.
Митти вужудингни, суратинг бирла,
Жоним ҳалқасига қўйгум муҳрлаб.

Мунис кўзларингга Қуёш чарақлаб,
Кун бўйи кутишдан чарчагандирсан.
Тунлари ухламай, ненидир излаб,
Балки, эртақларим соғингандирсан.

Шамол силаганда сочинг толасин,
Дадамнинг қўли деб фараз этақол.
Кўмсасанг қалбимнинг меҳр қалъасин,
Жавонда шеърларим ўқиб чиқақол.



Одил ШОМУРОДОВ

Атрофга қарагин — фасли олтин куз,
Жилвакор дарахтнинг барги сарғайган.
Мени тошюрак деб ўйлама ҳаргиз,
Соғинчдан отангнинг кўзи сарғайган.

Туш бўлиб кирайин ширин уйқунгга,
Гўзал тонгларингдан бири отганда.
Ё насиб, шодлик-ла бориб уйимга,
Бағримга босаман яқин кунларда.

АЁЛ

Аёл тавсифи-чун шоир тилидан
Қолган сўз бўлса гар айтайин ўзим.
Олмосдек товланган гулгун юзидан
Жиллар таралса қамашар кўзим.

Қуёшга ўхшатгум аёл Зотини,
Илк бора баҳорий гулларга безаб.
Нақшинкор ҳаётнинг тароватини
Булбуллар етказар аёлга менгзаб.

Сиз кўркем, сиз аъло, оқил ва доно,
Фаришта ўзингиз, гўзал ва маҳуб.
Онамсиз, синглимсиз, ёрим ва ҳатто
Қизгинам Адолат сизларга мансуб.

Бу ҳаёт яйловдир беқиёс узун,
Раҳбару мураббий, сизлар муҳандис,
Меҳрингизда олам жамдир бус-бутун,
Пойингизга тоғлар тиз чўқар шаксиз.

Бошларга тож қилиб қўймоқлик жоиз,
Чунки ардоқдасиз, муқаддас аёл.
Олий фазилатлар ушбу кун сўзсиз,
Эркакни гангитиб қўйса эҳтимол.

Садоқат қалбининг чаман гулзори,
Вафо булоғидан сув ичар доим.
Юзидан чақнаган меҳр булоғи,
Етти қават ерни яшнатар доим.

(Давоми. Боши 22-23 бетларда)

ўлдириб фақат шохини олиб, лошини ташлаб кетаётган жаллодларнинг кимлигини билиб бўлмаётгани ҳақида миш-миш тарқалади. Уларни аниқлаш ва қирғинга чек қўйиш борасидаги ночор уринишлар ҳеч қандай самара бермайди. Энг ёмони, бу ёвузлик кимлар томонидан қилинаётгани ва бунга ким жавобгарлигини аниқлаш имконсиз эди.

1993 йилнинг изғиринли ноябрида тиниб-тинчимас Пирмат аканинг ташаббуси билан Ўрта Осиё республикалари сув хўжалиги ҳамда табиатни асрашга дахлдор вазирлари Орол ва Оролбўйини бевосита кўриб, тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш ва имкони бўлса, сайгоқларга қирғин солаётган кучларни аниқлаш учун қуриётган денгиз бўйига боришади. Оғир чўл йўлида юришга мослашган автоуловда йўлга чиққан юқори мартабали кишилар сайгоқлар сувланадиган кўл бўйига етиб келишади. Сал олдинроқ шу атрофдан сайгоқларнинг тўда-тўда лошлари топилган эди. Кечаси шу ерда тунаб қолишади. Эрталаб вертолёт шовқини ва тинимсиз отилаётган автомат овозидан уйғониб кетишади. Кўлдан сал наридаги қумлоққа икки вертолёт келиб қўнган, улардан тушган ҳарбий кийимдаги кишилар тўда-тўда бўлиб сувлашга келаётган сайгоқларни автомат билан қирар, бир нечаси ўлдирилган жониворларнинг шохларини айириб олиш билан машғул эдилар.

Экспедиция аъзолари бу ваҳшийликни кўриб, олдинга лол қолишди. Сал ўзларига келгач, ҳарбийлар томон отилишиб, улардан бу ёвузликни тўхтатишни талаб қила бошлашди. Кўзлари қонга тўлган ҳарбийлар буларни шунчаки балиқчилар ёки ҳаво олгани чиққан кишилар

бўлса керак деб четта суриб қўйишиб, йўлларингдан қолманглар, акс ҳолда ишларинг чатоқ бўлади деб пўписа қилишди. Пирмат ака ёвузларнинг бошлиғига ўзларининг ҳукумат одамлари эканини, бу ваҳшийликка чек қўйиш учун атай келишганини айтиб, ҳужжатларини кўрсатганидан кейин ҳарбийлар тарадудланиб қолишди.

Жиноятчилар тўдасининг бошлиғи қўли остидагиларга экспедиция аъзоларини битта қўймай ушлашни буюрди. Экспедиция аъзолари хизматчилар билан биргаликда ўн кишидан иборат эди. Уларни бир ерга тўплагач, олдинга бошларидан ошириб автомат бўшатишди. Россия ҳарбий қисмларидан бирига қарашли вертолётларни, ундаги одамларни кўриб таниб қолган гувоҳларни тирик қолдириш мумкин эмасди. Шунинг учун олдинга тониғларни отиб ташламоқчи бўлишди. Лекин бу «тўнка»ларнинг ўз юрти ва унинг табиатини асраш учун ўзларини ўйламай қилган фидойиликларидан ғазаби жунбушга келган бошлиқ буларни ечиб бўлмайдиган қилиб ҳарбийча боғлаб ташлашни буюрди. Токи, бу «чурка»лар ўз юрти табиати қўйнида очлик ва сувсизликдан қийналиб ўлишсин.

Пирмат ака ва шериклари ўн кун мобайнида боши оёқларига тортиб боғлаб ташланган ҳолда қолиб кетишди. Улар қимирлаёлмайдиган, бир-бирига ёрдам беролмайдиган қилиб чандиб ташланган эдилар. Бандилар учтўрт кундан сўнг бирин-кетин ўзларидан кета бошлашди. Асл чўл боласи, қорувли Пирмат ака энг сўнгида ҳушини йўқотди. Бу вақтда шерикларидан бирортасида жон асари сезилмасди. Қўйларини ўтлатиб шу атрофга келиб қолган чўпонлар кўл бўйидаги машиналарнинг неча кундан буён қимирламаётганидан хавотирга тушиб яқинроқ келишади.

Машиналардан сал нарида бир-бирига чандиб ташланган, бир нечаси аллақачон ҳаётдан кўз юмган кишиларга кўзлари тушади ва одамларга хабар қилишади. Экспедиция аъзоларидан бир неча кишининггина ҳаёти сақлаб қолинади. Шундан сўнг Пирмат ака беш йил фалаж бўлиб тўшақда ётиб қолади. Аввало, Яратганнинг меҳрибонлиги, сўнг, табиатидаги тийиқсиз интилувчанлик, умидсизланмаслик туйғулари сабаб Пирмат ака қайта оёққа туради. Бугунги кунда у кишининг адоқсиз азоблар чеккани ва нақ бир ўлимдан қолгани бўйнининг бир қадар тортилиб туришидангина билинади. Ана шу ётиб қолиш П.Шермухаммедовни адабиётшуносликдан бир қадар узоқлаштирди. Негаки, Пирмат ака илм жойида турмайди, ундан беш йил эмас, беш кун узоқлашиш ҳам тиклаб бўлмас йўқотишдир деб ҳисоблайдиган олимлар сирасига киради.

Пирмат оғамизни бошқалардан кескин ажратиб турадиган яна бир жиҳат у кишининг ўта киришимли одам ва ғоят қизиқарли суҳбатдош эканлигидир. Одам бошқалар кўнглидан мавқе-мартабаси билан эмас, балки, биринчи навбатда, инсонлиги билан жой ола билади. Пирмат ака айти шундай одам. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздагина эмас, дунёнинг турли бурчакларида унинг танишу дўстлари кўп. Уларнинг ҳар бири Пирмат акага астойдил интилади. Негаки, оғада одамларни ўзига тортувчи, уларнинг меҳрини уйғотувчи жозиба, ҳарорат бор. Шу боис Пирмат ака Абдулла Қаҳҳорнинг ишончини қозонди, Иззат Султоннинг назарига тушди. Шу сабаб Ч.Айтматов, В.Распутин, А.Нурпеисов, А.Кекилбоев, Ў.Сулаймонов, М.Шохонов каби оламга машҳур кишилар билан яқин муомала-муносабатда бўлиб, умумий ма-

даниятимиз манфаатига хизмат қилиб келди.

Биз 2006 йилнинг кеч кузида адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков билан биргаликда Пирмат ака туғилган юртда бўлдик. Ўша ерда мен оғамизнинг одамлар билан тил топиша олиш маҳоратига тан бердим. У киши оддий деҳқон билан ҳам, чорвачи билан ҳам, руҳоний билан ҳам, сантехник билан ҳам, юртнинг бошлиқлари билан ҳам ҳеч зўриқмай, самимий суҳбатлаша оларди. Одатда, кўпчилик зиёлилар касбдошларидан бошқалар билан тил топишга қийналиб, бегоналар у ёқда турсин, ўз яқинларидан ҳам бегонасираб юришади. Пирмат ака эса ҳар қандай даврага сингишиб кетар, ҳар жойнинг ўз одамига айланар, ўзгаларни диққат билан тинглагани каби ўзинида тинглашларига эришарди. Буни мен тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаровнинг қишлоғи Қамайга бўладиган анъанавий Йилбоши юришларимизда ҳам кўп кузатганман. Қамайликлар, айниқса, Қамаши тумани ва Қашқадарё вилоятининг раҳбарияти ҳаммамиздан, ҳатто, ўз юртдошлари Жуманазар акадан ҳам кўра кўпроқ Пирмат ака билан мулоқотда бўлишга интилишади.

Пирмат оға — ғоят ишчан ва ғайратли одам. У киши бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бараварига бажара олиш қобилиятига эгаллиги билан бизлардан ажралиб туради. У киши билан қатор учрашув ва юришларда бирга бўлганман. Мен ҳамма қатори учрашувга борсам, фақат учрашувга борган бўламан. Пирмат ака эса айтирини айтгач, учрашув авжи қизиган вақтда бир данига йуқ бўлиб қолиши мумкин. Бир пайт кутилмаганда пай-

до бўлиб, қандайдир бошқа бир ишни ҳам битириб келганини айтса, биз ҳайрон қолмайдиган бўлиб кетдик. Бу хусусият унинг ижод қилиш тартибига ҳам ўтган. Бир асар устида ишлаётган пайтда иккинчи асарнинг режасини тузади, учинчисига материал тўплай олади. Нега бунча қаттиқ ишлаши сабабини сўрасак, «Тўшақда ётиб қолиб бой берган йилларимнинг ўрнини қоплашим керак», — дейди устоз.

Табиатидаги ана шу ишчанлик, тиниб-тинчимаслик, уринчоқлик сабаб бўлса керак, Пирмат ака соғлом эркакнинг камбағаллигини тушунгиси келмайди. Эркак одам қашшоқ бўлмаслиги, атрофидагиларга суянчиқ бўлиши, фойдаси тегиши керак деб ҳисоблайди. Камбағал бировга ёрдам беролмайди, ўзи имдодга муҳтож эркак қобилиятини тўла намоен эта олмайди деб билади.

Оғамиз табиатидаги мени ҳайратга соладиган яна бир жиҳат у кишининг яқинлари ва устозларига меҳрибонлик туйғусидир. Устозларидан-ку мунтазам равишда хабар олиб, кўнгил сўраб туришни виждоний бурчи деб билади. Бу — майли. Домла ўзи қатори, ҳатто, шогирд ёхуд ини мақомидаги яқинларидан ҳам хабардор бўлиб туришим керак деб ҳисоблайди. Мен Пирмат оғанинг бир профессор юртдошига доимий тарзда нафақат маънавий, балки моддий ҳам ёрдам бериб юрганидан тузуккина хабардорман. Аммо Пирмат ака ундан асло миннатдорчилик кутмайди. Шундан бўлса керак, юртдош ҳам сира миннатдор бўла қолмайди. Лекин бир томонлама муносабат ҳамон давом этади.

Пирмат ака тиним билмайди, қаттиқ ишлайди. Лекин ҳеч қачон ишни деб одамларни эсидан чиқармайди. У киши биз дав-

радошларига: «Бу дунёда яхши одамларнинг дийдоридан бўлак арзийдиган нима бор ўзи?» — деб савол бериб туради. Чиндан ҳам нима бор? Пирмат ака ёши ҳаммамиздан улуғ, иши баримизникидан кўп бўлишига қарамай, флагман сифатида давранинг майда-чуйда ташвишлари билан ҳеч оғринмай, жиддий шуғулланади. Бизларда эса бундай «майда» ишларга кўпинча вақт топилмайди. Оғамизнинг ибрат олиш лозим бўлган яна бир жиҳати бошлаган ишнинг охирига етказди. Ҳеч қачон, ҳеч бир ишни ярим йўлда қолдирмайди.

Пирмат аканинг табиатида мен кузатган яна бир ажойиб қирра у кишидаги беғараз жонкуярликдир. У киши ўзига бир даражада тегишли бўлган каттаю кичикни асло эсидан чиқармайди. Уларнинг яхши-ёмон кунларида ёнида бўлишни бурчи деб билади. Кимгадир фойдаси тегадиган юмушни ташвишини ўз зиммасига олиб бўлсада, амалга оширишга интилади. Буни мен ўз мисолимда кўрганман. «Ёниқ сўз» деган китобимнинг Сирдарё вилояти ва Тошкентдаги тақдимо-ти айнан Пирмат аканинг ташаббуси ҳамда ташкилотчилиги орасида ўтказилди.


Олов ёнган сари равшан торгани каби Пирмат акамик ҳам тиним билмагани сайин кучга тўлиб, ижодий имкониятлари ортиб бормоқда. Биз даврадошлар етакчимиз сифатида оғани флагман — туғдор деб атаймиз. Муҳтарам флагманимизга оилада ҳам, ижодда ҳам, одамлар орасидаги муносабатларда ҳам яловбардорлик ҳамини насиб бўлишини тилайман.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ

Биз беқиёс ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқдамиз. Минг йилликлар қаърида ақлу идрокимизга тушов бўлиб келаётган, онгимизга, шууримизга губор солиб турган ақидалар аста-секин емирилмоқда. Ўтмишнинг қора ва номаълум қўланкалари тобора ойдинлашмоқда. Оламнинг мураккаблиги, сирлилиги тобора аниқроқ ва равшанроқ намоён бўлмоқда. Ҳозирги давр ҳақида қадимги йилномаларда: «бутун олам сирларининг, яъни — ҳам коинот, ҳам жамият, ҳам руҳият сирларининг инсонлар қаршисида юз оча бошлаган даврдир», деб қайд этилган. Бу бежиз эмас, албатта. Биз олий цивилизация даврида яшамоқдамиз. Аммо шундай бўлса-да, антик давр обидалари, тафаккури, ақл-заковати ҳамон бизни ҳайратга солиб келади.

Мисол учун ҳозирги Туркия қирғоқларига яқин Эгей денгизидagi оролда бир замонлар мавжуд бўлган Родос шаҳрини олиб қарайлик. Бу шаҳар ўз даврида жуда машҳур бўлиб, унинг бандаргоҳларидан турли мамлакатлардан келган ўнлаб кемалар очиқ денгизга йўл олган. Шаҳар Европанинг марказий савдо йўлларида жойлашгани сабабли бу ерда савдо-сотик кенг йўлга қўйилган.

Қадимги даврларда Родос шаҳри аҳолиси бошқа мамлакатлар билан мустақкам равишда савдосотиқни йўлга қўйишни жуда-жуда хоҳлаганлар. Шу сабабли шаҳар аҳолиси ён-атрофда олиб борилаётган қиргинбарот урушларда қатнашишни истамаган. Лекин улар ўз она шаҳарларини тез-тез ва қўққисдан уюштириладиган ҳужумлардан ҳимоя қилишларига тўғри кетган.



КОЛОСС МУЪЖИВАСИ

ҚУЁШ ХУДОСИ ГЕЛИОС

Милоддан аввалги IV асрда Родос аҳолиси ажойиб ғалабани нишонлаган. Шаҳар чинакамига байрам тусини олган. Кеча-ю кундуз чалинган ногоралар гумбири қулоқларни қоматга келтирган. Шу куни бир йил давомида шаҳарни тўрт тарафдан қамал қилиб турган юнон аскарлари чекиниб, ўз юртларига қайтиб кетган эди. Шаҳарни қамал билан қўлга олишга кўзи етмаган душман ҳатто энг катта уруш кемалари, зарур қирол-аслаҳаларининг катта қисмини қирғоқда қолдириб, жуфтакни ростлаб қолишган эди.

Шаҳар аҳолиси урушда қўлга киритилган ва ташлаб кетилган ўлжани сотиб, пулига гўё урушда уларга доимий мадад берган, ҳомийлик қилган

қуёш худоси Гелиос шарафига улкан ҳайкал ўрнатишга аҳду паймон қилади.

БРОНЗАДАН ТИКЛАНГАН КОЛОСС

Ҳоят улкан, маҳобати ақлни шоширадиган бу ҳайкалнинг асл кўриниши қандай бўлгани ва шаҳарнинг қайси жойига ўрнатилгани ҳақида ҳозиргача тарихда маълумотлар йўқ. Бизгача етиб келган тарихий манбалар берган гувоҳликларга асослансак, ҳайкалнинг бронзадан ясалгани ва унинг бўйи ердан 30 метр кўтарилганини аниқ айта оламиз.

У ўз даврининг дунёга донғи кетган моҳир ҳайкалтароши Халет томонидан бунёд этилган. Шаҳарнинг юзлаб кўзга кўринган усталари ва минглаб қуллар меҳнати эвазига қад ростлаган бу ма-

ҳобатли мўъжизанинг қурилишига оз эмас, кўп эмас, ўн икки йил вақт кетади.

КОЛОСС ВА БАНДАРГОҲ

Гелиос ҳайкалининг қандай ва нимадан тиклангани ҳақида тарихий материаллар етарли, деса бўлади. Аввало, унинг асоси — ер чуқур қазилиб, қаттиқ ва махсус тошлар билан шиббаланиб ишлов берилган. Ердан 33 метр кўтарилган темир ҳавозаларга Гелиоснинг баҳайбат шакли берилиб, сирт қисми бронза қопламалар билан мустаҳкам ёпилган. Улкан иншоот, агар шундай деб аташ жоиз бўлса, қуйидан юқорига қараб аста-секин қад ростлай бошлаган. Унинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун ҳавозалар ораси босқичма-босқич улкан харсанг тошлар билан зичлаб тўлдириб турилган.

Колоссинг қурилиб битказилиши тахминан миллоддан аввалги 280 йилга тўғри келади. Шу кунгача кўпчилик ҳайкалнинг Родос гавани узра ваҳшат солиб осилиб турганига ишонмаган. Бироқ ҳисоблаб кўрилса, бундай қарашнинг нотўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Нимага деганда, гаваннинг кенглиги бор-йўғи 400 метрдан ошмас эди. Гелиоснинг ҳайкали мантиқан олиб қаралганда гаванга яқин ёки унинг биқинига жойлашиши мумкин эмас.

Ҳозирги олимларнинг олиб борган изчил тадқиқотларига қараганда, Гелиоснинг улкан бронза ҳайкали шаҳарнинг қоқ ўртасига ўрнатилган бўлиб, юзи денгизга — гаванга юзланиб турган.

ДАҲШАТЛИ ЕМИРИЛИШ

Энг афсусларни томони шундаки, минглаб кишиларнинг астойдил сарфлаган меҳнатига қарамай, қурилганига эллик йил ўтар-ўтмас, Колосс ерга қулаб тушган. Ўшанда юз берган даҳшатли зилзила туфайли ҳайкал тиззасидан иккига бўлиниб кетган...

Оллоҳнинг габабидан кўрққан кароматгўй қонинлар уни қайта тиклашга фатво бермайдилар ва у қандай қулаб тушган бўлса, шундайлигича ерда қолаверади. Гелиоснинг ҳайбатли ҳайкали шу тариқа ерда 900 йил ётади. Куёш худосининг улкан ва баҳайбат бўлақларини тавоф қилиш учун Родосга дунёнинг турли мамлакатларидан келган зияратчиларнинг, буни қарангки, 900 йил давомида ушбу оролдан қадами узилмаган.

Милодий 654 йилга келиб, Сурия князи Родосни ваҳшийларча талаб, ҳайкал сиртига қопланган бронзанинг ушоғини ҳам қолдирмайди.

Ривоятларда айтилишича, княз талон-торож қилган бронза бўлақларини 900 туяга юклаб, Сурияга олиб кетган.

Дунёда ажойиботлар, ғаройиботлар кўп, албатта. Шундай эмасми, азиз муштарий?!

**Жиззах педагогика институти ўқитувчиси
Рўзимурод ЭСАНОВ тайёрлади**

ИНСОНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

Нафъинг агар халққа бешак эрур,
Балки бу нафъ ўзингга кўпрак эрур.

Алишер НАВОИЙ

Одамзоднинг табиий интилишларини олдийгина хулоса қилиб, икки оғиз сўз билан: «Ҳамма ҳам яхши яшасин», дея ифодалаш мумкин.

Николай ДОБРОЛЮБОВ

Эзгулик инсоннинг маънавий оламидаги куёшдир.


Виктор ГЮГО

Ҳаётимизнинг абадий ва олий мақсади — эзгулик. Яхшиликни биз қандай тушунмайлик, ҳаётимизнинг ўзи яхшиликка интилишдан бошқа нарса эмас.

Лев ТОЛСТОЙ

Улуғ муҳаббат теран ақл билан узвий боғланган; ақлнинг кенглиги қалбнинг теранлигига тенг. Шунинг учун ҳам инсонпарварлик чўққисини буюк қалб эгалари забт этадилар: чунки улар — буюк ақл эгалари ҳамдирлар.

Иван ГОНЧАРОВ



Мен эзгуликдан бошқа бирор афзалликни билмайман.

Людвиг БЕТХОВЕН

Эзгулик — ҳеч эскирмайдиган бирдан-бир либос.

Г. ТОРО

Эзгуликни нафрат ёки, айниқса, адоват билан юзага чиқариб бўлмайди. У фақат муҳаббатдан туғилади.

Ж. РЕСКИН

Эзгулик — шундай бир лисонки, у орқали соқовлар тилга кириб, қарлар эшитиши мумкин.

К. БОУВИ

Бирор-бир кимсага яхшилик қилсанг, шуни билки, сенинг саховатингдан у беҳад шод бўлгани каби, сенга ҳам шунчалик завқ насиб этади.

ҚОБУС

Бошқаларга шодлик ато этиш — энг ноёб шодликдир.

Ж. ЛАБРУЕР



Кадимги туркий адабиётнинг улуг ҳам муътабар ёдгорлиги «Кутадғу билиг» («Кут бергучи билим» ёки «Саодатга йўлловчи китоб»; «Саодат китоби») достонининг яратилганига 941 йил тўлди. Баласоғунлик Юсуф Хос Ҳожиб уни 1069/1070 йили Кошғарда ёзиб тугатган.

Фанда «Кутадғу билиг»нинг уч йирик қўлёзмаси маълум. Уларнинг бири қадимги туркий-уйғур, қолган иккиси араб хатида. Араб ёзувли қўлёзмалар тахминларга кўра, XIII—XIV юз йилликлар оралигида кўчирилган. Уйғур ёзувли нусхаси эса 1439 йили ҳиротлик Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган. Уйғур ёзувли қўлёзма ҳозир Вена Миллий кутубхонасида, наманган нусхаси Тошкентда — Ўзбекистон фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, учинчиси эса Қоҳирада сақланмоқда.

Асарда таъкидланувича, китоб муаллифи уни Машриқ малики Тавғач Буғраҳонга тортиқ этган. Малик Буғраҳон шоирни сийлаб, унга ўрданинг хос ҳожиблик лавозимини берган. Асарни ўқиб чиққан Чину Мочин олимларининг бари эътироф этдиларким, Машриқ вилоятида, бутун Туркистон элида, туркий тилда ҳеч кимса бу китобдан яхшироқ тасниф қила олмади. Китоб «қай подишоҳлиққа, қай иқлимга етса, ғоят яхшилиғи»дан ўша элларнинг фозиллари, олимлари унга турлича от бердилар: чинликлар «Адаб-ул-мулук» атадилар; Мочин маликининг ҳукамолари «Айин-ул-мамлакат» дедилар; машриқликлар «Зийнат-ул-умаро» деб айтдилар; эронликлар «Шоҳномаи туркий», баъзилари «Пандномаи мулук» дедилар; туронликлар

уни «Кутадғу билиг» дея атадилар. Ушбу маълумотлар ўтмишда достон ғоят доврғу қозонгани, асар қўлёзмалари кенг тарқалганлигига далил бўла олади. Англашиладики, унинг илк нусхаси хонга тортиқ қилинган. Достон бутун машриқ, турку чин элларида шуҳрат қозонгандан сўнг, янги-янги қўлёзмалари юзага кела бошлади. Китобнинг доврғу, турли отлар билан аталганлиги тўғрисидаги маълумотлар, афтидан, асарнинг кириш бўлимига кейинчалик киритилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари ўрта асрларда турк дунёсидагина эмас, бутун шарқ адабиётида Фирдавсий «Шоҳнома»си янглиғ доврғу қозонди. У Шарқда «Шоҳномаи туркий» дея эътироф этилди.

Бизгача сақланган асар қўлёзмаларининг XIII—XV асрларга тегишли экани, айниқса, уйғур ёзувли нусханинг теурийларнинг йирик маданий, адабий марказларидан бўлмиш Ҳиротда кўчирилгани ўта аҳамиятлидир. Бу нарса унинг қорахонийлар замонидагина эмас, кейинги асрларда ҳам туркий адаби-

ла муҳитда яратилган қатор ёдгорликлар, бадиий асарлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Асарнинг мавжуд қўлёзмалари ичида араб ёзувли наманган ва қоҳира нусхалари эскироқдир. Араб ёзувли нусхалар бўла туриб, уйғур хатида янги бир нусханинг кўчирилгани қизиқ. Бу ҳодиса ёзув амалиёти, хусусан, ўша кезлар туркислом маданий муҳитида уйғур ва араб ёзувларининг тенгма-тенг ишлатилганлиги билан боғлиқ. Кузатувларимизга қараганда, муаллиф ўз асарини уйғур хатида ёзган, кейинчалик, битик араб ёзувига ҳам ўгирилган. Шу йўсун XI—XV юз йилликларда асарнинг уйғур ҳамда араб ёзувли қўлёзмалари кенг тарқалган. Шуларга таяниб, «Кутадғу билиг»нинг кунимизга қадар етиб келмаган бошқа нусхалари ҳам икки хил ёзувда битилган дея тахмин қилса бўлади.

Эътиборни тортадиган ери шундаки, ҳар уч нусханинг матни бирига тўла мос келмайди. Қўлёзмаларнинг бири бошқасидан кўчирилган эмас. Уларга тамоман бошқа-бошқа нусхалар асос бўлган. Шу

ҚУТ ВА САОДАТГА ЕТАКЛОВЧИ КИТОБ

ётда катта ўрин тутганидан далолат беради. «Кутадғу билиг» Ҳирот адабий муҳитида маълум ва машҳур эди. Ўша кезларда асарнинг бизгача етиб келмаган нусхалари бўлгани табиий. Ахир, Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши ҳам бизга маълум бўлган Ҳирот нусхасини қайсидир қўлёзмадан кўчирган.

Шунингдек, уйғур ёзувли ҳирот қўлёзмасининг охирига унинг XV асрнинг 70-йилларида Абдураззоқ бахши учун Истанбулга юборилгани қайд этиб кўйилган. Абдураззоқ бахши ушбу қўлёзмадан янги нусха кўчирганми-йўқми билмаймиз. Лекин ушбу нусхадан фойдалангани аниқ. Ўша даврларда Ўрта Осиёнинг йирик адабий-маданий марказлари билан Истанбул ўртасида узлуksиз маданий, адабий алоқалар кечган. Бунинг тасдиғини ҳар икка-

ўринда мавжуд қўлёзмаларнинг қай бири қадимийроқ нусхадан кўчирилган, деган сўроқнинг туғилуви табиий. Бу хусусда, уйғур ёзувли ҳирот қўлёзмаси, кейинги даврга тегишли эса-да, бошқаларига кўра эскироқ нусхадан кўчирилганлигини таъкидламоқ керак. Чамаси, унга асос бўлган қўлёзма ҳам уйғур хатида эди. Ҳасан Қора Шамс бахши уни бизгача етиб келган араб ёзувли нусхалардан-да эскироқ бўлган бошқа бир уйғур ёзувли қўлёзмадан кўчирган.

Бу азиз китобнинг мағизи тўрт устунга таянади. Аввали — *адл*: иккинчиси — *қут* — давлат; учинчиси — *ақл* — ўқиш эрур; тўртинчиси — *қаноат*. Яна уларнинг ҳар бирига билга кишиларнинг оти берилган. Адлнинг оти — *Кунтуғди*. Асарда элиг (яъни подшоҳ) бўлиб

келади. Куту давлатнинг оти — *Ойтўлди*, вазирдир. Ақл — *Ўддулмиш*, вазирнинг ўғли. Қаноатга эса *Ўзғурмиш* оти берилган, вазирнинг қариндошидир. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг илғор фалсафий қарашлари, давлат ва жамият бошқаруви, билим ва ўқишнинг қадри, киши одоби, таълим-тарбия, қорахонийлар давлатидаги турли мансаб эгаларининг бурчлари, уларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги ўй-фикрларини ана шу қахрамонларнинг савол-жавоблари ва мунозаралари асосида ёритиб беради.

Адл, қут, ақл ва қаноатнинг асарга асос қилиб олинувининг чуқур маъноси бор. Юсуф Хос Ҳожиб эзгуликни, кишининг бахту саодатини адолат, ақл-заковат ҳамда қаноат бирлигида деб билади.

Достон қахрамонларига берилган отлар теран маънога эга. *Кунтуғди* отининг луғавий маъноси «туққан Кун; балқиб чиққан қуёш» дегани. *Ойтўлдин*нинг маъноси — «тўлин ой»; *Ўддулмиш* — «ақлга тўлган»; *Ўзғурмиш* эса «қаноатли» дегани.

Кунтуғди элиг бахту давлат тимсоли бўлмиш Ойтўлдидан отининг маъноси нима эканлигини сўраганда, Ойтўлди унга дейди: «Билимли киши қилиқларимни Ойга менгзаб менга от қўйган. Кузатсанг, Ой туққанда жуда кичик бўлиб туғади. Кундан-кун катталашиб, юқори кўтарилади. Тўлишганда эса оламга ёруғлик сочади, халқ ундан рўшнолик топади. Юксакликка кўтарилгач, яна емирилиб, кичрая бошлайди, чиройи кетади. Ёруғлиги озаёйиб, яна йўқ бўлади. Қайта туққач, яна тўлиша бошлайди. Мен ҳам шу янглиғ турур мен: бирда бор бўлиб, бир йўқоламан».

Кунтуғди асарда элиг ўрнида келган. *Элиг* сўзининг маъноси, айрим олимлар таъкидлаганидек «эллиг, эли бор» сўзидан эмас, балки «элтувчи, йўл бошловчи» дегани. Тил тарихида — *г* қўшимчаси отдан эмас, феълдан от ясайди. Бу ўринда сўзнинг ўзаги *эли*, — унга от ясовчи қўшиб *элиг* сўзи ясалган. Ҳозирги ўзбекчадаги *элт* — деган сўзимиз ҳам шундан.

Кунтуғди элиг ўз отининг англамани Ойтўлди билан кечган савол-жавобда яхши изоҳлаган. Ой-

тўлди адолат тимсоли бўлмиш Кунтуғдидан отининг маъноси нима эканлигини сўраганда, элиг айтди: «Билимли киши қилиқларимни кўриб, менга «Кунтуғди» дея от қўйган. Кунга боққин, сира кичраймайди, тўлун бўлиб тураверади. Ёруғлиги бирдек, ҳар қачон сарадир. Менинг қилиқларим ҳам Кунга ўхшайди, у тўғрилиқ ила тўлди, озаёмайди».

Ойтўлди ва Кунтуғдининг савол-жавобларидан яна бир масала ўз ечимини топади. Ундан Юсуф Хос Ҳожибнинг олам тузилиши ва сайёралар ҳаракати тўғрисидаги қарашларини англаймиз. «Кун буржи сабит турур» деганда у Қуёшнинг тебранмаслиги, турғунлиги, оламнинг марказида Қуёш туриб, қолган сайёралар, шулар қатори Ой билан Ер ҳам унинг теварагида айланишини таърифлаган. Муаллифнинг ушбу қарашлари Европа астрономия илмидан салкам беш юз йил илгари айтилаётганлиги билан ҳам қадрли ва аҳамиятлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб давлат ва жамият бошқарувида адолатни бош ўринга қўяди. Унинг уқтиришича, тўғрилиқ (адолат) олдида ҳамма баробар. Кунтуғди элиг тилидан буни шундай таърифлайди:

*Кўнилик узала кесар-мен ишиг,
Адирмас-ма бегсиг я қулсиг кишиг.
(Ишни тўғрилиқ юзасидан ҳал қиламан,
Бек ё қулни фарқлаб ўтирмайман).*

Адиб сиёсатни, давлат қонунларини юқори тутди. Қонун ва интизом остида мамлакат обод, халқ фаровон яшайди, деган ғояни қўллаб-қувватлайди. У ўтмиш адиб ва мутафаккирлари орасида биринчилардан бўлиб давлат ва жамият бошқарувининг демократик асосларини, тенглик принципларини ишлаб чиқди.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даври давлат бошқарувининг йўл-йўриқларини, тўру тузукларини яратди. «Кутадғу билиг» давлат низоми даражасига кўтарилган муҳим бир асар эди.

Юсуф Хос Ҳожиб кишилиқ маънавияти тарихида биринчилардан бўлиб «комил инсон» тушунчасини олиб кирди. У «комил инсон»ни *туғал* эр деб атаган. Мута-

факкир кишининг маънавий юксалишини икки босқичга ажратади: биринчиси — *балоғат*; бунга, ихлос қилса, ҳар бир билимли, ўқишли кимса эришуви мумкин. Киши камолотининг иккинчи босқичи *туғаллик*дир. Унга ҳар кимсанинг етишуви мушкул. Адибнинг таъкидлашича, тугал эрда икки сифат уйғунлашмоғи керак: бири — билим; иккинчиси — ўқиш (заковат). Ана шу сифатлари билан киши тугалликка эришади.

«Кутадғу билиг» — бахту саодат китоби. Асар улғу адиб ва донишманд Юсуф Хос Ҳожибнинг қарашларинигина эмас, қадимги туркий халқларнинг илғор фалсафаси, оқилу билга боболаримизнинг бизга айтар сўзу ўғитларини ўзида жамлаган. Асарни ўқиб, ибрат олган, унинг кўрсатмаларига амал қилган кишиларга саодат эшиклари очилади. Китоб ўғитлари бизни хилоф ишлардан сақлайди, тўғри йўлга бошлайди: ғазаб келса, ўзимизни босамиз, ақл кетса, хушёр тортамиз, ёлғон ва юракка ботадиган сўзлар айтишдан ўзимизни тиямиз, нутқимизни ўзгаларга ёқадиган, уларнинг кўнглига йўл топа оладиган, яхшиликка ундайдиган сўзларла безай оламиз. Китоб бизни эзгулик, меҳр-оқибат сари етаклайди, фикр билан иш қилишга, тирикликнинг паст-баландига қараб оёқ босишга ўргатади.

Шарқ донишмандлигининг юксак намунаси бўлмиш «Кутадғу билиг» бебаҳо, тенги йўқ асардир. Ундаги ўғиту насиҳатлар кишини билим олишга, ҳалоллик, инсоф ва адолат, тўғрилиқ, кишилар ўртасида меҳр-оқибатга чақиради; инсон қадрини дунёнинг бор икир-чикиридан — бойлик, мансабу манманлик, ўткинчи маишат, ғийбат у ҳасад — ҳамма-ҳаммасидан устун қўймоққа чорлайди. Шунинг учун ҳам асарни чуқур ўрганмагимиз, ундаги панду ўғитлардан халқимизни баҳраманд этмагимиз керак.

Қосимжон СОДИҚОВ,
Филология фанлари доктори,
профессор

БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИДА НАЗИРА

Мумтоз адабиётда назира — ўтган ёки замондош шоир асари мавзусига шаклан ўхшатма, жавоб тариқасида яратилган, лекин мазмунан янги асар. Куй андозалари асосида назира асарларини ижод қилиш анъанаси узоқ тарихга бориб тақалади. Муסיқий назирагўйлик маълум қирралари билан адабиётдаги анъаналарга ҳам ўхшашдир. Шу билан бирга муסיқа соҳасида ўзгача қонуният ва илмий кўрсатмалар ҳам мавжудлигини назарда тутиш лозим. Албатта, илм-фаннинг назарий қондаларини амалий жараёнга механик тарзда кўчириб бўлмаганидек, шубҳасиз, ўрта асрларда ҳам, ҳозирда ҳам муסיқий асар қиймати унинг бадиий қирралари билан баҳолаиб келинади.

Муסיқашунослик жабҳасида андоза ва унинг асосида ишланган асар нисбатини “инвариант-вариант” жуфтлигида тавсиф этиш мумкин. Ҳар бир ижодкор у ёки бу андозадан инвариант — асос сифатида фойдаланаркан, унга ўз истеъдоди ва кўзлаган мақсади юзасидан ёндашиб қайта ифодалайди, уни турли бўёқлар билан жиллолашга интилади. Ушбу ҳодисанинг бастакорлик ижодиётида бадиий қонун кучига эга эканлигини миллий муסיқамизда салмоқли ўрин тутган Ушшоқлар мисолида кўришимиз мумкин.

Бугун миллий муסיқамизнинг нодир ҳазинасидан ўрин олган ва мақом туркумларидан холи тарзда ўз “ҳаётини” давом эттираётган Ушшоқ номли муסיқий асарлар айнан бастакорлар ижодиётидаги назирагўйлик анъаналарининг ёрқин намуналаридир. “Самарқанд Ушшоғи” ёки “Ушшоқи Ҳожи Абдулазиз”, “Ушшоқ” ёки “Мулла Тўйчи Ушшоғи”, “Содирхон ҳофиз Ушшоғи” каби муסיқий намуналар бунга мисол бўлиши мумкин. Зикр этилган ушбу асарларнинг келиб чиқиш манбалари умумий бўлса-да, уларнинг ҳар бири ноёб ва алоҳида бадиий қийматга эга. Хусусан, Ҳожи Абдулазиз Расулов ижодий меросига мансуб “Самарқанд Ушшоғи” Ушшоқларнинг ёрқин намуналаридан биридир.

Маълумки, Бухоро-Самарқанд маҳаллий услубининг ёрқин намояндаси Ҳожи Абдулазиз Расулов Шашмақом чолғу ва ашула йўлларининг моҳир ижрочиларидан эди. Бу ҳол “Самарқанд Ушшоғи”да маълум қадар акс этади, яъни “Самарқанд Ушшоғи”нинг тузилиши, ривожланиш шакли ва тамойиллари билан айнан Шашмақом шўъбаларининг ички қонуниятларини эслатади.

Бастакор “Самарқанд Ушшоғи”да Шашмақом хусусиятларини Фарғона-Тошкент мақомларига хос бўлган сифатлар билан табиий бир ҳолатда уйғунлаштира олган. Бу ўринда “Самарқанд Ушшоғи” “Кўқон Ушшоғи”га назира қилинган, деган фикрлар ҳам мавжуд. “Самарқанд Ушшоғи” асл пардалар тузилмасига оид миксолидий уюшмасига мос келади. Лекин унинг таянч пардаси сифатида “ре” товуши ҳозир бўлган. Асарнинг чолғу муқаддимаси Шашмақом туркумидаги Сарахборлар чолғу муқаддимасига ўхшаш. Айни пайтда эса берилган усули ва даромаддан аввал ижро эти-

ладиган “ҳанг” тузилмаси Фарғона-Тошкент мақом ашула йўлларига хос бўлган қирралардир.

“Самарқанд Ушшоғи”да келган намудлар Шашмақомдаги Сарахбори Ростда ҳам қўлланилган. Шу томонини ҳисобга олган ҳолда бу асар маълум даражада “Сарахбори Рост”га, усул асоси эса Фарғона-Тошкент йўлларига назира қилинган, деб хулосалаш мумкин.

Энди бошқа бир маҳаллий услуб ва мактаб билан боғлиқ намуна “Содирхон Ушшоғи”га эътибор қаратсак. Мақомлар ва катта ашула намуналарининг моҳир ижрочиси машҳур ҳофиз Содирхон Бобошарифов Фарғона-Тошкент ижрочилик мактабининг етук вакилларидан ҳисобланади. Содирхон Ушшоғи Фарғона-Тошкент маҳаллий-муסיқий услубига хос яққол мисолдир. Атоқли ҳофиз бу асарни Фарғона-Тошкент услуби доирасида ижод этган. Бу ерда Сарахборлардаги каби ривожланган чолғу муқаддимаси йўқ. Мухтасар чолғу муқаддимаси эса таянч пардага созланиш учун тайёрловчи восита сифатида намоён бўлади, холос. Айни пайтда чолғу муқаддимасининг қисқалиги тезкор ривож омилларидан бири ҳамдир. Берилган усул ҳам айнан Фарғона-Тошкент йўлларига хосдир.

Аваламбор, Содирхон Ушшоғининг даромади ўрнида келган, кўққисдан авжларга хос юқори пардалардан бошланган илк хати тингловчи эътиборини ўзига тортади. Асарнинг бу каби бошланишида Фарғона-Тошкент минтақасига хос бўлган катта ашула жанрининг таъсирини пайқаш қийин эмас. Ушбу Ушшоқ намунаси ўзининг бетакрор, шиддатли баёни билан барча шу номли Ушшоқлардан алоҳида ажралиб туради.

Асарнинг ўрта авжларига хос бўлган пардаларда бошланиши мақомчилик анъанасида ноёб ҳодиса, албатта. Уни ўн икки мақомдаги Ушшоққа назира қилинган дейиш мумкин. Авж қисми алоҳида эътибор талаб қилади. Асарнинг авж қисмини шартли равишда учга ажратиш мумкин: бошлангич авж, ўрта авж ва юқори авж. Авж сифатида Ушшоқ авжи ривожлантирилган (намуди Ушшоқнинг бир кўриниши). Ҳар бир авж бўлаги ижросидан сўнг юқори пардалардан қуйи пардалар томон ҳаракатланиш назарда тутилган. Бу ҳолат ҳам Фарғона-Тошкент услубига тегишли “катта ашула” жанри хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, катта оҳанг тўлқинларини юзага келтиради. Шу ўринда Содирхон ҳофиз айнан шу жанр (катта ашула)га тегишли асарлар ижрочиси ҳам бўлган. Бу асарга нисбатан “шидатли” деган сўз кўп мартаба ишлатилиши шу боисдан ҳам ўринлидир. Авжининг энг юқори пардаси учинчи октава “ре”га тўғри келади. Бундай баланд пардаларнинг олиниши “катта ашула” ва ноёб мақом намуналари хусусиятларини ўзида инъикос эттирди. Бу каби ҳаракат, яъни аввал юқори пардалар олиниб, сўнгра пастга қараб ҳаракатланиш тамойили Фарғона-Тошкент услубига хосдир.

Демак, аён бўладики, “Самарқанд Ушшоғи” ва “Содирхон Ушшоғи” бастакорлик ижодиётидаги назирачилик асосида ишланган, бадиий жиҳатдан эса ҳар бири ўзгачадир. Куй-оҳанг пардалари умумий бир негиздан униб чиққан бўлса-да, лекин икки турли услуб, маҳаллий анъана ва истеъдод соҳиблари талқинида бадиий қийматлари алоҳида аҳамиятга эга йкки ноёб асар сифатида намоён бўлади.

Чинора ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси

2010 йил Юртбошимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди ҳамда ўсиб-улғайиб келатган янги авлод вакиллари дунё майдонига чиқайтганлиги алоҳида эътироф этилди.

Жўраев Саҳоб Тошболта ўғли 1987 йил 19 январда Жизза шаҳрида туғилган. 2004 йилда Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 296-ўрта мактабни тугатиб, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг «Футбол» факультетига ўқишга кирган. 2008 йилда футбол ихтисослиги бўйича бакалавр даражасини олган.

Саҳоб Жўраев 7 ёшидан Республика бокс мактабида шуғулланган. Сўнгра Марказий Ҳарбий Спорт клуби қошидаги футбол мактаби танловидан ўтиб 3 йил ўйнаган ва жамоага сардорлик қилган. Дилшод Каттабеков унинг мазкур клубдаги биринчи мураббийси ҳисобланади.

Саҳобдаги футболга бўлган иқтидорни сезган «Пахтакор» клубининг ёшлар бўйича мураббий Дилмурод ака уни ўз жамоасига таклиф қилган ва Саҳоб 10 ёшидан бошлаб, футбол билан жиддий шуғуллана бошлаган. 16 ёшигача мазкур жамоа таркибида ўйнаб, бир неча бор клублар ўртасида юқори ўринларни эгаллаган. Бир қатор республика ва халқаро турнирлар голиби бўлган. Жумладан, иккинчи марта Санкт-Петербург шаҳрида 11 ва 13 ёшлилар ўртасида «Оқ тунлар» халқаро футбол турнирида қатнашиб, рағбатлантирувчи ўринларни эгаллаган. 12 ёшида Навоий шаҳрида Тоғ-металлургия комбинати ҳомийлигида ташкил этилган республика футбол турнирида фахрли 2-ўринни эгаллаган.

Шунингдек, маҳалла ёшлари ўртасида ташкил этилган футбол турнирининг 2 марта Тошкент шаҳри голиби бўлган ва олтин медал билан тақдирланган.

Саҳоб 2003 йилда Республика Олий Лига клубларидан «Нефтчи» ва «Локомотив» томонидан ўтказилган танловларда қатнашиб, «Локомотив» клуби аъзосига айланган ва унинг ўринбосарлари таркибида тўп сурган.

2004 йилдан «Локомотив» Профессионал Футбол Клубининг асосий таркибида ўйнай бошлаган.

Саҳоб Жўраев 2007 йилдан Ўзбекистон олимпия терма жамоаси таркибида тўп суриб, унинг шарафини бир қатор халқаро турнирларда ҳимоя қилган ҳамда шу йили Вьетнамда ташкил-

лаштирилган «Агрибанк Кубоги» турнирида голибликни қўлга киритган.

Олимпия терма жамоасининг бош мураббийи Вадим Абрамов ўз вақтида Саҳобнинг футболчилиқ маҳоратини қуйидагича баҳолаган: «Агар Жўраевдек 3-4 та ҳимоячимиз бўлганда, биз Бразилияни ҳам мағлубиятга учратган бўлар эдик».

2007 йилда Саҳоб «Курувчи» ПФК билан 3 йиллик шартнома имзолади. Шу йили жамоаси билан мамлакат ку-

боги финалчасига айланди ҳамда мамлакат миллий чемпионатида олий лига клублари ўртасида 2-ўринни эгаллаб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Саҳоб 2007 йилда ҳар бир профессионал футболчининг орзуси бўлган Ўзбекистон Миллий терма жамоаси таркибига киритилди ва шу йили 23-29 декабрда Таиландда ташкил қилинган «Қирол кубоги»да ўзининг дастлабки дебют ўйинини ўтказди.

«Даракчи» газетасининг 2008 йил 15 май (479) сонида Саҳоб тўғрисида қуйидаги битиклар қайд қилинди: «Бу йигитни бир йил олдин кўпчилиқ танимасди. Олимпия термамаиздаги ўйинлари орқали ярқ этиб кўзга ташланди. Натижада, «Курувчи» уни қўлга киритди. Инилеевнинг ҳам назарига тушди». Ўзбекистон Миллий терма жамоаси собиқ бош мураббийи Рауф Инилеев журналистларнинг терма жамоага жалб қилинган янги футболчилар нималар билан сизнинг эътиборингизга тушишди? – деган саволларига «Жўраев ўзига хос футболчи. Бундайлар кам. У жамоа ўйинини кучайтириш билан бирга томошабоп футбол намойиш қилади» деб жавоб қайтарган.

Ёш истеъдодли ўйинчи «Бунёдкор» ПФК таркибида 2008 йилда Ўзбекистон чемпиони ва Ўзбекистон кубоги голиби бўлди. У шу йили «Йил кашфиёти» деб топилди ва «Чап қанот қироли» сифатида бир неча бор Ўзбекистоннинг рамзий терма жамоаси таркибига киритилди.



Саҳобнинг парвози

Саҳоб Жўраев 2009 йилги Ўзбекистон чемпионатида ҳам «Бунёдкор» ПФК таркибида зафар қучди. У иккинчи бор Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритиб, олтин медал билан тақдирланди.

Халқаро футбол статистикаси билан шуғулланувчи «transfermarkt.de» немис сайти ходимлари томонидан баҳоланган 25 нафар ўзбек футболчилари орасида Саҳоб Жўраев (200 000 евро) ҳам алоҳида қайд қилиб ўтилган.

Саҳоб 2007 йилда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси таркибида дунёнинг 5 та мамлакатидан 14 та ўртоқлик учрашувлари ва расмий ўйинларда иштирок этган бўлса, 2007-2009 йилларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси сифатида жаҳоннинг 10 та давлатида 15 дан ортиқ ўртоқлик учрашувлари ва расмий ўйинларда қатнашган.

Саҳоб Жўраев юқорида қайд қилиб ўтилган йилларда «Бунёдкор» ПФК жамоаси билан жаҳоннинг 15 дан ортиқ мамлакатларида ўқув машгулот йигинларини ўтказган ва Осиё Чемпионлари лигасининг расмий ўйинларида иштирок этган.

Ўйлаймизки, баркамол авлод вакили бўлмиш Саҳобдан янада юсак ютуқлар кутишга ҳақлимиз.

Абдурауф РАҲИМ

Анастасия Заворотнюк — Терим жуда таъсирчан бўлгани учун ҳам кўп муаммоларга дуч келаман. Лекин менинг бир сири бор. Бу айнан таъсирчан юз терили аёлларга асқотади, деган умиддаман. Бунинг учун албатта, мойчечак дамламаси керак бўлади. Дамлама музлатгичнинг музхонасидаги шаклларга куйилиб, мойчечакли музларга айлантирилгач, юзга сурилади.

Бу юз терисини тинчлантирувчи, қон айланишини таъминловчи ва шу билан уни соғломлаштирувчи ҳамда таранглаштирувчи восита ҳисобланади. Юзга суртгандан 3 дақиқа ўтиб, унинг фойдасига ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Агар юз терингиз турли хил макияжлардан, кунлик асабийлашишлардан сўлгин тус олган бўлса, албатта, менинг тавсиямга риоя қилинг. Доимо гўзал ва латофатли бўлинг.

Мадонна — Яқинда поп-маликаси Мадонна 50 ёшга тўлади. Лекин у ҳеч ҳам ярим аср яшаган аёлга ўхшамайди. Бунинг сири нимада экан? Унинг таъкидлашича, ёшлик ва гўзалликнинг сири доимо спорт билан шуғулланишда. Мадонна ҳар куни югуради, йога билан шуғулланади. Энг асосийси эса, макробиотик диетага амал қилади. Унинг таомномасида гўшт ва гўштли маҳсулотлар, шакар ва сут маҳсулотлари умуман йўқ.

Кетрин Зета-Жонс — Кетрин Зета-Жонс тишларини қулупнай билан тозалайди. Чунки қулупнай таркибида С витамини мужжасам бўлиб, тишларни табиий оқартирувчи восита ҳисобланади. Қулупнайдан ташқари апельсин, қорағат, помидор, сабзи ва лимонда витамин С кўп миқдорда аниқланган. Лекин лимондан фойдаланганда эҳтиёткорлик зиён қилмайди. Акс ҳолда, тишларнинг эмали емирилиши мумкин. Кетриннинг гўзал ва доимо ёрқин сочлари сири — зайтун мойида. У тез-тез зайтун мойини бошига суриб турар экан. Унинг айтишича, худди шу зайтун мойи тирноқларни ҳам соғломлаштиради.

Николь Кидман — Николь Кидман доимо сочларини парваришлаш билан овора. Бунинг учун у ҳино, мойчечак дамламаси ёки пиёз пўстининг қайнатмасидан фойдаланади. Сочларнинг чиройли жилоланиши учун Николь лимон шарбатига чайишни тавсия этади.

Жизель Бундхен — Бразилиялик супермодель Жизель Бундхеннинг вазн йиғишдан сақловчи сири бор. У ҳам бўлса, кўп миқдорда аччиқ таомларни тановвул қилишдан иборат. «Бу билан мен ортиқча колорияларни йўқотишга муваффақ бўламан»- дейди Жизель.

Дейзи Фуэнтес — «Ортиқча вазндан сақловчи ҳамда соғломлаштирувчи восита — мойчечак дамламаси» дея таъкидламоқда Голливуднинг ёрқин актрисаларидан бири Дейзи Фуэнтес. У кун давомида мойчечак дамламасини ичар экан.

Буюк донишманд Ларошфуко фикри: — «Ақл учун соғлом фикр лозим бўлганидек, танага нафислик керак». Аёлларнинг вақт ўтиши билан ўз гўзалликларини сақлаб қолишга уринишлари табиий. Ушбу саҳифамизда машҳур юлдузлар ўзлари қўллайдиган мафтункорлик сирлари билан ўртоқлашишади.

Юлдузларнинг мафтункорлик сирлари



Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади

Одатдаги кунларнинг бирида Стендал газета варақлаб ўтириб, куйидаги хабарни ўқиб қолади: Ёзувчи таваллуд топган Гренобл шаҳар суди Антуан Берте исмли ёш йигитни ўлим жазосига ҳукм қилибди. Йигит эса бу ҳукмни зўр қувонч, ҳатто ифтихор билан қарши олибди. Газетанинг хабар қилишича, оддий қишлоқ чилангарининг ўғли Антуанга қишлоқ руҳонийси ҳомийлик қилган. У ёшлигидан ақл-заковати ва ўткир зеҳни билан яқин атрофга танилган 19 яшар йигитни ўзига тўқ кибор оилалардан бирига — де Латур хонадонига тарбиячи вазифасига ишга жойлайди. Орадан кўп ўтмай хушқомат, вужудида ғайрат-шижоат барқ уриб турган заковатли Антуан билан 36 ёшга қадам қўйган гўзал де Латур хоним орасида ишқий саргузаштлар бошланади. Сир ошкор бўла бошлагач, руҳоний уни диний семинарияга жойлаб қўяди. Номанум сабабларга кўра бу ердан ҳам ҳайдалади. Шу-шу, йигитнинг омади юришмай қолади, ишсизлик жонига тегади. Кордон исмли бадавлат кишининг қизи билан бошланган ишқий роман ҳам де Латур хонимнинг сирли мактуби воситасида барбод бўлади. Ўз бахтсизлигининг сабабларини де Латур хонимдан кўрган йигит, яқшанба кунги ибодатлардан бирида тўппончадан хонимга ўқ узади. Суд жараёнида Антуан айбини яширмайди. Аксинча, бутун суд ҳайъатини лол қолдириб, ўзига қаттиқ жазо берилишини талаб қилади. Ўлим олдида эса, оташин нутқ сўзлайди, «Мен ҳақиқатни севардим... Лекин қани у!» — дея оммага хитоб қилади. Кичик бир газета хабари ва унда келтирилган «Мен ҳақиқатни севардим» деган ёш йигитнинг оташин сўзлари ижодий камолотга тўлган Стендални қаттиқ ҳаяжонга солиши табиий, албатта. Ана шу кичкина газета хабари ҳаяжонли таъсири жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан бири «Қизил ва қора» романи ёзилишига туртки бўлади.

Стендал роман марказига XIX аср Француз реализмининг бош муаммоларидан бирини — шахс ва жамият ўртасидаги конфликт масаласини қўйган эди. Шу боис, асар француз адабиётида ҳаётда юксак мартабаларга интилувчи қуйи табақа вакилининг тақдир ҳақида ҳикоя қилувчи биринчи йирик роман эди. Бош қаҳрамон Жюльен Сорель — оддий қишлоқ дурадгорининг ўғли, тақдир тақозоси билан жамиятнинг олий табақа вакиллари орасида яшашга мажбур бўлади. Жюльен империя даврида туғилади, аммо Реставрация — инқилоб туфайли ағдарилган тузумни тиклаш даврида фаол, қайноқ ҳаётга кириб келади. Юксак иродали, тафаккурга мойил, илм соҳасида ҳавас қилса арзигудек қобилиятга эга навқирон йигит Наполеон даврида туғилганда эди, эҳтимол ҳаётда ўз маслак-муддаосига эришган бўлур эди. Шу сабабли унинг ёш замондошлари император Наполеон шахсида даврнинг тимсолини кўрдилар. «Мабодо, ўша шижоатли йилларда туғилганимда эди, — дейди Жюльен ўз мулоҳазаларидан бирида, — менга ўхшаганлар ё ўлиб кетарди, ёки 36 ёшида генерал бўларди».

Ёш Жюльен Веррьер шахри ҳокими хонадонига тарбиячи бўлиб ишлар экан, у ердаги тўкин-сочин-



Шундай санъаткорлар борки, ҳаёт ҳақиқатини энг улғ тарихчиларга қараганда ҳам мукамалроқ тасвирлай олиш маҳоратига эгадир. XIX аср буюк француз адиби Стендал ана шундай санъаткорлардан бири эди.

лик, сохта ҳашамат, ҳатто ҳоким хонадонининг кунда-шунда меҳмони бадавлат Валено каби кимсалар ҳам унинг нафратини кўзгатади, газабини келтиради. У ўзича ҳокимдан қасос олиш учун унинг хотинини йўлдан урмоқчи бўлади. Даставвал, Жюльен Луиза де Реналь хонимни шунчаки кўнгилхушлик учун яхши кўради, кейинчалик астойдил севиб қолади. Бунга асосий сабаб Луизанинг очиқ кўнгиллиги, соддалиги, болаларига чексиз садоқати, ўз аёллик иффати қаршида чеккан виждон азоби ва ҳоказолар эди.

Агар Жюльенга келсак, кўринишидан анча нимжон, ғоят нозик бу йигитнинг метиндек иродаси борлигига ишониш қийин. Ҳатто унинг орзу-хаёллари билан танишсангиз, уни ҳавойи хаёлпараст деб ўйлаш мумкин. Йигитнинг бирдан-бир орзуси — Наполеон шухратига эришиш, жамиятда қандай қилиб бўлсада, ўз ўрнини топиш, ном қозониш. Бу йўлда у тинмай кураш олиб боради. Хўш, бу кураш романда қандай акс этган ва нималарда кўринади? Аввало айтиш керакки, Жюльеннинг кураши — кўпроқ мавжуд тузумдан нафратланишида, муҳими, ҳақиқатни севишида яққол акс этади.

Жюльен Сорелнинг илк бор тарбиячи сифатида шаҳар ҳокими жаноб де Ренал хонадонига қилган ташрифини кўз олдимизга келтирайлик. Йигитни остонада де Реналь хоним — Луиза кутиб олади. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган хоним бир пайтлар бутун вилоятда энг соҳибжамол аёл ҳисобланган. Хушхулқ, ифбатли аёл сифатида шухрат топган Луизанинг казозо йигитлар ошиқу шайдоси бўлган. У табиатан ғоят тортинчоқ бўлиб, оила тарбиясига кўра, бундай сулувларга ўхшаб ўзига ҳаддан ташқари зеб берилганини хаёлига келтирмаган. Фақат салқин шаҳарларда

ёки гўзал оқшом чоғлари, сўлим ва осуда боғларда, сеvimли ўғилчалари билан сайр қилиб юришни хуш кўради.

Француз танқидчилари ўша даврда «Қизил ва қора» романида тасвирланган хотин-қизлар образлари хусусида баҳс юритганлар ва бу образлар тасвирида схематизм излари борлигини қайд этганлар. Романда Стендаль шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятлар драмасини тасвирлагани учун ҳам ўша давр французларининг юқори табақа вакиллари Стендаль билан фахрланишади, деб айтиб бўлмасди. «Француз адабиёти тарихи» китобида Лансон деган олим у ҳақда: «Стендалнинг шахсан бошидан кечирганлари мутлақо қизиқарли эмас», деб ёзган эди. Ёзувчини шахсан билган мўътабар кишилардан бири бу фикрнинг тамоман тескарисини тасдиқлайди. Фагэ исмли бу олимнинг ёзишича, Наполеон армияси Россия ерларидан чекинаётган ва солдатлар музлаб нобуд бўлаётган, яъни, интизом бутунлай барбод бўлган кунларда ҳам, Стендаль ҳар куни хизматга соқол-мўйловини тозалаб қириб, бошдан-оёқ шинам ҳарбий кийимда келганини таъкидлаган эди.

Ҳа, Стендалнинг адабий фаолияти унинг ҳаётга бўлган чин муҳаббати туфайли туғилди ва адиб умр

Отасининг хоҳиш-иродасига кўра, ёш Фредерик дастлабки маълумотни революцион ҳукуматдан яшириниб юрган католик руҳонийсидан олади. Ўзини «якобинчи», «ватанпарвар» дея ҳисоблаган Стендал катехезис, яъни диний оятлар китобини мунтазам ёдлаш ўрнига, яширинча Жан-Жак Руссо асарлари мутолааси билан машғул бўлади. Ўн ёшга тўлганда у отасини лолу ҳайрон қолдириб, қирол Людовик XVI нинг қатл этилганини зўр қувонч билан қарши олади. «Мен ўн ёшимда қандай бўлсам, эллик иккига тўлганимда ҳам ўшандайлигимча қолавердим», — деб хотирлаган эди ёзувчи, орадан кўп йиллар ўтгач ушбу воқеа ҳақида.

1799 йили Стендал Политехника билим юртига кириш мақсадида Оврупонинг энг гўзал ва муҳташам шаҳри Парижга келади. Аммо Наполеоннинг давлат тўнтариши ёш йигитнинг режаларини пойтахтга келган кунининг эртасигаёқ ўзгартириб юборди. Ўн етти яшар Стендал мулоҳаза қилиб ўтирмай, ҳарбий хизматга кўнгилли бўлиб ёзилади. Бонапартнинг Италияга қилган юришида қатнашади. Аввал Ломбардига боради, сўнгра Италиянинг Милан шаҳрида бўлади. Ўша ёшликнинг энг жўшқин, эҳтиросли кунларидан эътиборан гўзал Италиянинг мафтункор табиати Стендал

МЕН ҲАҚИҚАТНИ СЕВАРДИМ

Француз ёзувчиси Стендал
ҳаёти ва ижоди ҳақида

бўйи шу муҳаббатга амал қилиб келди. «Стендаль ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ ғайратни яхши кўрарди» — деган эди унинг замондошларидан бири. Дарҳақиқат, бу иборанинг ҳақиқатга мос келишини унинг бутун нотинч ҳаёти тасдиқлайди. «Қизил ва қора» асарининг ҳақиқий ва ягона қаҳрамони ҳам худди шу — ғайрат ва ҳаётга бўлган муҳаббат сари интилиш эди.

Жюльен билан де Ренал хоним орасида туғилган муҳаббат ҳам шу қадар ҳарорат, юксак эҳтирос билан ва шу қадар тиниқ тасвирланганки, китобхон беихтиёр уларнинг мусаффо туйғуларига мафтун бўлиб қолади.

Асл исми Мари Анри Бейль бўлган Фредерик Стендал 1783 йили Франциянинг жанубий шаҳарларидан бири Гренолда ўзига тўқ адвокат оиласида таваллуд топади. Кейинчалик «Анри Брюларнинг ҳаёти» номли автобиографик асарида адиб ўзининг болалиги 1789-1794 йиллар француз инқилоби руҳида шакллангани ҳақида ҳикоя қилган эди. Бўлажак ёзувчининг она томонидан бобоси врач, файласуф бўлиб, замонасининг маърифатпарвар, ўқимишли кишиси ҳисобланарди. У машҳур Вольтер гоёларининг ашаддий тарғиботчиси, мухлиси бўлгани сабабли ёш неварасида XVIII аср буюк француз маърифатпарварларининг асарларига муҳаббат уйғотади. Унинг отаси эса, аксинча, қирол тарафида турувчи амалдорлардан ҳисобланиб, эскича тузум, эскича ҳаёт тарафдори эди.

қалбида абадий, ўчмас из қолдиради. Ўз тақдирини Наполеон армияси тақдирини билан мустаҳкам боғлаган адиб императорнинг бир неча ишларида, 1812 йили Россияга юришларига фаол қатнашади.

Республика олға сурган ёш, серғайрат Наполеоннинг ҳарбий даҳоси Стендал кўз ўнгида ҳақиқат ва адолат тимсоли бўлса, «Франциянинг озодлигини ўғирлаб, Рим папаси билан конкордат актини имзолаган мустабит Наполеон-императорни шафқатсиз танқид қилади. Шундай бўлса-да, кейинчалик у Бонапарт эпопеяси билан боғлиқ бутун бир тарихий даврни, «ғайратли ҳаракатнинг қаҳрамонлик эпоси», дея характерлайди.

Бурбонлар ислоҳотида қаттиқ норозилик уйғотган адиб Наполеон мағлубиятидан сўнг ўзига болаликдан қадрдон Италияга йўл олади. Италияда карбонарийлар ҳаракатида фаол қатнашаётган оташқалб шоир Жорж Байрон билан танишади. Байрон билан бўлган адабий мулоқотлар Стендал қалбида ўчмас из қолдиради.

Италияда ёзувчининг адабий фаолияти гуркираб ривожланади. Унинг нашр этган биринчи китоблари асосан мусиқа санъати соҳасига бағишланган эди. Хусусан, «Гайди», «Моцарт ва Метастазини ҳаёти», «Италияда тасвирий санъат тарихи», «Россининг ҳаёти» асарлари шулар жумласидандир. Кейинчалик «Худбин одамнинг хотиралари», «Россин ва Шекспир», «Анри Брюлернинг ҳаёти» китоблари дунё юзини кўради.

«Рим, Неаполь ва Флоренция» деган саёҳатнома ва саргузаштлардан ташкил топган асари ҳам ёзувчи ижодида муҳим ўрин тутади.

Австрия Ҳукумат Стендалнинг карбонийлар ҳаракатига алоқаси борлигини шубҳа қила бошлагач, у 1821 йилда сеvimли Италияни тарк этишга мажбур бўлади. Ўз ватани пойтахти Парижга келганда классиклар ва романтиклар ўртасида айна қизгин баҳслар кетмоқда эди. Стендал бундай жанрлар охир-оқибат қандай натижалар билан тугар экан, деб қўл қовуштириб турадиган ёзувчилар тоифасидан эмасди. У ҳам дарҳол адабий-ғоявий жангга энг шимариб киришиб кетади ва «Россин ва Шекспир» номли рисоласини эълон қилади. Рисоланинг асосий мазмуни — Стендал ўзини романтизм тарафдори деб очиқдан-очиқ эътироф қилганида эди.

1822 йили «Муҳаббат ҳақида» деган ижтимоий-психологик этюд китобини босмадан чиқаради. Сўнг бирин-кетин «Арманс» номли илк романи ва Италия ҳикоялари туркумидан жой олган «Ванина Вандини» новелласи нашр этилади. 1830 йилда ёзилган «Қизил ва қора» ёки 1830 йил хроникаси романи ёзувчига катта жаҳоний шуҳрат келтиради.

Буюк Стендал умрининг охирида сўнгги бор яна Италия томон йўл олади. Чивита-Беккия деган кичик бир шаҳарчада Франция консули вазифасини адо эта бошлайди. 1839 йили унинг иккинчи машҳур романи — «Парма ибодатхонаси» эълон қилинади. Охирги ва тугалланмаган романи — «Люсьен-Левен» ёки иккинчи номи — «Қизил ва оқ» ёзувчи вафотидан кейин нашрдан чиқади.

Романда XIX аср шимолий Италиядаги майда князликда рўй берган воқеалар қаламга олинади. Тасаввур қилинг: Наполеон Иттифоқчилар Армияси томонидан тор-мор этилгандан кейин Австрия ҳукумати Италиянинг катта қисмини ўзига бўйсундиради. Парма ибодатхонаси жойлашган вилоят ҳам истибдодга тушади. Парма шаҳарчаси воқеалари интригасида катта дипломат, мустақкам иродали шахс граф Моска фаолият кўрсатади. Стендал ақл бобида тенгсиз, қалби ғайрат ва илҳомга тўлиқ герцогиня Сансеверина, унинг ёш жияни Фабрицио дель Донго ва ўтюррак инқилобчи Фарранте Палла образларини яратар экан, айна пайтда италияликларнинг ўзига хос характерга эгалигидан ҳайратга тушади. Стендалнинг замондоши, улуғ Бальзак ҳам «Ани Бейль ҳақида» этюдларида романга юксак баҳо беради. Айниқса, Ватерлоо жанги манзаралари тасвирланган эпизодлар романнинг бетакрор, ёрқин саҳифаларидир. Бонапартнинг ашаддий мухлиси Фабрицио ана шу жангда қатнашади.

Лев Толстой «Уруш ва тинчлик» романини назарда тутиб, «Мен Стендал даҳоси олдида қарздорман, Агар «Парма ибодатхонаси»ни ўқимаганимда эди, романдаги уруш эпизодларини бунчалик даражада ёза олмас эдим» деб эътироф этган эди.

Фабриционинг ҳаёти асар сўнгида фожа билан тугайди. Қамоқхона, қамоқхонадан қочиш, ишқий саргузаштлар, ва охири монастирға боради. Демак, у яшаб турган жамият эшиги эркин фикрлайдиган кишиларга доим ёпиқ эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Стендалнинг адабий фаолияти Реставрация даврига тўғри келган эди. Бу даврда мамлакатда феодал-клерикал реакцияси

ғоялари ҳукмрон бўлгани сабабли, ёзувчи XVIII аср француз маърифатпарварларининг фалсафий қарашларига ҳамиша содиқ қолади. Айниқса, Дидро ва Гельвеций сингари илғор файласуфлар, Кабанис ва Кандильяк каби сенсуалистлар таълимоти руҳан унга яқин эди.

Буюк Стендалнинг романларида унинг дунёқараши қандай акс этгани тўғрисида чет эл адабиётшунослигида мунозарали ўринлар жуда кўп. У ҳақда нима демасинлар ва нима деб ёзмасинлар, дунёдаги барча буюк шахслар каби Стендал ҳам ўз даврининг фарзанди эди. Агар дунёқарашида маълум бир хатолик бўлса, бу адибнинг эмас, балки бу — уни вояга етказган муҳит, даврнинг хатосидир. У ўзининг улуғ замондошлари каби, фалсафада материяни бутун оламнинг асоси деб билар, тажриба ва ҳис этишни билимларнинг ягона манбаи деб талқин қиларди. Стендал мантиқий мушоҳада қувватини, ақл ва тафаккурни ҳамма нарсадан устун кўярди. Маърифатпарвар файласуфлар каби у ҳам, ижтимоий муҳит — инсонни шакллантириш омилидир, деб тушунарди. Аммо буюк адибнинг улуғ файласуфлардан ўзлаштирган, ёки улардан фарқли жиҳати шундаки, Стендал қарашича, инсон дунёда бахтли яшашга табиий ҳуқуқи бор ер юзидаги ягона мавжудод эди. Инсоннинг бахт ва саодат учун туғилганига қаттиқ ишонарди. У Гельвецийдан сўнг инсон хатти-ҳаракатлари, ахлоқ-одобини чуқур ва ҳар томонлама ўрганди ва ўз тажрибаларини шоҳ асарларида юксак маҳорат билан бадиий акс эттирди. Айниқса, уни худди Гельвеций ва Дидро каби, инсоннинг табиий майллари, шахсий ҳис-туйғуларининг инстинктив ривожланиши, ақл ва тафаккурнинг табиий тараққиёти масалалари қизиқтирар, унинг фикрича, бу ҳодисани теран англаш-инсон ички олами сирларини тўғри тушуниш калитини беради.

Инсоннинг куч-қуввати, имкониятларининг чексизлиги ҳақидаги улуғ маърифатпарварлардан мерос қолган тушунчани тийрак ақл билан англаб етган Стендал, ўз устозларидан бу соҳада бир қадам олға кетди, деб айтиш мумкин. Чунки буржуазия жамиятнинг барча соҳаларида эришган ғалабасидан кейин қарор топган реал воқелик, истеъдодли шахсларга ўз истеъдодини ошкор намоён қилишларига йўл бермаслигини XVIII аср мутафаккирлари кўра олмас эди, албатта. Реставрация ва Июль монархияси даврларидаги реакцион ҳокимият жамиятдаги энг сара кишилар фаолиятини чеклаб қўйган, ҳатто улар ҳаётини бўғган, заҳарлаган эди. Мана шу — яъни шахс ва ижтимоий муҳит орасидаги зиддий Стендал яратган шоҳ асарнинг марказига қўйилган, романларининг асрий мавзусига айланган эди.

Демак, улуғ ёзувчи романларининг моҳиятини англашда, тушунишда ва ҳаққоний талқин этишда унинг фалсафий эстетик дунёқарашини тўғри белгилаш гоят муҳим аҳамият касб этади.


Жульен Сорель, Луиза де Реналь ёки Фабрицио дель Донго каби жаҳон адабиётининг мумтоз қаҳрамонлари, уларнинг туйғу ва тафаккурида кечган қувонч ва изтироблар, нозик ўй-мушоҳадаларнинг жозибаси, сеҳри ана шундадир.

Мансур ТЕНГЛАШЕВ,
Филология фанлари номзоди

BOLALIK

*Bolaligim, kun sayin olistab ketayapsan,
Hali seni his qilib ulgurgan emas edim.
Mehringga qonmasimdan meni tark etayapsan,
Sening muvaqqatliging men hali bilmas edim.*

*Mana, yoshlik qo'l cho'zib bag'riga chorlayotir,
Endi mening umringa o'zi hamroh bo'ladi.
Imkonlar eshigini birma-bir ochayotir,
Seni boy berganligim menga saboq bo'ladi.*



Ramziddin JABBOROV,
Poyariq tumani

SHAHARDA

Orzularga ulug' orzular qo'shgan,
Ona qishlog'imning taftin sog'indim.
Sharqiroq soylari tuyg'umday toshgan,
Maysalar shivirin — sasin sog'indim.

Bobomning o'gitin tumorday asrab,
Momom duosidan boyib yuribman.
Otamning mehrini qadamda qo'msab,
Onam sog'inchini tuyib yuribman.

O'N OLTINCHI BAHOR

Bu gal boshqacharoq kelmoqda bahor,
Hatto daraxtlar ham boshqacha gullar.
Go'yo ko'zlarini ochmoqda ilk bor,
Go'yoki borliqday uyg'onar dillar.

Mana, yo'llar go'zal, maysalar go'zal,
Doimgi bahormas, bu bahor o'zga.
Ko'kda abr go'zal, naysonlar go'zal,
Har bir xas go'zalroq ko'rinar ko'zga.

Bu bahor epkini biram iforli,
Bu ne his, kengliklar istaydi ko'ngil.
Qo'shiq kuylamoqda yam-yashil borliq,
Yana nimanidir qo'msamoqda dil.


Yuragim gupurib ketar... boshqacha,
Bu nima, bu ne sir? Halovatim yo'q.
Bu gal yuragimga kelmoqda bahor,
Uning nigohidan qalbga tegdi o'q...

MENI ESLAMA

Unutmayman, dema! Yo'q, unutasan,
Men juda istayman unutilishni.
Axir unutmasdan qanday ketasan,
Hatto xayol qilma meni bilishni.

Umringdan quv meni, hayotingdan quv,
Hattoki yodingga olma shunchaki.
Nogahon eslasang xayolingdan quv.
Shunda baxtiyorroq bo'larsan balki.

Men — noshud, sevgingni bilmagan banda,
Ko'zyoshing alamin o'zdan olaman.
Sen unut... baxtli bo'l o'zga chamanda,
Men esa... unutmay qo'ya qolaman...



Ушбу мақола ҳам қизиқарли саргузаштларга орзуманд муштарийларга манзур бўлиши шубҳасиз. Аввал ваъда қилганимиздек, мавзунини энг қизиқ жойидан давом эттирамиз. Бу гал ҳам ўрта асрларда ва ундан кейинги юз йилликларда дунёга, айниқса, денгизчилар қалбига даҳшат солган қароқчилар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Гап тилсимланган ва асрлар оша қидириладиган улкан хазиналар ҳақида кетар экан, бир пайтлар денгиз қароқчилари томонидан беркитилган бойликлар ҳақида тўхталиб ўтмасдан бўлмайди. Чунки бундан тўрт-беш аср муқаддам денгиз орқали ташилган юлкларнинг деярли 30-40 фоизи қора байроқ остида сузувчи кемалар — денгиз қароқчиларининг чангалига тушиб қоларди. Биргина XVI асрнинг ўзиде Америкадан Испанияга денгиз орқали жўнатилган 100 тоннадан ортиқ олтин қароқчилар ўлжасига айланган. Булар аниқ маълумот — факт ҳисобланади. Айтмоқчимизки, ҳали тарихга маълум бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Лекин юқоридаги фактнинг ўзи ҳам денгиз қароқчилари қўлида катта бойлик тўпланиб қолганидан далолат беради.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, денгиз қароқчилари сардори, капитан Кидд тенгсиз бойликларга эга бўлган. У денгиз қароқчилари орасида ўзининг ёвуз ва ваҳшийлиги билан ном чиқарган эди. Бунинг устига, у ҳар доим ўта маккорлик билан иш тутган. Бошқача айтганда, у ҳар гал ўз ёрдамчиси билан янги гуруҳ тузар, навбатдаги ўлжа қўлга киритилгач, уни ишончли ороллардан бирига бекитар ва сўнг ўз гуруҳдошларини қатл этар эди. Кидднинг афсонавий бойликлари жойлашган ер Скелетлар ороли деб юритилган. Осиёнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бу оролнинг ажабтовур номланишига ҳам Кидднинг ваҳшийлиги сабаб бўлган, дейилади. Чунки у ҳар гал улкан бойликларни қўлга киритгач, Осиёга йўл олади ва ўз бойликларини ёрдамчилари кўмагида оролдаги ғорлардан бирига яширади. Кейин эса, бу ишда ўзига ёрдам берганларнинг ҳаммасини содиқ ёрдамчиси кўмагида бирма-бир ўлдиради ва уларнинг жасадларини дарахтларга осиб қўяди. Шундан сўнг у бу қилмиши билан ҳам кифояланмай, ҳар бир жасаднинг ўнг қўлини айнан хазина бекитилган ғорни кўрсатиб турадиган қилиб дарахтга қаттиқ михлаб ташлайди. Буни қарангки, шу ҳолатда у ўзининг содиқ ёрдамчисига ҳам шафқат қилмайди, уни ҳам ўлдириб, денгиз соҳилидаги

улкан эман дарахтига осиб қўяди. Орандан анча вақт ўтгач, бу орол «Скелетлар ороли», деган ном олади.

1701 йилга келиб, ашаддий қароқчи 9 нафар ҳамроҳи билан қўлга олинади ва ўлимга маҳкум этилади. Албатта, қароқчи Киддга шунча бойликни ташлаб, итдек ўлиб кетиш алам қилади. Шу боис, у қандай қилиб бўлса-да, тутқунликдан қочиб қолиш усулини қидиради. Аммо қочишга муваффақ бўла олмайди. У ўз ўлимига қўзи етгач, сўнгги йўлни тутди. Яъни ўзини ўлимга маҳкум қилганларга мушоақат этади:

— Менинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган беҳисоб бойликларим бор. Агар ҳаётимни сақлаб қолишга ваъда берсангиз, сизларга хазинамнинг сирини очаман...

Кидднинг таклифи очикча, ҳамманинг кўз ўнгиде айтилгани учун ҳам қатлини тўхтатишга ҳеч ким журъат этолмайди. Шу тариқа, 1701 йилнинг 23 майида қароқчи Кидд ва унинг 9 нафар шериги халқнинг кўз ўнгиде осиб ўлдирилади...

Қисқаси, шу тариқа қароқчи Кидд юрагида армон билан ўлиб кетади. Ундан ўта ёвуз деган ном ҳамда ҳеч ким қаерда яширилганини билмайдиган беҳисоб бойлик қолади. Бунинг устига, қароқчи Кидднинг ўлимидан сўнг унинг бойлиги ҳақида бири-бирдан ғаройиб миш-мишлар кўпайиб кетади.

Бу эса, табиийки бойлик топиш илинжида тинчини йўқотиб юрган кимсаларни баттар жазавога солади. Ва дунёнинг турли бурчакларидан қароқчи Кидднинг афсонавий хазинасини излаб, юзлаб «овчи»лар йўлга отланадилар. Воқеалар ривожини шу даражага бориб етадики, ҳатто айрим давлатлар томонидан ҳам махсус экспедиция ташкил этилади. Лекин бу ҳаракатларнинг барчаси зое кетади. Чунки қароқчи Кидд хазина сирини ўзи билан нариги дунёга олиб кетган эди.

Фақат XVIII асрнинг охириларида келиб, АҚШ ҳудудида кирувчи ороллардан бирида, умумий қиймати 10 миллион долларни ташкил этувчи хазина топилади. Хазина яшиқларга жойланган олтин қўймалар, дур-жавоҳирлар ва турли бошқа қимматбаҳо тошлардан иборат эди.

Тўғри, баъзи тарихий ҳужжатлар бу хазина айнан қароқчи Киддга тегишли эканини исботлайди. Лекин бу хазина Кидд тўплаган бойликнинг мингдан бир улуши ҳам эмаслигини тасдиқловчи далиллар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам хазина «овчи»лари ҳамон бойликларни қидириш билан банд...

Шу билан бирга топилган хазина ҳақида яна бир тахмин бор. Британия Адмираллигида сақланаётган ҳужжатлар ушбу бойликлар бобокалонимиз Бобурнинг авлодларидан бири, Ҳиндистоннинг ўша даврдаги ҳукмдори Аврангзебга тегишли эканини тасдиқлайди. Чунки инглизлар Ҳиндистонни босиб олгач, Аврангзебининг катта бойликларини



ЛТИН ВА

ёхуд хазина қидири

хам қўлга киритади ва Ҳинд океани орқали Британияга жўна-тишади. Лекин ушбу бойликлар номаълум сабабларга кўра Британияга етиб бормайди. Инглиз изкуварларининг фикрича, Ҳиндистондан Британияга йўл олган бойликлар ор-тилган кема ҳам қароқчи Кидднинг қўлига тушиб қолган бўлиши мумкин.

Қароқчи Кидднинг «Ҳамкасб»ларидан бири — қароқ-чилар орасида Калхат лақаби билан машҳур бўлган Оливье Басернинг ҳам умри эшафотда яқун топади. Кидднинг акси ўлароқ, Басер ҳукуматдан узр сўрамайди. Аксинча, қандай-дир йўллар билан барча тинтувлардан асраб қолиб, қатлгоҳ майдонигача ўзи билан олиб келган бир парча қоғозни то-мошага тўпланган халойиқ орасига иргитаркан, шундай деб кичқиради:

— Кимки шу қоғозда ёзилган сирни топа олса, мен тўплаган хазина ўша одамники бўлади...

Орадан икки ярим аср ўтаётган бўлишига қарамай, ха-зина «овчи»лари ҳамон Калхат томонидан ёзилган крип-тограмманинг сирини била олмай овворалар.

Тарихий маълумотларга қараганда, Оливье Басер хази-насининг салмоғи ҳам Киддникидан кам бўлмаган. Чунки у 1721 йилда ўз ҳамроҳлари билан Португалиянинг «Вьер-же ду кул» олтин юкланган шхунасини қўлга олган эди. Кема экипажини қиличдан ўтказиб, барча олтинларни ўз «аравасига» ортган қароқчилар кемаси Сейшел оролларида бирига йўл олган. Демак, аслида португалларга тегишли бўлиб, ўғри омад туфайли Басер қўлига тушиб қолган ушбу бойликлар Сейшелдаги кўп сонли ороллардан бирига яши-рилган, деган тахминни илгари суришимиз мумкин. Ле-кин нима бўлганда ҳам, икки ярим асрдан буён ушбу орол-ларнинг «тит-пит»ини чиқариб ташлаган хазина овловчи-ларга ҳозиргача омад кулиб боққанича йўқ.

Яна бир машҳур денгиз қароқчилари сардори Генри Мор-ганнинг бойликлари ҳам ҳамон ўз сирини очмай келаяпти. Энг қизиғи, бошқа қароқчилардан фарқли ўлароқ, Мор-ганнинг хазинаси бекитилган оролнинг номи ҳаммага маълум. 1665 йилда Г.Морган ўз шериклари билан тўплаган бойликларини Тинч океани бағридан жой олган, Коста Рика давлати ҳудудига кирувчи Кокос оролига яширган. Ундан кейин эса, бу оролга Морганнинг яна бир ҳамкасби Бени-то Бонита ҳам ўз топган-тутганларини келтириб кўмган. Тах-минларга қараганда, бу оролга кўмилган бойликларнинг умумий миқдори бир неча юз миллион долларга тенг. Ле-кин хазина овловчилар бу оролда ҳам ҳалигача айтарли на-тижага эришганлари йўқ.

Кокос ороли нафақат Морган ёки Бенитонинг хазина-лари билан машҳур. Аслида бу оролнинг номини жаҳонга танитган, бутун дунёдаги хазина овловчилар эътиборини қаратган яна бир сабаб бор. Бу сабаб тарихий ҳужжатларда

«Лима хазинаси» деб юритилади. Куйида ана шу хазина ҳақида ҳикоя қиламиз.

Жанубий Америка озодлиги учун испан истилочилари-га қарши курашган Симон Боливар ўз армияси билан Ли-мага яқинлашиб қолганини эшитган испан генераллари, руҳонийлари ва бошқа мулкдорлар ўз бойликларини асраб қолиш мақсадида «Азиз Мэри» кемасини ёллашади. Улар кемага ўзлари Жанубий Америкада тўплаган барча бойлик-ларини юклаб, махсус қоровуллар билан Испанияга жўна-тиб юборишади. Очиқ денгизга чиққач, кема капитани, Шот-ландия фуқароси Томпсоннинг тонна-тонна олтинлару жа-воҳирларни Испанияга олиб боргиси келмай қолади. Ва ўз матрослари ёрдамида бойликни кўриқлаб келаётган барча испан соққиларини ўлдириб, денгизга улоқтиради. Кейин кема қора байроқ остида Кокос оролига йўл олади. Бу кема капитани ўз командаси билан қароқчилар сафига ўтганидан дарак берар эди.

Шундан сўнг бу воқеадан хабар топган испанияликлар «Азиз Мэри»нинг ортидан тушишади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Томпсон кемаси қўлга олинади. Кеманинг барча аъзо-лари денгизнинг ўзидаёқ қатл қилинади. Капитан ва унинг ёрдамчиси қаттиқ қийноққа олинади. Буни қарангки, кеча-си Томпсон ва унинг ёрдамчиси кема иллюминаторини син-дириб, қочиб кетишади. Уларнинг ортидан тушганлар орол қирғоғида пешонасидан отиб ташланган ёрдамчисининг жа-садини топишади. Шундай қилиб, Томпсон сирни биллади-ган сўнги гувоҳдан ҳам қутулиб қойиб бўлади.

Бир неча аср давом этган «Томпсонни қидириш» опе-рацияси эса натижа бермайди. Лекин унинг тириклиги, ха-зина ҳақидаги махсус харитани ўлими олдидан фарзандла-рига қолдиргани ва шунга ўхшаш миш-мишлар ҳамisha бўлган. Биз Кокос оролини жаҳонга «Лима хазинаси» маш-ҳур қилгани ҳақида бежиз сўзламадик. Чунки бу хазинани топиш учун ҳатто Американинг машҳур президентларидан бири Франклин Рузвелт ҳам махсус экспедиция уюштир-ган эди...

Комил ЖОНТОНОВ



СВАДСАСИ

Увчилар қисмати

УЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА АССОЦИАЦИЯСИ

Энига: 2. Билимни синаш, имтиҳон тури. 4. Дилдаги истак, эзгу умид. 6. Энг юқори баҳо. 8. Мақолдан: ...инг кетди, нақдинг кетди. 23. Мактаб таълимнинг ҳар бир босқичи. 25. Китобхонликнинг кўҳна анжومي. 27. Мақолдан: Ҳар йигитга бир ... 29. Жамият асоси, хонадон.

Бўйига: 10. Ёш ҳарбий хизматчи. 11. Йилнинг танилган ёш истеъодларига тақдим этиладиган мукофот. 17. Сўзамол, гап устаси. 18. Ўзбекистондаги ахборот агентлиги.

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида: 1. Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий тасаввурлари мажмуи. 3. Ватанимизда масофали ўқитиш фаолиятини олиб бораётган жамғарма. 5. Ҳарбий мактаб ўқувчиси. 7. Кучқувватга тўлган давр. 9. Умумжаҳон компьютер тармоғи. 12. Меҳнат, жисмоний тарбия билан машқ қилиш асосида танани тоблаш. 13. Ўзбекистон Республикаси ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти. 14. Билим ва таълим берувчи, устоз. 15. Гуллаб яшнаш, тараққиёт, ривож. 16. Ўрта махсус касб-хунар ўқув юрти. 19. Умумий ўрта таълим маскани. 20. Ёшларга билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни. 21. Ватанимиз истеъод соҳибалари сазовор бўладиган давлат мукофоти. 22. Шахмат бўйича Марказий Осиёда энг биринчи жаҳон чемпиони, «Амир Темур» ордени

совриндори. 24. Табиат, жамият ва тафаккур тараққиёти қонуниятлари фани мутахассиси. 26. Жасоратлари билан ўзини курсатган шахс. 28. Илмий текшириш ишининг натижаси. 30. Мамлакатимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларининг олий ўқув юртлиги ўртасидаги босқичи.

МУАММОНОМА Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг:


1. Инсоннинг ақлилик, донолик фазилати - 11, 2, 3, 4, 12, 2, 20.
2. Ватанимиздаги болалар ташкилоти - 3, 2, 8, 2, 5, 2, 3.
3. Олимпиада уйинлари совриндори, таниқли ўзбек курашчиси - 20, 2, 21, 14, 9, 6, 7, 12.
4. Турли мусобақалар билан амалга оширилдиган жисмоний чиниқиш соғломлик асоси - 19, 18, 4, 9, 20.
5. Вақтли матбуот нашри - 13, 15, 9, 21, 2, 5.
6. Тантанали шодиёна кун - 1, 2, 22.
7. Болалиқдан балоғат ёшига ўтиш даври - 17, 18, 6, 9.
8. Спортнинг японча яккама-якка кураш тури - 10, 11, 16, 10.

Энди калит сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириш билан муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан ибратли сўзларни билиб оласиз.



тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

АЙЛАНМА КРОССВОРДИ



кандарий» достонида таърифланган юнон олимларидан бири. 23. «Фарход ва Ширин» мусиқали драмасида Фарходни асир этган қахрамон. 24. Шоир замондоши, қасиданавис ижодкор. 25. Атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбек романи. 26. Ўзбек адабиётшунос олими, Алишер Навоий асарлари тадқиқотчиси. 27. Алишер ўн беш ёшида ўқишга борган Эрондаги шаҳар. 28. Шоир достонида куйидаги мисраларни баён этган қахрамон: Деди: ҳар ишни қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод. 29. Ёш Алишер ижодига юксак баҳо берган замондоши, ўзбек мумтоз шоири. 30. Шоир муҳаббат бобида ёзган жаҳонга машҳур достонининг бош қахрамони, вафодор, мазлума ёр.

МУАММОНОМА Аввало куйида таърифлари баён этилган калит сўзларни топинг:

1. Алишер Навоий замондоши, машҳур тарихчи - 12, 21, 7, 17, 5, 3, 8, 2.

2. Шоирнинг «Қаро кўзум ...» сўзлари билан бошланадиган ғазали билан ижро этиладиган ашула - 14, 20, 20, 21, 19.

3. Рус адабаси Лидия Бать қаламига мансуб Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти баён этилган қисса қахрамони - 17, 14, 2, 6, 14, 1, 10, 21, 7.

4. Навоий устоз деб билган, бадий ижодда ҳамсачиликка асос солган озарбайжон мумтоз шоири - 7, 8, 16, 21, 3, 8, 18.

5. «Алишер Навоий» тарихий драмасидаги шоирнинг севгилиси образи - 11, 14, 1, 8. Алишер Навоий ҳикматларидан:

6. Ки ҳар ким аён этса 13, 12, 20, қилиқ, Етар яхшилиқдан онга яхшилик.

7. Саховатсиз киши ёғинсиз абри 15, 5, 9, 21, 2.

8. Кўнгил махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калидин 6, 4, 16. бил.

Энди шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларни калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммонотани хал этинг. Бунда улардан буюк ижодкорнинг икки мисрали ҳикмати-ни билиб оласиз.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Алишер Навоийнинг беш дostonдан иборат шоҳ асар. 2. Шоирга берилган таърифдан: «... мулкининг султони». 3. Шоир достонидаги шоҳ ва ошиқ, Дилоромнинг ёри. 4. Навоий ҳомийлигида фаолият олиб борган мусаввир. 5. Алишер Навоийни устоз деб билган атоқли қорақалпоқ шоири. 6. Шоир сиймосини мўйқаламда гавдалантирган Ўзбекистон халқ рассоми. 7. Шоир сиймосини энг кўп маротаба театр сахнасида гавдалантирган устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти. 8. Навоий достонида асли исми Қайс бўлган қахрамонга берилган ном. 9. «Навоий» тарихий романи асосида экранлаштирилган видеофильм режиссёри. 10. Тўрт мисрадан иборат назмий асар тури. 11. «Фарход ва Ширин» достони-

даги худбин, золим, подшо образи. 12. Алишер Навоий Ҳиротда бунёд эттирган даволаниш маскани. 13. Шоирнинг «Лисонут-тайр» асаридagi бош қахрамон образи. 14. Алишер Навоийнинг ҳадиси шарифлар асосида ёзган асари. 15. «Хамса» достонидаги оқила, вафодор ёр образи. 16. Алишер Навоий таваллуд топган шаҳар. 17. Шоир ҳикматидан: «Оламда ...дан азиз дўст йўқдир». 18. «Хамса» достонларидан биридаги Мудбирга қарма-қарши бўлган соф қалбли, садоқатли йигит. 19. «Сабъаи сайёр» достонининг биринчи ҳикоясидаги ҳиндистонлик мусофир шаҳзода образи. 20. Туркман халқ афсоналарида Алишер Навоийга берилган ном. 21. Алишер Навоий ҳикматидан: Умрни зое этма, . . . қил, Меҳнатни саодатинг калиди бил!»

22. «Хамса»даги «Садди Ис-

РОСТҒҮЙ ОТА

— Дунёда ёлгончиликдан ёмон нарса йўқ. Агар яна бир марта ёлгон гапиргудай бўлсанг, сени ўғлим демайман, меросдан маҳрум қиламан, — деди ота ўғлини койиб.

— Дадажон, энди сира ёлгон гапирмайман, — деди ўғли.

Ота ҳам унга таҳсин-офарин ўқиди. Шу маҳал кимдир кўча эшикни тақиллатиб қолди. Ўғил ўрнидан ирғиб туриб:

— Чиқиб эшикни очай, келган ким экан? — деди.

— Менга қара, — деди отаси уни йўлдан қайтариб, — эшикни очиб қара, агар молия инспектори бўлса, дадам бундан бир неча ҳафта бурун сафарга чиқиб кетган эдилар дегин!



— Нима, мен сизга алоҳида маълум қилишим керакми? Ҳолбуки, бир ҳафта олдин айтгандим.

ЎРИҢСИЗ ШИКОЯТ

Икки ўртоқ ресторанга кириб балиқ буюришди. Официант балиқни олиб келганида, ўртоқларнинг ёшроғи катта балиқни ўзи олиб, кичигини ўртоғининг олдига суриб қўйди.

— Тарбия кўрмаган одамларгина катта луқмани ўзлари олиб, кичигини бошқаларга берадилар, — деди ёши каттаси.

— Афв этасиз, борди-ю, ўзингиз эртароқ ҳаракат қилганингизда, нима қилар эдингиз?

— Шак-шубҳасиз кичик балиқни олган бўлардим, — деб жавоб берди ёши каттаси.

— Хўп, ҳозир ҳам кичик балиқ сизга тегди, шундай бўлгач, шикоят қилишнинг нима ҳожати бор?



Доктор, ишонч билан айта оламанки, бу ажойиб кашфиёт! Ампулаларни қандайдир ифлос нарсалар билан тўлдириб, қабулхонангиздаги барча стулларга ўрнатиб чиқасиз...

ТАЪМАГИРЛАР

Арабистонда бировнинг таъмагир экани ҳақида гапирмоқчи бўлсалар, уни Ашъас деган таъмагирга таққослайдилар, чунки Ашъас бу борада шухрат қозонган бўлиб, у ҳақда шундай бир нақл бор.

Бир куни Ашъасдан:

— Ўзингдан кўра таъмагирроқ одамни учратганмисан? — деб сўрабдилар.

— Ҳа, — деб жавоб берибди Ашъас, — бир куни кўчада кетаётиб осмонга қарасам, бир гала кушларга кўзим тушди. Кушларга этагимни тугдим, шу маҳал ёнимдан бир кўшним ўтиб кетаётган эди, мени кўриб: «Жаноби Ашъас, нега этак тутиб турибсиз?» деб сўради. «Анави учиб кетаётган кушлардан бирортаси тухум қилгудай бўлса, тухум этагимга тушса, синмай бутун қолармикин деяпман», дедим. Уйимга қайтгач, орадан сал вақт ўтмай, биров эшигимизни тақиллатди. Чиқиб эшикни очсам, ҳалиги кўшнимнинг ўғли экан. «Нима шинг бор?» — деб сўрадим. «Дадам айтдилар, бояги кушларнинг тухумидан бизга ҳам беш-олтита берармишсиз» деди бола. Шундан сўнг кўшним мендан кўра таъмагирроқ эканига тан бердим.




БЎШ СТОЛ

Олфита бир йигит кафега кириб, официантнинг кўлига ўн риёл тутқазди.


— Сиз учун стол ҳозирлаб қўяйми? — деб сўради официант.

Олифта йигит жавоб берди:

— Йўқ, аксинча, ҳали мен икки хоним билан бошлашиб келганимда, «бўш стол йўқ» денг.



— Нима, мен сизнинг қоқнон кемиришингизни эшитиб ётишим керакми? Агарда жудаям оч қолган бўлсангиз, куйма тишларингизни суғуриб олиб чайнанг!



— Сен кечикдинг, дўстим, ўтириш кеча бўлиб ўтганди.

Нигина ҚОДИРОВА,
Комил ЖОНТОВ тайёрлади



Ўзбекистон шахмат федерациясида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги хомийлигида бўлиб ўтган мусобақаларда шахматчилар ёшларига қараб, гуруҳларга бўлиниб дона суришди.

16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида самарқандлик Жаҳонгир Воҳидов 6-мартга Ўзбекистон чемпиони бўлди.

II ўринни Тошкент шаҳридаги 180-мактаб 8 "А" — синф ўқувчиси Олег Артеменко қўлга киритди. Мазкур спортчилар 2009 йилда Хиндистонда ўтказилган ёшлар ўртасидаги халқаро чемпионатда II ўринни эгаллашган.

Бу ёшларнинг ҳозирдан келажак режалари аниқ: шахматчи бўлиш. Шоир айтганидай, ўн олтига аскар билан бутун жаҳонни забт этиш.

ISSN 2091-5330

Тен
4605

GUINORA OILBERGANOVA

Обуна давом этмоқда

Индекс: яқка обуначилар учун – 820, Ташкилотлар учун – 806.